

O‘ZBEKISTON **ISSN 2181-502X** QISHLOQ VA SUV XO‘JALIGI

№10, 2023

Agrar-iqtisodiy, ilmiy-ommabop jurnal

Vatan va xalq manfaati uchun mardona kurashadigan, o‘zining qat’iy hayotiy pozitsiyasiga ega, hech kimdan kam bo‘lmagan yoshlarni tarbiyalash – g‘oyat ezgu va ulug‘ vazifadir.

Shavkat MIRZIYOYEV

**1-OKTABR –
O‘QITUVCHI VA
MURABBIYLAR KUNI**



ҒАЛЛАЧИЛИК КЛАСТЕРИ

ИСТИҚБОЛЛАРИ



Самарқанд вилоятида ҳам ғалла етиштирувчи фермер хўжаликларини иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, дон етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришиш ва самарадорлигини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бошқоқли дон етиштиришда кластер тизимини босқичма-босқич жорий этиш орқали юқори ҳосилдорликни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан ғаллачилик кластерларини ташкил этиш чора-тадбирлари амалга оширилган. Жумладан, Нарпай туманидаги «Хумо агро платинум» ғаллачилик кластери ҳам ташкил этилганига қўп бўлмаган бўлса-да, бугунги кунга келиб, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Ёш шижоатли раҳбар Ҳумоюн Ҳасанов раҳбарлигидаги кластер бугун тумандаги 231 та фермер хўжаликлари билан шартномалар имзолаб, ҳамкорликда 6 минг 590 гектар майдонда ғалла етиштирмоқда. Ўтирофли жиҳати, жорий йил кластер хўжалиги ҳамкорлигида, Нарпай туманининг «Алишер Навоий» ҳудудидаги ғалла майдонларида 90 центнердан ҳосил олинди. Албатта, бу етиштирилаётган бу мўл ҳосил, фермерларнинг ҳам, кластер хўжалиги аъзоларининг ҳам келгуси истиқболли режа ва амалларига замин бўлмоқда.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳасини тубдан ислоҳ қилиш баробарида, соҳага бозор механизмларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада янги хўжалик юритиш шакллари бўлган агрокластерлар ҳамда кооперация тамойиллари асосида фаолият юритувчи қишлоқ хўжалиги бирлашмалари ва фермерларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги юзага келмоқда. Туманларда ташкил этилаётган ғаллачилик кластерлари ҳам ана шу тамойилга асосланган истиқболли лойиҳалардандир.

– Ўтган йилда ғаллачилик кластеримиз таркибида Туркия технологияси асосида кунлик қуввати 60 тонна бўлган ун заводини ишга туширдик ва шу билан туманимиздан 20 нафардан ортиқ аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлашга эришдик. Бундан ташқари, Германия технологияси асосида кунига 9 минг та нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини ишга туширганмиз. У ерда ҳам 12 нафар маҳаллий аҳоли вакиллари иш билан таъминланганмиз, - дейди корхона раҳбари Ҳумоюн Ҳасанов. - Эндиги режаларимиз бошқоқли дон экиладиган майдонларимизда сувни тежайдиган технологияларни жорий этиб, кластер хўжалигимизда ер, сув ва бошқа ресурслардан самарали фойдаланиш, инновацион технологияларни жорий этиш орқали ҳосилдорликни оширишни йўлга қўйишни мақсад қилганмиз.

Дарҳақиқат, бу каби ғаллачилик кластерларининг ташкил этилиши фермер хўжаликларида қўшимча агротехник тадбирларни ўтказишга талаб этиладиган маблағларни етарли миқдорда йўналтириш орқали юқори ҳосилдорликка эришишни таъминлашга, моддий манфаатдорликни ва самарадорликни оширишга замин яратди. Шу билан бирга, маҳсулотни қайта ишлаш орқали қўшимча иш ўринлари яратилишига ва нарх-наво барқарорлигини таъминлашга эришилади. Энг асосийси, ушбу ташаббуслар натижасида ҳудуд иқтисодиёти ривожланади, бу эса, ўз навбатида, юрт тараққиётига ҳисса қўшади ва аҳоли фаровонлигининг ошишида хизмат қилади.

Ўз мухбиримиз.

Сурамда : «Хумо агро платинум» ғаллачилик кластери раҳбари Ҳумоюн Ҳасанов.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ СУВ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРИ

ЭЗГУЛИККА ХИЗМАТ

ҚИЛМОҚДА



Ариқларимиздан оқаётган зилол сувлар, қувурлар орқали хонадонимизгача етказиб берилаётган соф ва тотли оби ҳаёт, суғориладиган унумдор ва серҳосил ерлар, миришкор ва соҳибкор бобо деҳқонлар - буларнинг бари Яратганнинг халқимизга бебаҳо иноятидир.

Амударё ва Сирдарё ҳавзасида жойлашган жонажон диёримизда сувчиларнинг машаққатли меҳнати эвазига далаларга сув етказиб берилиб, экинлардан мўл ҳосил олинапти. Бозорларимиз йил-ўн икки ой тўкин, дастурхонимиз ноз-неъматларга тўла, турмушимиз йилдан-йилга фаровонлашиб бораётгани ҳам шундан.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан республикаимиз сув хўжалиги соҳасини комплекс ривожлантириш, мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, жумладан, рақамли ва сувни тежовчи суғориш технологияларни кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада муайян натижаларга эришилмоқда.

Марказий Осиёда сув тақчиллиги муаммоси чуқурлашиб бормоқда. Охирги 30 йилда минтақада ҳаво ҳарорати бир ярим градусга кўтарилдики, бу – дунёдаги ўртача исидан икки қарра кўпдир. Бунинг натижасида дарё ва сойларимиз шаклланадиган музликлар умумий майдонининг қарийб учдан бир қисми эриб кетди. Агарда шу тенденция давом этадиган бўлса, яқин йигирма йилда икки йрик дарё – Амударё ва Сирдарё оқими ҳозиргидан 15 фоизга қисқариши мумкин. Шундай бўлган тақдирда аҳоли жон бошига сув билан таъминланиш даражаси ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ҳозиргидан 25 фоизга камайиб кетади.

Булар шунчаки рақамлар эмас, бу ерда яшовчи халқларнинг тақдири, фаровонлигига бевосита дахлдор кўрсаткичлардир. Ҳисоб-китобларга қараганда, Марказий Осиёнинг айрим ҳудудларида 2040 йилга бориб сув ресурсларига бўлган эҳтиёж уч баравар ошади. Вақт ўтиши билан иқтисодий зарар ялпи минтақавий маҳсулотнинг 11 фоизига етиши мумкин. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳозирнинг ўзидаёқ минтақа давлатлари сув ресурслари тақчиллиги ва ундан самарасиз фойдаланиш оқибатида йилига 2 млрд. долларгача маблағ йўқотаётганидан огоҳлантирмоқда.

Шу боис, ўз вақтида таъсирчан чоралар қўрилмаса, сув тақчиллигининг оқибатлари Марказий Осиёдаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликка жиддий путур етказиши муқаррарлигини ҳисобга олган ҳолда Президентимиз томонидан халқаро минбарларда янги ташаббуслар илгари сурилаяпти.

Давлатимиз раҳбари жорий йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқида Марказий Осиёда сув ресурслари тақчиллиги билан боғлиқ масалага алоҳида урғу берди. Вазиятдан келиб чиққан ҳолда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотибининг Сув ресурслари бўйича махсус вакили лавозими таъсис этилишини қўллаб-қувватлаган ҳолда Марказий Осиёда сувни тежайдиган технологиялар платформасини яратиш жараёнида “Бирлашган Миллатлар Ташкилоти – сув ресурслари” механизмини ишга солиб, энг илғор технологияларни жалб этиш ва татбиқ қилиш тарафдори эканлигини таъкидлади. Бу, ўз ўрнида, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг сувни тежайдиган технологиялар платформасини яратишда ташаббускор бўлишини, шу билан бирга, жараёнга халқаро ҳамжамиятни ҳам жалб этишдан манфаатдор эканлигини англатади.

Минтақадаги қўшни давлатлар билан низо ёки зиддиятлар юзага келган тақдирда трансчегаравий дарёлар сувидан фойдаланишда қанчалик машаққат ва муаммолар пайдо бўлишини яқин

тарихда бошдан ўтказдик. Марказий Осиё тинч-лигига таҳдид солувчи ташқи таъсирлар ҳам сувни ричаг сифатида ишлатишга уриниб кўришган ҳолатлар бўлди.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг қўшнилар билан дўстона муносабатларни йўлга қўйиши натижасида зиддиятлар барҳам топиб, сув бўйича муаммолар ҳам ечилмоқда.

Ташкил этилганига 30 йил тўлган Оролни қутқариш халқаро жамғармаси бугунги кунга келиб сув ва экология соҳасида минтақавий ҳамкорликнинг энг муҳим платформасига айланди. Глобал иқлим ўзгаришлари оқибатида вужудга келаётган янги хавф ва таҳдидлар шароитида жамғарманинг ўрни ва аҳамияти янада ортиб бормоқда.

Жорий йил 15 сентябрь куни Давлатимиз раҳбари томонидан Оролни қутқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгаши мажлисида мазкур тузилма доирасида узок муддатли истикболга мўлжалланган келишилган янги қарорларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ташаббуси илгари сурилди.

Бугунги кун руҳидан келиб чиқиб, Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш ва институционал механизмларини модернизация қилиш зарурлиги эътироф этилди. Ўзбекистон жамғарманинг асосий ҳужжатлари ва битимларини хатловдан ўтказиш, жумладан, 1990 йилларда қабул қилинган Жамғарма низомини қайта кўриб чиқиш, амалдаги тузилма фаолиятини биргаликда таҳлил қилиш, Жамғарманинг фаолияти ва ҳамкорлик масалаларини аниқ тартибга солувчи “Қоида ва тартиб-таомиллар”ни ишлаб чиқиш тарафдори эканлиги таъкидланди.

Албатта, жамғармани ривожлантириш ва ислоҳ этиш жараёнларини тармоқлараро тамойил асосида, яъни замонавий экологик таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда, “**сув-энергетика-озик-овқат**” тартибидagi комплекс ёндашувлар негизида амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, жамғарманинг асосий ҳужжатларида трансчегаравий дарёлар сув ресурсларини бошқариш ва фойдаланиш соҳасида умумэътироф этилган меъёрлар, принциплар ва ўзаро мажбуриятлар ҳам ўз ифодасини топиши керак.

Президентимиз жамғарманинг амалдаги тузилмалари самарасини кадрлар ва техник салоҳиятни кучайтириш, компетенцияни кенгайтириш ҳисобидан тубдан ошириш кераклигига урғу берди.



Сув ва бошқа табиий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш маданиятини шакллантириш, махсус дастурни қабул қилган ҳолда, ёшлар ташаббуслари ва стартапларини қўллаб-қувватлаш масалаларида ёшлар билан ишлашни минтақавий даражада ташкил этишга алоҳида эътибор қаратиш ташаббуси, шубҳасиз, кенгаши мажлисидаги энг креатив таклиф бўлди, десак янглишмаймиз.

Сабаби, сув ва бошқа табиий ресурсларни тежаш маданиятини ўсиб келаётган ёшлар онгига сингдирмасдан туриб бу борада тўлақонли натижага эришиб бўлмайди.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида сувни тежаш бўйича миллий дастур ишлаб чиқирилиши, сувни тежаш соҳасини Жамғарма фаолиятининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб, бу борада ҳамкорликни кучайтириш, келгуси йили Самарқандда ўтказилиши режалаштирилаётган Халқаро иқлим форуми доирасида жаҳондаги етакчи компанияларнинг сувни тежаш борасидаги технологиялари кўргазмасини ташкил этиш режалари ҳақида баёнотлар Давлатимиз раҳбари минтақа халқларининг ташвиши билан яшаётганлигини, сув масаласида қўшниларни фаол ҳамкорликка даъват этаётганликларини тасдиқлайди.

Афғонистонда “Қўштепа” канали қурилишининг бошланганлиги бу йил ижтимоий тармоқларда энг кўп муҳокамага сабаб бўлган мавзулардан бирига айланди. Хавотирларга асос бор, янги каналнинг ишга туширилиши Марказий Осиёдаги сувдан фойдаланиш тартиби ва мувозанатини тубдан ўзгартириб юбориши мумкин. Қўшни давлатнинг Амударё сувидан фойдаланиш учун янги иштирокчи сифатида майдонга чиқиши анча йиллардан бери кутилаётган бўлиб, мамлакат ичкарисида барқарорлик ўрнатилишига бевосита боғлиқ.

Президентимиз “Қўштепа” каналининг қурилиши ва унинг Амударё сувидан фойдаланиш тартибига таъсири билан боғлиқ барча жиҳатларни минтақадаги тадқиқот институтларини жалб этган ҳолда ўрганиш бўйича Қўшма ишчи гуруҳини шакллантириш ташаббусини илгари сурди. Афғонистон вакиллари сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш бўйича минтақавий мулоқотга жалб этиш масаласини кўриб чиқишни таклиф этди.

Давлатимиз раҳбари ички сиёсатда ҳам келгусида кутилаётган сув танқислигини юмшатиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ташаббусини илгари сурмоқда.

Келгуси 7 йилда мамлакатнинг асосий ривожланиш йўналишларини белгилаб берувчи муҳим дастуруламал ҳужжат бўлган “Ўзбекистон-2030” стратегияси бунга яққол мисолдир. Бешта устувор йўналиш бўйича 100 та муҳим мақсад акс эттирилган стратегиянинг 3-йўналиши сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга бағишлангани сувчиларга ҳам улкан масъулият юклайди.

“Ўзбекистон-2030” стратегиясида сув ишлатиш самарадорлигини 25 фоизга ошириш, қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда сув тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган ерларнинг умумий майдонини 2 млн. гектаргача, шу жумладан, томчилаб суғориш технологиясини 600 минг гектаргача етказиш вазифаси қўйилди.


“Амударё” ва “Сирдарё” ҳавзалари сув ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш схемаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси учун ўртача кўп йиллик сув олиш лимити 64 млрд. м³ ни ташкил этади. Музликларда, йирик дарёлар ҳавзаларида, кичик дарё ва сойларда сув сарфининг камайиб бораётганлиги туфайли охири йиғирма беш-ўттиз йил ичида республикамизнинг сув олиш миқдори камайиб бориб, йилига ўртача 51-53 млрд. м³ га тушиб қолган.

Ҳеч кимга сир эмас, Ўзбекистон фойдаланадиган сув ресурсларининг 90 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳасида сарфланади. Сув тақчиллиги билан боғлиқ вазиятни эътиборга олиб, ҳар йили қишлоқ хўжалиги соҳасида камида 7 млрд. м³ сувни тежаш чоралари кўрилаяпти. Ўтган саккиз ойни ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак, сув ресурслари 5,2 млрд. м³ миқдорида иқтисод қилинишига эришилди.

Жумладан, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш ҳисобидан 1,7 млрд. м³, ирригация тармоқларида таъмирлаш-тиклаш тадбирларини ўтказиш ҳисобидан 1,4 млрд. м³, АКТ ва рақамли технологияларни жорий этиш ҳисобидан 0,4 млрд. м³ ҳамда сувни кам талаб қиладиган экинлар улушини кўпайтириш ва шолини интенсив усулда экиш ҳамда экин майдонларида қўшимча агротехник тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан 1,7 млрд. м³ миқдорида сув тежалди. Кузги бошоқли дон экинларини суғориш, шўр ювиш тадбирларида сувдан самарали фойдаланиш

орқали йил охиригача яна 2 млрд. м³ сувни иқтисод қилишга эришилади.

Республикада жами суғориладиган ер майдонлари 4,3 млн. гектарни ташкил этиб, 2023 йил суғориш мавсумигача сувни тежайдиган технологиялар билан қамраб олинган майдонлар 1,2 млн. гектарга ёки суғориладиган ерларнинг 28 фоизига етказилди. Жумладан, 473,5 минг гектар майдонда томчилатиб, 44,7 минг гектарда ёмғирлатиб, 18,0 минг гектарда дискрет, 133,9 минг гектар майдонда бошқа сув тежовчи суғориш тизимлари жорий қилинди ҳамда 569,0 минг гектар экин майдонлари лазер ускунаси ёрдамида текисланди.



“Ўзбекистон-2030” стратегиясида яна бир устувор вазифа сифатида далаларга сув етказадиган объектларни тадбиркорлар (фермер хўжаликлари ва кластерлар) бошқарувига бериш белгиланган. Янги тажрибага асосан Тошкент вилоятининг Қўйи Чирчиқ, Сирдарё вилоятининг Сардоба, Оқолтин, Қашқадарё вилоятининг Касби, Нишон, Жиззах вилоятининг Дўстлик, Самарқанд вилоятининг Нарпай туманидаги сув хўжалиги объектлари тўлиқ кластер ташкилотлари бошқарувига берилди.

Натижаларни Нарпай тумани мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, илгари туман сув хўжалиги ташкилотлари ҳисобида бўлган 53 км канал ва 271,9 км коллектор тармоқлари ҳамда 8 та насос станциясини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида 10 йил муддатга “Maroqand Sifat” МЧЖ ўз бошқарувига олди. Лойиҳа доирасида инвестиция мажбуриятлари тўлиқ бажарилиши ҳисобига 10 йилда 121,8 млн. кВт.соат электр энергияси ёки 97,4 млрд. сўм давлат бюджет маблағи иқтисод қилиниши кўзда тутилган. “Ўзбекистон-2030” стратегияси доирасида бир тумандаги сув хўжалиги объектларини тўлиқ хусусий шерик бошқарувига бериш амалиёти кенг давом эттирилади.

Қўшни давлатлар билан сув ресурсларини интеграллашган ҳолда бошқариш, трансчегаравий сув ресурслари ва давлатлараро сув хўжалиги объектларидан биргаликда фойдаланиш масалаларида

икки тарафлама фаол манфаатли ҳамкорликни давом эттириш зарурлиги “Ўзбекистон-2030” стратегиясида ўз аксини топган.

Жорий йил 22 июнда Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги, Қозоғистон Республикаси экология, геология ва табиий ресурслар вазирлиги ҳамда Тожикистон энергетика ва сув ресурслари вазирлиги ўртасида “Баҳри тожик” сув омборини 2023 йил июнь-август ойларида ишлатиш бўйича уч томонлама баённома имзоланди ва бу ёзги йил вегетация даврини муваффақиятли ўтказишга хизмат қилди.

2023 йил 21 август куни Қирғизистон Республикасининг Иссиқкўл вилояти Чўк-Таль қишлоғида Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ва Қирғизистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги хизмати ўртасидаги қўшма сув хўжалиги комиссиясининг учинчи йиғилиши ўтказилди ҳамда Давлатлараро сув манбаларидан сув олиш режа-жадвалларини келишиш ва тасдиқлаш каби масалалар муҳокама қилинди. Туркменистон томони билан ҳам Амударё сувидан фойдаланиш бўйича мулоқотлар самарали кечмоқда.

Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида ирригация тармоғи энг ривожланган ва йирик сув хўжалиги инфратузилмасига эга давлат. Январь-август ойларида ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича 415,0 млрд. сўм маблағ ўзлаштирилиб, 186 км канал, 31 км лоток тармоқлари, 5 та гидротехника иншооти ва бошқа кўплаб объектларни қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишлари бажарилди.

Мелиорация йўналишида 198,0 млрд. сўм маблағ эвазига 183 км очиқ ҳамда 129 км ёпиқ-ётиқ коллектор дренаж тармоқлари, 21 та гидротехника иншооти ва бошқа объектларда қурилиш-монтаж ишлари якунига етказилди. Қарийб 42 млрд. сўм маблағ ҳисобига 3 780 км хўжаликлараро суғориш тармоқлари тозаланиб, улардаги 3 695 дона гидротехника иншооти ва 3 630 дона гидропост таъмирланди. Натижада 380 минг гектар суғориладиган ерларнинг сув таъминоти яхшиланди.

Йил бошидан буён 3 195 та сув хўжалиги объектида “Ақли сув”, 44 та насос станциясида сувни онлайн назорат қилиш қурилмаси ҳамда 1 566 та мелиоратив кузатув кудуқларида “Дайвер” қурилмаси ўрнатилиб, 10 та йирик сув хўжалиги объектининг бошқарув жараёнлари тўлиқ автоматлаштирилди.

Республикаimizдаги суғориладиган майдонларнинг 60 фоизи 1680 дан зиёд насос станциялари ва 4 мингдан ортиқ суғориш кудуқлари орқали сув ичади. 2023 йил бошидан жами 148 дона насос агрегати, 206 дона электродвигатель, 1796 дона ёруғлиқдиод лампа, 50 дона конденсатор ва 89 дона частота ўзгартирувчи қурилма ҳамда 104 дона қуёш батареяси ўрнатилди.

Жорий йилга электр энергиясидан 7 145 млн. кВт.соат лимит ажратилган бўлиб, 1 сентябрь ҳолатига 5 029,7 млн. кВт.соат электр энергияси ишлатилди. Ўтган йилнинг шу давrigа нисбатан 150 млн. кВт.соат электр энергияси тежалди.

Ўтган саккиз ойда хорижий кредитлар ҳисобидан жами 45 млн. доллар инвестиция ўзлаштирилди. Бунинг натижасида 264 км канал, 530 та гидротехника иншооти реконструкция қилинди, 13 та янги насос агрегати ўрнатилди.

Давлат-хусусий шериклик бўйича 15 та битим имзоланди. 300 та насос станциясини бошқарувга бериш бўйича хусусий ташаббускорлар билан тегишли ҳужжатлар тайёрланмоқда.

Сув хўжалиги соҳасига илмий ва инновацион ишланмаларни жорий этиш доимий эътиборда. Бу борада Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти томонидан ҳамда “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институти” миллий тадқиқот университети билан яқин ҳамкорликда ишлар олиб борилаяпти.

Жумладан, сув хўжалиги соҳасининг долзарб муаммолари ечимига қаратилган умумий қиймати 1,9 млрд. сўмлик 19 та илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари амалга оширилмоқда. Давлат илмий-техник дастурлари доирасида умумий қиймати 4,9 млрд. сўм бўлган 2 та фундаментал, 9 та амалий лойиҳалар бажарилаяпти.

Минтақамиз аҳолиси сони йилдан-йилга ўсмоқда. Бу эса озиқ-овқат экинларига бўлган эҳтиёжнинг янада ошишига, ўз навбатида, сувга талабнинг ортишига олиб келади. Мана шундай шароитда Ўзбекистонда амалга оширилаётган сув хўжалигидаги ислохотлар фақат ва фақат эзгуликка йўналтирилган.

Кўп минг кишилик сувчилар жамоаси эса, давлатимиз раҳбари белгилаб берган йўналишлардан келиб чиқиб, бир ёқадан бош чиқарган ҳолда қўшни республикалардаги ҳамкасбларимиз билан яқин ҳамкорликда бўлиш, мавжуд сув ресурсларини биргаликда самарали бошқариш, обиҳаётдан оқилона фойдаланиш, ресурс тежамкор суғориш усулларини кенг татбиқ этиш бўйича вазифаларини сидқидилдан адо этмоқдалар.

Шавкат ХАМПАЕВ,
Сув хўжалиги вазири.

ПАХТА ДАЛАЛАРИНИ ҲОСИЛДАН ТЕЗ БЎШАТАЙЛИК

Маълумки, ғўзадаги лўппи очилган пахталар машиналар билан ёки қўлда икки марта териб олингандан кейин тупларда муайян миқдорда ярим очилган кўсақлар (оқала), кўк кўраклар ва пахта паллалари (якка чигитлар) қолиб кетади. Бундай ҳосил қолдиқлари кўсақ териш машиналари ёрдамида йиғиштириб олинса, гектар ҳисобига ялпи ҳосилдорлик ошади. Шу мақсадларда кейинги йилларда “Технолог” АЖ ва бошқа машинасозлик корхоналари томонидан СКО-2,4 ва СКО-3,6 типидagi кўсақ териш машиналарини саноат усулида ишлаб чиқариш ҳамда фермер хўжаликлари ва пахта-тўқимачилик кластерларига етказиб бериш йўлга қўйилди.



Бу, айниқса, кластерларга қўл келмоқда. Чунки далаларда етиштирилган пахта ҳосилини нест-нобуд қилмасдан тўлалигича териб олиш уларнинг муҳим вазифасидир. Зеро, ғўза тупларидаги ҳосил тўлиқ йиғиштириб олинса, пахта хомашёси кўпаяди, кўп тола чиқади, тола ортиши билан ип ортади ва пировардида сифатли мато тўқилади. Тайёр мато товарга айланади, бозорга чиқади ва кластерга, фермерга фойда олиб келади.

Машинанинг технологик иш жараёни

Уч ғилдиракли чопиқ трактори билан яримосма шаклида агрегатланган мазкур машина ишчи аппаратлар, кўндаланг шнек, лентали юклагич, пахта тозалагич ва бункер каби қисмлардан иборат.

Машина дала бўйлаб ҳаракатланганда ғўза туплари ишчи аппаратига қия ҳолда ёнма-ён ўрнатилган иккита айланувчи рифли валиклар орасидаги иш тиркишига киради. Валиклар туплардаги қолдиқ ҳосилни сидириб олиб, ёнидаги шнекларга ташлайди. Ҳосил бу шнеклардан кўндаланг катта шнекка, ундан лентали конвейер (юклагич) орқали пахта тозалагичга узатилади.



Тозалагични икки хил технологияда ишлатиш мумкин:

Келиб тушган кўсақлар тозаланади ёки тозаланмайди. Кўсақлар қуйидаги кетма-кетликда тозаланади: чақиш барабани кўсақларни эзиб, очади; катта аррали барабан чақилган кўсақларни чувиб, пахта ва хас-чўпларга ажратади; устма-уст жойлашган иккита кичик аррали барабанларнинг тишлари пахталарни илинтириб олади, хас-чўплар ерга тўқилади; чўткали барабан учала аррали барабанлар сиртларидаги пахталарни тозалаб олади ва кўндаланг шнекка ташлайди; шнек уларни пневмотранспорт қувирига етказиб беради; вентилятор ҳаво оқими ёрдамида пахталарни бункерга узатади.

Пахта тупидаги кўсақларнинг намлиги 35 фоиздан юқори бўлганда, тозалагичнинг заслонкаси “кўрак” ҳолатига ўтказилади. Бунда кўраклар барабанлар орасига тушмай, тўғридан-тўғри бункерга ташланади.

Агар ғўза тупларида кўрак кўп бўлса, машина шундай соزلанадики, бунда кўрак фақат чақилади ва бункерга йиғилади. Чақилган кўраклар хирмонда тез қурийди ва чувиш машинаси ёрдамида тез ва осон тозаланади.

Машина қисмларини созлаш тартиби



Ҳосил теримининг тўлиқлиги ва аралаш-
манинг тозаланиш даражаси юқори бўлиши
иш бошлашдан олдин машинанинг тўғри
созланишига боғлиқ. Шунинг яхши билиш
лозимки, қисмлари тўғри созланган машина
бирдай равон, ортиқча шовқин чиқармасдан
ишлайди. Чўтка қиллари аррали барабан-
ларнинг сиртига тегиб туриши ёки тишларга
кўпи билан 2 мм ботиб туриши лозим. Бу
барабанлар орасидаги тирқишлар кенглиги
уларнинг таянч подшипниклари корпуслари
остидаги қистирмаларнинг ортиқчасини
олиб ташлаш ёки қўшимча қистирмалар
қўйиш орқали ростланади.

Чақиш барабанининг декаси корпусдаги
болтлар овал шаклли ўйиқлар бўйлаб сил-
житиб ростланади.

Агар чўткалар барабанлар тишларига
етарлича ботиб турмаса, пахта паллалари
уларнинг сиртидан тўла сидириб олинмай-
ди ва аралашма яхши тозаланмайди.

Рифли валикларнинг учлари ва марза
чўққиси орасидаги тик масофа (40-50 мм)
аппарат осииш қурилмасидаги бармоқлар
қўйилган жойларни ўзгартириш орқали
созланади.

Валикларнинг кириш қисмидаги иш
тирқишининг кенглиги ғўзадаги қолдиқ
ҳосил чўғига қараб 18-25 мм оралиқда
танланади.

Вентилятор тасмаси бўш бўлса, паррак-
нинг айланиш тезлиги, яъни, пневмотран-
спорт тизимидаги ҳаво босими пасаяди
иш сифатига путур етади. Барабанларни
айлантирувчи тасмаларнинг таранглиги
доимий назорат қилинади, узилганлари ва
чўзилганлари янгиларига алмаштирилади.

Машинани далада ишлатиш

Иш сифати ва унуми юқори бўлиши учун
механизатор машинани далада тўғри ишла-
тиши керак. Аввало, машина далага сеялка
изидан солинади.

Қўндаланг шнек ёки транспортёр тикилиб
қолганда конвейернинг тубидаги қопқоқ очи-
лади, хас-чўплар олиб ташланади.

**Механизатор машинада содир
бўладиган камчиликларни даланинг
ўзида қуйидагича бартараф этади:**
ҳосил қолдиқлари туплардан чала те-
рилганда – иш тирқиши торайтирила-
ди, аппаратлар пастроққа туширилади,
машина тўғри қаторларга туширилади;
валиклар орасидаги иш тирқишининг
охирига ғўзапоя йиғилиб қолганда –
иш тирқиши кенгайтирилади, ёнма-ён
жойлашган аппаратлар орасидаги
масофа (90, 76 ёки 60 см) қайта соз-
ланади; ҳосил қолдиқлари ерга кўп
тўкилганда – тракторнинг тезлиги
камайтирилади, машина асосий қатор
ораларига ўтказилади, иш тирқиши
торайтирилади; бункердаги пахтанинг
ифлослиги меъёрдан ошиб кетганда –
аррали барабанлар тишлари ва чўтка
қиллари орасидаги тирқиш ростлана-
ди, қиллари ейилган чўткалар янгилар-
ига алмаштирилади, тозалагичнинг
етакловчи понасимон тасмаси таранг-
ланади, барабанлар сиртига ёпишиб
қолган ифлосликлар олиб ташланади,
тозалагичнинг иш режими “кўрак” ёки
“чақиш” ҳолатига ўтказилади.

Ҳар сменадан кейин машинага техник
хизмат кўрсатилади. Резьбали бирикмалар
тортиб маҳкамланади.

Шундай қилиб, кўсак териш машиналари
талаблар даражасида ростланса ва ишла-
тилса, ғўза тупларида қолган пахта ҳосили
тўла йиғиштириб олинади, далаларни
ғўзапоялардан тезда тозалаш ва кузги шуд-
горни оптимал муддатларда ўтказиш ҳамда
яқунлашга эришилади.

Муҳаммад ТОШБОЛТАЕВ,
т.ф.д., ҚХМИТИ.

ТЎҚСОНБОСТИ УСУЛИДА

сабзавот экинлари етиштириш агротехнологияси

Деҳқончиликда «тўқсонбости» усули деҳқонларимиз томонидан қадимдан қўллаб келинади. Бу усулда экилган уруғлар 90 кунлик қишни қор остида босиб ўтади. Шу сабабдан ҳам бу усулни деҳқонларимиз «қорбости» ёки «тўқсонбости» деб аташади.

Тўқсонбости усулида экиш совуққа чидамли сабзавотлардан эрта кўкламда арзон ва мўл сабзавотларни етиштириш имконини яратиш баробарида, кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари танқис «иликузилди» пайтида ички бозорни витаминли маҳсулотлар билан қоплайди, экспорт имкониятларини кенгайтириб, деҳқонларни бойитади.

Мамлакатимиз иқлим шароитида экинлар – эртаки (эрта баҳордан), ўртаки ва тақрорий (ёз ойларида), август ойида (пиёз, саримсоқпиёз), кузда (сабзавот ва кўкатлар) ҳамда далавларни қор босиши олдида «тўқсонбости» усулида экилади.

Тўқсонбости усулининг қатор афзаллик томонлари бор. Ерлардан самарали фойдаланишни амалга ошириш, мавсумда икки ва уч марта ҳосил олишга эришиш ҳамда эрта муддатларда сабзавот маҳсулотларини етиштириш мақсадида ҳар бир фермер хўжалиги, деҳқон ва томорқачилар экин майдонларининг асосий қисмига «тўқсонбости» усулида экишни режалаштириши керак.

Яна бир жиҳат, баҳорда об-ҳаво ўзгарувчан бўлади. Ҳар доим ҳам экиш ва уруғларнинг униши учун қулай шароит бўлавермайди. Қиш олдида экилган экинлар эса, об-ҳавога қараб қулай униб чиқиш даврини ўзи аниқлайди. Ҳатто, ерларнинг лой совуқ бўлиб қулай муддатнинг чўзилиши ёки қурғоқчил келиб тупроқ намининг қочиши ҳам бу экинларга таъсир кўрсатмайди.

Тўқсонбости усулида экилиб мулчаланган сабзавот экинларининг уруғи қишқи ёғинлар таъсирида аста-секин бўртиб, эрта кўкламда, ҳаво ҳароратининг паст бўлишига қарамай, уруғлардан майсалар тез ўсиб чиқади. Натижада, ушбу майсалар баҳорги қисқа муддатли совуқларга бардошли бўлиши билан бирга баҳорги экилганига қараганда 10-15 кун эрта пишади ва серҳосил бўлади. Айниқса, баҳор серёгин келиб, ерлар ишлов беришга етилмай, экиш муддати чўзилиб кетган йилларида бу янада аҳамиятли ҳисобланади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам баҳорда катта майдонларга экин экиш керак бўлган даврда энг қимматли вақтингизни тежайди.

Тўқсонбости усулида совуққа чидамли сабзавот экинларидан сабзи, пиёз, ош лавлаги, кўкат сабзавотлар (исмалоқ, укроп, петрушка, сельдерей, кашнич, салат, руккола) етиштирилади.

Пиёз

Пиёз уруғи тўқсонбости усулида республика ҳудудларнинг

тупроқ-иқлим шароитини инобатга олган ҳолда: жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябрь-15 декабрь, шимолий вилоятларда 1 ноябрь-1 декабрь кунлари экиш тавсия қилинади. Экиш учун маҳаллий «Баҳорой», «Хамал», «Истиқбол», «Зафар», хорижнинг «Манас», «Дайтона», «Леоне» ва «Банко» навлари тавсия этилади.



Ҳар бир гектарга пиёз уруғи 18 кг гача, ернинг нишабига қараб қатор ораларини 70-90 см дан олиб 3-4 қаторли усулда ёки қўлда сочиб экилади. Уруғлар ерга 1,5-2 см чуқурликка кўмилади. Пиёз уруғи сепилгандан сўнг майдон суғорилмайди. Барча агротехник тадбирлар баҳорда бошланади.



Сабзи

Уруғини тўқсонбости усулида: жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябрь – 15 декабрь,

шимолий вилоятларда 1 ноябрь–1 декабрь кунлари экиш тавсия қилинади Ушбу усулда асосан илдизмеваси қизил рангли маҳаллий “Зийнатли”, “Фаровон” ёки хорижнинг “Шантане-2461”, “Куроода Шантанэ”, “Нантская-4”, “Канада” ва “Карсон” каби нав ва дурагайларини экиш тавсия этилади. Уруғ сарфи гектарига 5-6 кг ни ташкил этиб, сабзи уруғлари 1,5-2 см чуқурликка 52×8 ва 62×8 см схемада ёки қўлда сочиб экилади. Тўқсонбости усулида сабзи уруғи сепилгандан сўнг майдон сўғорилмайди.



Ош лавлаги

Уруғлари тўқсонбости усулида: жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябрь-15 декабрь, шимолий вилоятларда 1 ноябрь-1 декабрь кунларида, маҳаллий “Диёр” ва “Ягона” ҳамда хорижнинг “Бордо-237”, “Бикорес”, “Боро-Ғ₁”, “Детройт” ва “Пабло Ғ₁” дурагайларини экиш тавсия этилади. Ош лавлаги тўқсонбости усулида экилганда уруғ сарфи 16-18 кг ни ташкил қилиб, экишда эгatlари 60-70 см бўлиб, 2-3 қаторли, ўсимлик оралари 8-10 см ва 2-3 см уруғлар чуқурликка экилади.

Ош лавлаги уруғи экилгандан сўнг майдон сўғорилмайди.

Исмалоқ

Исмалоқ бир йиллик ўсимлик бўлиб, илдиз бўғзидан 8-10 та баргдан иборат тупбарг ва ўтсимон тик поя чиқаради.

Исмалоқнинг фақат битта “Нафис” нави Давлат реестрига киритилган.



Исмалоқ ўсимлиги совуққа чидамли сабзавотлар қаторига кириб, уруғи 3°C ҳароратда кўкариб чиқади. Ёш ўсимликлари 6-8°C гача совуққа бардош беради. Ҳароратнинг юқори бўлиши ва ҳаво намлигининг пасайиб кетиши ўсимликка салбий таъсир қилади, барглари майда бўлиб қолади. Исмалоқ ҳосили ниҳоллар пайдо бўлгандан 25-40 кундан сўнг йиғиб олинади.

Республика ҳудудининг тупроқ-иклим шароитини инобатга олган ҳолда исмалоқни тўқсонбости усулида: жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябрь-15 декабрь, шимолий вилоятларда 1 ноябрь-1 декабрь кунлари экиш тавсия қилинади.

Исмалоқ сабзавот сеялкалари билан қўшқаторлаб, ленталар ораси 50-60 см ва қаторлар орасини 15-20 см дан қилиб, гектари 15-20 кг уруғни 2-3 см чуқурликка экилади.

Исмалоқ уруғи сепилгандан сўнг майдон сўғорилмайди.


Укроп

Укропнинг маҳаллий “Ўзбекский-243” ва “Ором” ҳамда хорижнинг “Анет” навлари республика ҳудудларнинг тупроқ-иклим шароитини инобатга олган ҳолда укропни тўқсонбости усулида: жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябрь-15 декабрь,

шимолий вилоятларда 1 ноябрь-1 декабрь кунлари экиш тавсия қилинади.

Кўклигида ишлатиладиган укроп уруғи полларга қалин қилиб сепилиб, гектарига 20-25 кг уруғ сарфланади.

Укроп уруғи секин униб чиқади. Укроп ўтоқ қилиш, ленталар орасини юмшатиш ва бостириб сўғориш йўли билан парвариш қилинади.



Кўклигида ишлатиладиган укроп апрел ойидан бошлаб, бўйи 10-15 см га етганда ўриб олинади. Укроп кўклигида ишлатиш учун экилганда гектаридан 10-12 тоннагача ҳосил олинади.

Петрушка

Петрушканинг “Нилуфар”, “Сахарная” ва “Новас” навлари районлашган бўлиб, у совуққа чидамли икки йиллик ўтчил ўсимлик ҳисобланади. Унинг уруғи ўсиши учун 5-6°C, кўкариб ҳосил яратиши учун 15-16°C ҳарорат керак. Петрушка ўсув бошида секин ўсади, кейин тез ривожланади. Петрушка ер танламайди.



Тўқсонбости усулида экилган кашничнинг ўсув даври 55-60 кун бўлиб, ҳосил пишиш даври агарда плёнка билан

қопланган бўлса – март ойида ёки очик майдонда етиштирилган бўлса – апрел ойига тўғри келади.

Республика ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитини инобатга олган ҳолда петрушкани тўқсонбости усулида: жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябрь-15 декабрь, шимолий вилоятларда 1 ноябрь-1 декабрь кунлари экиш тавсия қилинади.

Пол қилиб сепилганда гектарига 3-4 кг уруғ сарфланади. Уруғ экилгандан сўнг, устидан майда, чириган гўнг сепилади.

Барг салат

Барги истеъмол қилинадиган бир йиллик ўсимлик бўлиб, у йирик барглардан иборат, пастида тупбарг ҳосил бўлади.

Республика ҳудудининг тупроқ-иқлим шароитини инобатга олган ҳолда баргли салатлар тўқсонбости усулида: жанубий вилоятларда 1-30 декабрда, марказий вилоятларда 15 ноябрь-15 декабрь, шимолий вилоятларда 1 ноябрь-1 декабрь кунлари экишни тавсия қилинади.



Салатнинг маҳаллий “Кўк шох” ва хорижий “Фиоретт”, “Конкорд- F_1 ”, “Лагуна- F_1 ”,

“Левистро- F_1 ” ва “Саула- F_1 ” навлари экиш учун тавсия этилади.

Ушбу усулда экилган салатнинг ўсув даври 40-60 кун бўлиб, ҳосил пишиш даври агарда плёнка билан қопланган бўлса – март ойида ёки очик майдонда етиштирилган бўлса – апрел ойига тўғри келади.

Бир гектар ерга салат уруғидан 4-5 кг, бошли салатникидан 3-4 кг сарфланади. Уруғлар лентасимон усулида 2-3 қатор қилиб, ленталар ораси 45-60 см, лентадаги қаторлар ораси 15 см экиш схемасида экилади. Салат уруғи сепилгандан сўнг майдон суғорилмайди. Барча агротехник тадбирлар баҳорда бошланади.

Жанубий ҳудудларда оқбош карам, гулкарам ва брокколи етиштириш

Оқбош карам

Тўқсонбости усулда экиладиган оқбошли карам кўчатлари 4-5 барг чиқарган бўлиши лозим. У ноябрнинг бошларида ўтказилади. Сентябрьнинг охири, октябрнинг бошларида далага уруғидан ҳам экиш мумкин.



Тўқсонбости усулда экилган оқбошли карамнинг ўсув даври 120-130 кун бўлиб, ҳосил пишиш даври март-апрел ойига тўғри келади.

Оқбошли карамнинг совуққа чидамли тезпишар навлари “Наврўз”, “Дербентская местная”, “Апшеронская озимая”

навлари ёки “Бухарест- F_1 ”, “Вестри- F_1 ” ва “Лион- F_1 ” каби дурагайлари ушбу муддатда экиш тавсия этилади.

Оқбош карам республиканинги жанубий вилоятларида кўчатини тайёрлаш учун уруғи ноябр ойининг I-декадасида сепилиб, тайёр кўчатлар декабр ойининг I-II декадасида далага экилади. Кўчатлар 70×30 ёки 70×40 см схемаларда экилиб, плёнка қопламаси билан ёпилади.

Гулкарам ва брокколи

Гулкарамнинг “Кашмер- F_1 ”, “Барселона- F_1 ” ва “Таласса- F_1 ” ҳамда брокколининг “Агасси- F_1 ”, “Гераклион- F_1 ”, “Наксос- F_1 ” ва “Маратон- F_1 ” каби дурагайлари ушбу муддатда экиш тавсия этилади.

Тўқсонбости усулда экилган гулкарам ва брокколининг ўсув даври 90-100 кун бўлиб, ҳосил пишиш даври агарда очик майдонда декабрда плёнка остига

экилганда март ойига тўғри келади.



Гулкарам ва брокколи республика мизининг жанубий вилоятларида кўчатларини тайёрлаш учун уруғи ноябр ойининг I-декадасида сепилиб, кўчатлари тайёрланади. Тайёрланган кўчатлар декабр ойининг I-декадасида 70×30 ёки 70×40 см схемаларда экилиб, плёнка қопламаси билан ёпилади.

Рустам НИЗОМОВ, қ.х.ф.д,
Фахриддин РАСУЛОВ,
қ.х.ф.ф.д.

Сабзавот, полиз экинлари
ва картошкачилик илмий-
тадқиқот институти

ЖАНУБИЙ АМЕРИКА ПОМИДОР КУЯСИ – ҳосил кушандаси

Жанубий Америка помидор куяси (лот. *Tuta absoluta*) – *Lepidoptera* оиласидан бўлган ва ноодатий *Tuta absoluta* номли ҳашаротни биз Жанубий Америка помидор куя сифатида яхши биламиз. Бу ҳашаротнинг личинкалари помидорнинг барглари ва мевалари билан озикланади. Ушбу зараркунанда, Жанубий Америкадаги помидорларнинг асосий зараркунандаси ва уларга катта зарар келтиради.

Ушбу зараркунанда Европада - Испанияда 2006 йилда биринчи марта аниқланганидан бери ҳашарот тезда Жанубий Европа орқали тарқалиб, бизнинг ҳудудларимизга етиб борди. Жанубий Америка помидор куяси мамлакатимизда нисбатан яқинда пайдо бўлган ва атроф-муҳитга мослашиш ва кўпайиш тезлигининг юқори сифати туфайли етарлича эътибор талаб қиладиган зараркунандалар турига киради.

Зарари

Куяларнинг катта оиласининг бошқа турлари сингари, личинкаларнинг фаоллиги ҳосилга зарар етказиши. Помидор куясининг капалаклари помидор етиштириш учун ҳеч қандай хавфли эмас. Бироқ, личинкалари фаол озикланаётганда, улар том маънода барглари ҳамда меваларни бурғулашади ва шу билан кенг ва чуқур туннелларни ҳосил қилади, бу эса ҳимояланган ва очиқ ернинг ҳосилдорлигида сезиларли йўқотишларга олиб келади.

Биологик қарши кураш

Помидор куяси ўзининг кўплаб йиртқичларига эга, улардан зараркунандаларга қарши курашда фойдаланиш маълум бир муваффақиятга олиб келади. Таъкидлаш жоизки, Трихограмма чивинининг



фаоллиги помидор куясини биологик назорат қилишда энг юқори самарадорликни кўрсатади - зараркунандаларни йўқ қилиш таъсири 91,74% га етади. Бундан ташқари, *Trichogramma pretiosum*,

Trichogramma achaeae, *Macrolophus tais*, *Nesidiocoris tenuis*, *Nabis pseudoferus* каби энтомофоглардан фойдаланиш самарали натижалар кўрсатган.

Кимёвий қарши кураш

Инсектицидларни тез-тез интенсив ишлатиш ҳашаротларнинг инсектицидларга чидамлилигини ривожланишига олиб келади. Хусусан, фойдаланишнинг иккинчи йилида пиретроид дорилар гуруҳига қаршилиқ пайдо бўлади, масалан, метамидофос ва картап кабиларда. Шу билан бирга, помидор куяси личинкалари инвазиясига қарши самарали бўлган узоқ муддатли фаол моддалар ҳам мавжуд. Буларга имидаклоприд, индоксакарб, спиносад ва делтаметрин киради. Бироқ, шуни унутмаслик керакки, ушбу турдаги дорилардан фойдаланиш фақат помидор баргларида фойдаланиш билан чекланган, чунки уларнинг мевалардаги личинкалар томонидан ясалган туннелларда тўпланиши инсон саломатлигига зарар етказиши мумкин.

Суҳроб МАМАТОВ,
Сурайё САДИКОВА,
Сарвар АРИФОВ,
Шаҳриёр ИСАКОВ,

Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаси ходимлари.



АСОСИЙ МАСЪУЛИЯТ ИЖРО ИНТИЗОМИДА



Сув ҳўжалиги вазирлигининг вазифа ва функцияларини амалга оширишда ижро интизоми муҳим ўрин эгаллайди. Вазирликка келиб тушаётган ҳар бир ҳужжатни рўйхатга олиш ва унинг ижро муддатини белгилаш қатъий тартиб асосида амалга оширилади. Ҳужжатларнинг ижро этилиши устидан назоратни ташкил қилиш ҳам тизимли йўлга қўйилган бўлиб, ҳар бир топшириқнинг ўз вақтида ижро этилиши эътиборда бўлади.

Яқинда сув ҳўжалиги вазирлигида ижро интизомини янада самарали ташкил этиш, ходимларнинг ижро йўналишидаги билим ва кўникмаларини ошириш бўйича семинар-тренинг ўтказилди. Тадбирда Вазирлар Маҳкамаси ва Адлия вазирлигидан масъул ходимлар, вазирлик аппаратининг бошқарма бошлиқлари, тизим ташкилотлари мутахассислари қатнашди. Шунингдек, онлайн тарзда ҳудудлардаги сув ҳўжалиги ташкилотлари раҳбарларининг ижро интизомига масъул ўринбосарлари, ижро мониторингини юритиш ва ижро интизомига риоя этилишини, ҳужжатлар билан, шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлаш, Кадрлар ҳамда ахборот-коммуникацияни ривожлантириш масалалари бўйича масъул ходимлари ва ҳуқуқшуносларидан иборат жами 1000 дан зиёд киши иштирок этди.

Семинар-тренингда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги қарори ижросини сўзсиз таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилишининг назоратини амалга оширувчи **“ijro.gov.uz”** ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимининг янги талқиндаги **“edo.ijro.uz”** ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимини жорий қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Тизим ташкилотларида ижро интизомини янада самарали ташкил этиш, бу борада йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар ва сусткашликларни зудлик билан бартараф этиш юзасидан бошқарувнинг барча даражадаги раҳбар ва мутахассисларнинг шахсий масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириш бўйича топшириқлар берилди.

**Сув ҳўжалиги вазирлиги
Ахборот хизмати.**

ЎРНАК ОЛСА АРЗИЙДИГАН



ДЕҲҚОН

Абдураим Хомидов 1943 йил 20 октябрда Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги Шаханд қишлоғида таваллуд топиб, меҳнат фаолиятини 1960 йилда тумандаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида механизатор бўлиб ишлашдан бошлаган.

У 1960-1974 йилларда ўз касбини пухта эгаллаб, ярим асрдан буён қишлоқ хўжалигининг интенсив ривожланишига муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган инсонлардан ҳисобланади. Абдураим Хомидов 1974 йилдан 2007 йилга қадар Тўрақўрғон тумани «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида пудрат бошлиғи вазифасида ишлаб, 2007 йилдан шу тумандаги Шаханд Хумо қуши фермер хўжалиғи раҳбари бўлди.

А. Хомидов ўз фаолияти давомида меҳнат-севарлиғи, доимо олдинга интилиши, ҳалоллиги билан кўпчиликка ўрнак кўрсатган.

У қишлоқ хўжалиғи соҳасини яхши эгаллаган етук мутахассис. Абдураим Хомидов ишни оила пудрати усулида ташкил этиши, қишлоқ хўжалиғи агротехникаси қоидаларига амал қилгани натижасида ўтган давр мобайнида пахта ва ғалла ҳосилдорлигининг мунтазам ўсишига эришиб келган.

Қўлга киритилган ютуқларда унинг изланувчанлиғи ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Ер билан

тиллашиб, ҳосилдорлигик юқори бўлишига эришиш учун илғор тажрибалардан самарали фойдаланди. У ғўза парваришlash агротехникасида ниҳолларни кўпроқ иссиқлик қабул қилиши учун кенг култивация қилиб, чуқур эгат олиш ва ўғитлашни бир мартага кўпайтириб, далага қўшимча ишлов бериш каби янгиликларни киритган.

Қишлоқ хўжалигида фермерликнинг жорий этилиши деҳқончиликда илғор усулларни қўллаш имконини берди. Абдураим Хомидов ер унумдорлигини ошириш, пахта ва ғаллачилик бўйича юқори ҳосилдорликка эришиш, ҳудуднинг иқлим шароитига мос янги навларни яратиш борасида самарали меҳнат қилиб келган илғор фермердир.

У фермерлик фаолияти билан бирга, ҳақиқий фидойи тарғиботчи сифатида ҳам элга яхши таниш. Аҳоли ўртасида ерлардан унумли фойдаланиш ва шу орқали оилаларнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш борасида мунтазам тажриба алмашиш ишларини олиб бориши натижасида ўз томорқаларидан йилига 2-3 марта ҳосил олишга

эришмоқда.

Қишлоқ хўжалиғи соҳаси ривожига муносиб ҳиссаси учун Абдураим Хомидов Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг Фахрий ёрлиғи, «Меҳнат шуҳрати» ордени ҳамда «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланган.

Қаҳрамонимизнинг оиласи ҳам маҳаллада ўрнак олишга арзийдиган хонадонлардан. Абдураим аканинг бугунги ютуқларга эришишида турмуш ўртоғи Шарофат опанинг ҳам катта хизмати бор. Улар биргаликда 8 нафар фарзандни жамиятга муносиб инсонлар қилиб тарбиялаб вояга етказди ва бугун уларнинг роҳатини кўриб яшашмоқда.

Айни кунда Абдураим Хомидов жамоат ишларида, жумладан, вилоят ва туман миқёсида ўтказилаётган тадбирларда мунтазам қатнашиб, барча соҳаларда, шу жумладан, қишлоқ хўжалиғи тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва юксак самараларини тумандаги фермер хўжаликларига кенг тарғиб этмоқда.

Улуғбек МАМАЖОНОВ,
ўз мухбиримиз.



Бугунги кунда мамлакатимизда ўқитувчига, олимларга бўлган ҳурматнинг баландлиги, уларга яратилаётган шарт-шароитлар мутлақо ўзгарди. Бунинг оддий мисоли тариқасида профессор ойлигининг 2 баробар оширилиши, аспирантлар стипендиясининг 300 фоизга ортиши, уларни асосий фаолиятдан ташқари ишларга жалб қилмаслик ҳақидаги меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши кабилардир.

Ҳар бир оилада, маҳаллада ўқитувчи қадрининг ортиши тaminланди. Иззат-икром ва манавий-моддий рағбатлантиришнинг ортиши олимларни, устозларни ҳам рағбатлантириб руҳлантириб юборди. Институт профессорлари илмий ишларининг ортиши турли чет эл лойиҳалари билан ишловчи олимларнинг олдингига нисбатан 3 баробар юқори савияда лойиҳа яратишларига асосий сабаб бўлди. Институтда ўқиш жараёнининг тартибга солиниши орқали мамлакат тараққиёти бир қатор устунликка эга бўлмоқда.

Буни эса яқинда Президентимиз томонидан чиқарилган, яъни Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардаги давлат ташкилотларини рақамли инфор­мацион технология асосида қайта қуриш тўғрисидаги қарорда яққол кўриш мумкин. Демак, мамлакат саноати қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий негизида моделлаштириш усуллари орқали инфор­мацион технологияларни қўллаш ётади. Ҳозирги сув муаммоси бўлиб турган бир даврда барча сув муаммоларини автоматик бошқариш орқали ечиш мумкинлиги ва иқтисод қилиниши кўриниб қолди. Бунинг учун илғор фан технологияларини қўллаш ўзимизнинг Ватанимиз шарт-шароитига мос технологияларни яратиш фаннинг олди­га қўйилган долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Республика­миз фани ва технологиясига мос усуллар яратилиши ва бу усулларга мос технологияни ўзимизнинг об-ҳаво ва иқлим шароитимизга мос қилиб фақат ўзимиз яратишимиз шарт ва муҳим.

Бунинг учун юртимизда шарт ва шароитлар мавжуд. Республика­миз­да ҳар бир

муаммонинг илмий моҳиятини ўрганиш, уларни ҳал қилишда илмий ёндошиш катта муваффақиятларга олиб келади.

Ҳозирги кунда сув муаммолари институтидаги аспирантлар ва илмий изланувчи ёшлар сув муаммоларига бағишланган илмий ишларда математик моделлаштириш усулларининг қўлланиши орқали 20 дан ортиқ шогирдлар тайёрладим. Бу илмий ишларда сув омборларини хавфсиз ишлатиш, ортиқча сув сарфига йўл қўймаслик ер ости сувларини филътрацияси назарияси ва амалиёти асосий масала бўлиб қаралади. Сув ресурсларидан ва ер ости сувларидан фойдаланишда томчилаб сўғоришнинг актуал иқтисодий тежамкор усулларидан фойдаланиш масалалари қаралиб автоматик бошқариш усуллари берилади. Шогирдларнинг диссертациялари ва монографиялари республика­ми­зининг бир қатор сув омборлари Каркидон, Резаксой, Пачкамар ва бошқа сув омборлари бош бошқармаларида муваффақият билан ишлатилмоқда.

Менга берилган имкониятдан фойдаланиб Устоз ва мураббийлар куни муносабати билан жонажон республика­ми­зда илм ва илмий ишлаб чиқаришда толмай меҳнат қилаётган олимларимизни, мактабда ёшларга илм сабоқларини кунт билан ўргатаётган ўқитувчиларимизни табриклаб, Ватанимиз шарафи шонини, илмини юқори кўтаришларида мустаҳкам саломатлик тилайман.

Савет ХУДАЙКУЛОВ,

техника фанлари доктори, профессор,

Кимё халқаро университети ва


Сув муаммолари илмий-текшириш институти лаборатория мудири.

“

“Агар маҳсулотда халқаро стандарт бўлмаса, у ҳеч қачон рақобатбардош бўла олмайди. Ҳар бир тадбиркор стандартларни биладиган ва тушунадиган муҳитни яратиш керак”.

Ш.Мирзиёев,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

”



СТАНДАРТЛАШ ОРҚАЛИ — РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР САРИ

Маълумки, 14 октябрда бутун дунё бўйича стандартлаштириш куни кенг нишонланади. Шу муносабат билан мухбиримиз Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ хўжалигида стандартлаш маркази директори Аъзам Исақовга бир нечта саволлар билан муурожаат қилди.

— Аъзам ака, суҳбатимиз бошида мамлакатимизда стандартлаш ишлари қандай йўлга қўйилганлиги ҳақида қисқача тўхталиб ўтсангиз...

— Мамлакатимизда стандартлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилган десам муболаға бўлмайди. Албатта, ҳар бир маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш ўзига хос стандартни талаб этади. Стандартга таянмаган ҳар қандай ишлаб чиқарилаётган маҳсулот инсон учун хавфсиз бўлмайди. Республикаимизда ушбу соҳани кенг ривожланишига мисол сифатида Республикаимиз Президентининг 2020 йил 18 майда “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди ва бу бўйича қишлоқ хўжалиги соҳасида халқаро стандартларни жорий қилиш ишлари тизимли равишда олиб борилмоқда. Бундан ташқари, 2022 йил 15 июлда “Стандартлаштириш тўғрисида”ги янги тахрирдаги Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонунда

республикаимизда стандартлаштириш соҳасини тартибга солиш бўйича бир қанча ўзгаришлар киритилган.

— Сиз фаолият кўрсатаётган ташкилот олдида турган мақсад-вазифалар ва уларнинг бажарилиши ҳақида ҳам қисқача маълумот бериб ўтсангиз...

— Бизнинг марказ асосан стандартлаштириш соҳасида маслаҳат хизматларини кўрсатувчи ташкилот бўлиб, асосий вазифаларимиз қуйидагилардан иборат: - Республикада амалда бўлган стандартлар бўйича қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга маълумот бериш; - Корхоналар буюртмасига асосан маҳсулотга сифат ва хавфсизлик талабларини белгилувчи ташкилотнинг стандартини, маҳсулотнинг ишлаб чиқариш технологик йўриқномасини ишлаб чиқиш ва ўрнатилган тартибда манфаатдор вазирлик, идоралар билан келишиш ҳамда тасдиқланишида кўмаклашиш; - Халқаро тан олинган стандартлар талабларини ишлаб чиқаришга жорий

қилиш бўйича ўқувлар ўтказиш, маълумотлар етказиш бўйича семинар-тренинглар ташкил этиш; - Республика ҳудудида жойлашган сертификатлаштириш органи ва лабораторияларни аккредитациядан ўтказишда маслаҳат хизматларини кўрсатиш; - Халқаро тан олинган стандартлар “Organic”, “Global GAP”, “Halal”, “BRC”, “BCI” талабларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш тизимида жорий қилишда маслаҳат хизматларини кўрсатиш; - Халқаро тан олинган стандартлар талабларини ишлаб чиқаришга жорий қилган қишлоқ хўжалиги корхоналар томонидан халқаро майдонда тан олинган сертификатлаштириш органларини танлашда кўмаклашиш. Буларга қўшимча сифатида юқорида таъкидлаб ўтганимдек, “Қишлоқ хўжалиги соҳасида стандартлаштириш тизimini такомиллаштириш” лойиҳасини ҳар йили тизимли равишда амалга ошириб борилади.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тарақиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони 2-илоvasи, 142-банд, 3-кичик бандида “Замонавий лабораториялар сонини кўпайтириш чораларини кўриш, шу жумладан, “Қишлоқ хўжалигида стандартлаштириш маркази” ДУК таркибида Андижон вилоятида халқаро даражада аккредитацияланган ҳамда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида комплекс таҳлил қилувчи референс лабораториялар ташкил этиш” топшириқлари берилган. Шу бўйича Марказ қошида Андижон вилоятида халқаро даражадаги лаборатория биноси танланган, лаборатория жиҳозларини харид қилиш бўйича тендер ишлари якунланган. Жиҳозлар йил якунига келиши кутилмоқда, 2024 йилда лабораторияни халқаро даражада аккредитациядан ўтказиб, ишга тушириш режалаштирилмоқда. Марказ қошида Тошкент шаҳрида ҳам референс лабораторияни ташкил қилиш бўйича Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази билан тизимли ишлар олиб боришмоқда.

— Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини стандартлашда мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича таклифларингиз...

— Республикамызда стандартлаштиришни ривожлантириш жараёнида ютуқлар билан бир

қаторда муаммолар ҳам бор, албатта. Юқорида таъкидлаганимдек, Президентимизни 2020 йил 18 майдаги Фармони бўйича Республикамыз қишлоқ хўжалигида халқаро стандартларни жорий қилиш ишлари амалга оширилиб келинмоқда, лекин етиштирилган маҳсулотларга халқаро даражадаги сертификат бериш учун бизда сертификатлаштирувчи органлар ва халқаро даражада аккредитацияланган лабораториялар етишмайди. Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш лойиҳаси доирасида вазирлик ҳузуридаги кўпгина ташкилотларда, илмий – тадқиқот институтлари негизида халқаро даражада аккредитацияланган лабораториялар ташкил этилмоқда, жумладан, бизни марказ қошида ҳам ушбу лойиҳа доирасида Андижон вилоятида ва Тошкент шаҳрида халқаро даражада аккредитацияланган лабораториялар ташкил этилмоқда, бу ўз навбатида пировардида республикамызда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга замин яратади. Стандартлаштириш соҳасида хизмат кўрсатиш, уни ривожлантириш барча соҳаларда ҳам ижобий деб айтиб бўлмайди, жумладан, бизнинг вазирлигимизда ҳам муаммолар бор, кўпгина қишлоқ хўжалиги ва озиқ-маҳсулотларига миллий стандартларни қабул қилиш, муддати ўтган стандартларни қайтадан қабул қилиш мақсадга мувофиқ, шу мақсадда биз “Қишлоқ хўжалиги соҳасида стандартлаштириш тизimini такомиллаштириш” лойиҳасини Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қошида стратегик бошқарувни мувофиқлаштириш кўмитасига тақдим этдик, лойиҳамиз маъқулланди. Лойиҳани молиялаштириш ишлари амалга оширилганидан сўнг ҳар йили тизимли равишда қишлоқ хўжалиги соҳасида стандартлаштириш тизimini тартибга солиш бўйича ишлар олиб борилади.

— Стандартлаш бўйича жаҳонда тўп-ланган тажриба...

— Ҳар бир давлатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бу асосий стратегик масала ҳисобланади. Шу сабабли ушбу тизимни самарали йўлга қўйиш, янада ривожлантириш мақсадида жаҳон стандартлаштириш тизимлари, яъни халқаро стандартлар ва сертификатлаштириш соҳалари ўрганилиб уларни юртимизда жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Кейинги йилларда ривожланган давлатлар қишлоқ хўжалигида

“Organic”, “Global GAP”, “Halal”, “BRC”, “BCI” “НАССР” халқаро тан олинган стандартларни жорий қилиш ишлари амалга оширилмоқда, бизнинг республикамызда ҳам ушбу стандартларни жорий қилиш ишлари тизимли йўлга қўйилган бўлиб бир қанча ишлаб чиқарувчилар ушбу стандартлар бўйича сертификатга эга бўлганлар. Марказимизда ҳам халқаро ташкилотлар билан стандартлаштириш соҳасида ҳамкорлик ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, БМТнинг Озиқовқат ва қишлоқ хўжалиги (ФАО) ташкилоти, Германия Халқаро ҳамкорлик ташкилоти GIZ билан ҳамкорликда халқаро стандартларни жорий қилиш бўйича кўпгина ўқув-семинарлар ташкил этилган. 2021 йил 27 октябрда «Қишлоқ хўжалигини стандартлаштириш» ДМ ҳамда «Латвия Республикасининг «Сертификатлаш ва синаш маркази» билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида меморандум имзоланди, ҳамда ушбу меморандум бўйича тажриба алмашиш, ҳамкорлик ишлари амалга оширилиб келинмоқда.

— Мамлакатимизда стандартлаш йўналишида кадрлар тайёрлаш қандай йўлга қўйилган?

— Мамлакатимизда 2003 йилларга қадар стандартлаштириш соҳасида кадрлар тайёрлаш фақат Тошкент давлат техника университетида мавжуд бўлиб, унинг ҳам қабул қилиш квоталари жуда кам бўлган. Ҳозирги кунга келиб, ушбу олийгоҳдан ташқари кўпгина университетларда стандартлаштириш соҳасида кадрлар тайёрланмоқда. Буларга мисол тариқасида Тошкент давлат аграр университети, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноати институти, Тошкент кимё технологиялари институти вилоятлардаги Давлат университетларида мавжуд. Тошкент давлат аграр университетидида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19 августдаги «Тошкент давлат аграр университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни сақлаш ва қайта

ишлаш факультети ташкил этилди. Факультет таркибидида Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш ҳамда Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлаштириш ва сертификатлаш кафедралари ташкил этилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлаштириш ва сертификатлаш йўналишида таълим шакли ташкил этилиб, мутахассислар тайёрланмоқда.

— Стандартлаш ташкилотлари синовидан ўтмаган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кейинги тақдир...

— Умуман олганда, маҳсулотларни мажбурий сертификатладиган, ихтиёрий сертификатладиган ёки сертификатланмайдиган турларга ажратилади. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, бунда қишлоқ хўжалиги

маҳсулотлари ҳам мавжуд, мажбурий сертификатладиган маҳсулотлар текширув давомидида белгиланган талабларга жавоб бермаса уларга сертификат берилмайди ҳамда истеъмол учун яроқсиз ҳисобланади. Ихтиёрий сертификатладиган маҳсулотлар эса айрим истеъмолчилар талабларига асосан сертификатланади, сертификат талаб қилмайдиган истеъмолчилар улардан фойдаланишлари мумкин. Сертификатланмайдиган маҳсулотлар эса бемалол истеъмол қилинаверади, агар улар ички ёки ташқи экспорт қилинаётганда харидор сертификат талаб қилса уларда ҳам сертификатлаштириш ишлари амалга оширилади.

— Истеъмолчиларга тавсияларингиз...

— Истеъмол қиладиган товарларига ва фойдаланиладиган хизматларига белгиланган сертификатларга эътибор беришларини, керак бўлса сотувчилардан сўраб олишларини сўрайман.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Азамат ТОИРОВ,
ўз мухбиримиз.



ТАДБИРКОРЛИК ЁРУҒ КУНЛАРГА ЕТАКЛАЙДИ



Ҳаёт инсоннинг иродасини чархлайди, кўпроқ меҳнат қилишга ундайди. Астойдил ҳаракат қилганни ўз яхшиликлари билан сиёлайверади...

— Турмуш чорраҳаларида не-не машаққатларга дуч келмаймиз, дейсиз. Баъзилар бу қийинчиликларга дош беролмай, кўча-кўйда ундан-бундан ёрдам сўраб ўзини ҳурматини йўқотади. Менимча, бундай пайтда бор аламини меҳнатдан олиш керак, бировга борсангиз бир марта ёрдам берар, бир умр сизнинг оилангизга кўмак бермайди-ку. Шунинг учун оиламиз билан биргаликда ўз уйимизда аввал оз-оздан пряник тайёрлаб бозорга олиб чиқиб сотдим. Сўнгра талабга қараб пишириқларимни турини ва миқдорини кўпайтириб бордим. Ўғлим билан пиширган ширинликларимни Қозғистонга олиб бориб сотиб келардик. Шунинг орқасидан ўғилларимни уйли-жойли қилдим, тўйлар қилдик. Мана, ҳозир икки келинимга тадбиркорлик сирларини ўргатиб қўйганман. Ўзим уларга ош-овқат тайёрлаб, атрофларида гирдикапалак бўлиб юраман...

Чиноз туманидаги Навоий маҳалласида яшовчи Барно Ахмадхўжаева билан бўлган суҳбатимиз ана шундай бошланди. Аслида, уларнинг келини Шаҳнозанинг тадбиркорлиги ҳақида маҳалла раисидан эшитганларим мени ўша хонадонга бошлаб борган эди. Шаҳноза тайёр маҳсулотларини мижозларга тарқатгани кетган экан. Унинг қайнонаси Барно опа билан мириқиб суҳбатлашдик. Пишириқ цехини кўздан кечирдик. Уч аёлни, меҳнатини зимдан кузатар эканман, қўли-қўлига тегмай ишлаётган бу пазандаларга тасаннолар айтдим. Инсоннинг қўли гул, деганлари шу бўлса керак. Бир-биридан чиройли бўлиб қизариб пишиб, печдан чиқиб келаётган ширинликларнинг ҳиди иштахангизни очворади. Айниқса ширинхўрлар бундай пайтда ўзини тутолмаса керак.

Барно опадан “тадбиркорликка қандай кириб келгансиз”, деб сўраганимизда у қуйидагича жавоб берди:

— Асли касбим кутубхоначилик эди. Биласиз, бу касбнинг ойлик маоши жуда кам. У билан рўзғор тебратиб бўлмайди. Кунлардан бир кун уйимизга шаҳардан меҳмон келди. Улар билан гаплашиб ўтириб, пряниклар ишлаб чиқариб, сотишларини эшитдим ва менга ҳам бу маъқул бўлди. Ўргатишини илтимос қилдим. У хамирга солиниши керак бўладиган барча масалликларни эринмай грамм-граммичага ёзиб берди. Яна айтдики, иқтисод қиламан деб, маргарин ёки шакардан олиб қолманг, пряникларингиз ўхшамайди, — деди. — Айтганларини қилдим. Тўғриси, пиширган пряникларимга ўзимнинг хавасим келди. Қизиқишимдан ишга киришиб кетдим. Бозорим чаққон бўлиб, қўлимга уч-тўрт сўм пул тушгач, янада илҳомландим. Мана, кўриб турганингиздек, оёққа ҳам туриб олдик. Ҳозир рўзғоримиз бут, халол меҳнат билан топаётган даромадимизни яхши кунларимиз учун ишлатяпмиз. Опа билан бор-йўғи 15-20 дақиқалар гаплашдик. Оддийгина сўзлаб берганлари аслида жуда кўп меҳнатлар ортидан эришилган.

— Дарвоқе, оилада аёл тадбирли бўлса, ўша оилада чинакам фаровонлик ҳукм суради, — дея суҳбатимизга қўшилди Навоий маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зулфия Алимухамедова. — Аёлнинг ишбилармон бўлиши нафақат оиласига, балки жамиятнинг ривожини учун ҳам муҳим рол ўйнайди. Айниқса, давлатимиз томонидан аёл тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун қарор ва фармонлар қабул қилиниши жуда қўл келяпти. Яқинда бу тадбиркоримиз миксер олди, кредит масаласини ҳал қилиб бердик. Қўпчилик қийналган оилаларга Ахмадхўжаевлар оиласини намуна қилиб кўрсатаман. Тиш-тирноғи билан меҳнат қилиб, кам бўлишмади. Қоронғуликдан ёруғ кунларга чиқиб олди.

Ҳа, юртимизда қимирлаган қир ошар, деган мақолга амал қилган инсон асло кам бўлмайди. Чунки ҳаракат қилган одам давлатимиз томонидан ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Тадбиркор бўламан деганга йўл-йўриқлар кўрсатилиб, моддий тарафлама кўмак берилмоқда. Ватан равнақиға ўз ҳиссамизни қўшамиз дея бел боғлаган тадбиркорларимиз маррани баланд олиб, астойдил меҳнат қилсалар, албатта, улкан муваффақиятларга эришадилар, худди бугунги қаҳрамонимизга ўхшаб.

Сурайё АХМЕДОВА,

Савдо-саноат палатаси Чиноз тумани бўлими бошлиғи ўринбосари.

МАҚСАД – соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиш



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойишига биноан 20 август – Тадбиркорлар кuni муносабати билан юртимизнинг бир гуруҳ ишбилармонлари «Фавл тадбиркор» кўкрак нишони билан тақдирланди. Юксак эътирофга сазовор бўлганлар орасида Жиззах вилоятида фаолият юритаётган “Зарбдор парранда” МЧЖ раҳбари Рустам Усмонов ҳам бор. Муҳбиримизнинг тадбиркор билан ўтказган эксклюзив суҳбатига эътиборингизни қаратамиз.

– Паррандачилик қишлоқ хўжалигининг ҳамма ҳам шугулланишга жазм этавермайдиган нозик тармоқларидан бири саналади. Сиз бу соҳага ўзингизга яраша режа ва мақсадлар билан қўл урган бўлсангиз керак, шундаймасми?

– Бугунги кунда паррандачилик истиқболли ва чорвачилик соҳасининг асосий йўналишларидан бири эканлиги исбот талаб қилмайдиган фактдир. Озиқ-овқат хавфсизлиги “катта сахна”га чиқаётган бир даврда жаҳоннинг етакчи давлатларида паррандачиликка катта эътибор қаратилаётганининг сабаби ҳам шундан.

Касбим ветеринар, умримнинг чорвадорлар орасида ўтган йигирма йили давомида халқимизнинг “паррандачилик етти хазинанинг бири”, деган нақлида жон борлигини англаб етдим ва шу соҳага қўл уришга аҳд қилдим. Бундан 6 йил аввал паррандачилик мажмуаси ташкил этишда амалий ёрдам кўрсатишларини сўраб Зарбдор тумани ҳокимлигига берган аризам ижобий ечим топди: товуқчилик корхонасини ташкил этишим учун 5 гектар ер ажратиб берилди.

Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев бир йиғилишда “ҳалол тадбиркор доимо давлат ҳимоясида, менинг ҳимоямда”, деган эди.

Бу сўзлар ишбилармонлар фаолиятининг янада ривож топишига мустаҳкам кафолат ва замин бўлаётгани шубҳасиз. Давлатимиз раҳбарининг ана шу эътибори ва ғамхўрлиги боис, мен ҳам замонавий паррандачилик мажмуасини барпо этиш учун барча имконият, имтиёз ва қулайликлардан баҳраманд бўлдим.

Бугун жамиятимизда 60 киши доимий, 40 киши эса, мавсумий иш билан таъминланган. Гўшт учун мўлжалланган 250 минг бош товуқлар парваришланмоқда. Инкубаторда жўжа очиришдан бошлаб, полапонларни парваришлаш ва ярим-тайёр маҳсулот ҳолатига келтиришгача бўлган барча жараён ўзимизда бажарилади.

– Бугун савдо дўконларида парранда гўшти бисёр. Истеъмолчи ўзига ёққан, чўнтагига “тўғери” келадиган хилма-хил товуқ (ўрдак, эоз, бедая) гўштини сотиб олиш имкониятига эга. Айтмоқчиманки, маҳсулотингиз бозорда, рақобат майдонинда ўз ўрнини топаётими?

– Ҳаммаси ана шу маҳсулотнинг сифати ва нархига бориб тақалади. Бизга ажратиб берилган 150 гектарга яқин майдонда озуқ экинлари етиштирамиз. Улар ўзимизнинг хориждан келтирилган қайта ишлаш цехимизда тўйимли озуқага айланади. Ортиқча сарф-харажат йўқ. Ундан кейин, биз харидорга товуқ гўштини 5-6 хил – лаҳм, суякли, иккиламчи гўшт кўринишларида тақдим этамиз. Таннархи арзон, чиройли қадоқланган, халқ тили билан айтганда “тафти” кўтарилмаган маҳсулот бозорда “туриб” қолмайди.

Бунинг устига, бугунги истеъмолчи-харидорнинг диди ҳам, талаби ҳам, сотиб олаётган маҳсулотининг қандайлигини ажрата билиш

қобилияти ҳам ўсган. Бугун доимий ҳамкор харидорларимиз орасида Жиззахдан ташқари яна Тошкент шаҳри, Наманган, Самарқанд, Навоий вилоятлари вакиллари борлигининг ўзиёқ маҳсулотимизга берилаётган одил баҳо деб ўйлайман.

- Эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида яхши бир ташаббус билан чиқибсиз. Тафсилотларни ўзингиздан эшитсак.

- Мажмуамиз жойлашган ҳудуд - "Шарқ юлдузи" маҳалласининг 50 га яқин кам таъминланган хонадонларига март ойдан бошлаб 200 дан 1000 бошгача жўжалар тарқатиб келяпмиз. Уларни ем-емиш билан таъминладик, ветеринар хизмати кўрсатдик. Сўйимга келган товукларни яна ўзимиз сотиб олдик. Бундай оилалар барча чиқимлардан ташқари ойига 10-15 миллион сўм даромад қилишди. Бу тажрибани кенгайтириш, вилоятимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам жорий этишни режалаштирганмиз. Камбағалликни қисқартириш, одамларни иш билан таъминлаш - савобли иш...

- Режаларингиз...

- Президентнинг "Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бор. Унда соҳа бўйича устувор вазифалар белгиланган. Хусусан, хорижий давлатлар тажрибасидан фойдаланиб, барча ҳудудларда парранда етиштириш, маҳсулотини қайта ишлаш, ундан якуний маҳсулот тайёрлаш ва истеъмолчига етказишни қамраб олган паррандачилик кластерлари ташкил этиш кўзда тутилган.

Ҳозиргача Жиззахда парранда наслчилиги билан шуғуллунувчи тузилма ёки хизмат йўқ, насли жўжалар ёки тухум ҳалигача четдан олиб келинмоқда. Биз ана шу ишни - парранда наслчилигини йўлга қўйиш ниятидамиз. Бу режа амалга ошса, давлат раҳбари қарорининг ижросини таъминлаш ва паррандачилик соҳаси ривожини учун ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз...

*Суҳбатдош ўз мухбиримиз
Худойберди КАРИМОВ.*

*Сурагда: "Фаол тадбиркор" кўкрак нишони
соҳиби Рустам Усмонов.*

ЖУРНАЛХОН СУВЧИЛАР

Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси матбуот хизмати ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда бободехқонларимиз барча экин турларидан мўл ҳосил олишаётгани, ушбу ижобий натижаларда сув ҳўжалиги соҳаси вакиллари нинг муносиб ҳиссаси борлигини айтиб ўтилди.

- Каналимиз орқали Сирдарё ва Жиззах вилоятларининг 14 та туманидаги 268 минг гектарга яқин майдонларга оби-ҳаёт етказиб берилади, - деди ЖМКФБ бошлиғи ўринбосари М.Аҳмедов.

- Бу осон иш эмас. Шунинг учун ҳам, бу борада жамоамиз томонидан амалга ошириладиган залворли ишлар ҳавза бошқармаси матбуот маркази кўмагида вилоят ва республика ОАВ да мунтазам ёритиб бориладигани биз учун аҳамиятли. Мақола, эшиттириш ва кўрсатувлар

сувчиларимизнинг заҳматли ва беминнат меҳнати ҳақида юртдошларимиз тасаввурининг бойишига хизмат қилмоқда.

- Ишчи-ходимларимиз 20 га яқин даврий нашрларга обун бўлган, - дея мавзуни давом эттирди бошқарма бош ҳисобчиси Б.Худояров. - Улар газета-журналларни мутлоаа қилиш, улар орқали долзарб хабарлар, соҳамизга оид мақолалар билан танишиб боришни одат қилишган. Бу йил ҳам ана шу яхши анъанани давом эттириш ниятимиз бор.

Семинарда ҳавза бошқармаси матбуот котиби Х.Каримов сўзга чиқиб, ЖМКФБ да рўй бераётган янгилик ва ўзгаришлар, жамоа томонидан амалга ошириладиган ишларни ёритиб бориш борасида ҳамкорлик зарурлигини таъкидлаб ўтди.

**Сирдарё-Зарафшон ИТХБ
матбуот хизмати.**



Жанубий Мирзачўл каналдан фойдаланиш бошқармаси (ЖМКФБ) да "Сув ҳўжалигида амалга ошириладиган ислохотлар, қўлга киритиладиган ютуқларнинг оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларда ёритилиши" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Supported by the SDC



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra

Swiss Agency for Development
and Cooperation SDC



СУВ ХЎЖАЛИГИДА ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНТЕГРАЦИЯСИ

Хар бир соҳанинг ривожини фан ва таълимга чамбарчас боғлиқ. Ҳаётимизга кириб келаётган инновациялар, юқори технологиялар, ноу-хау ва замонавий ишланмаларни ёш авлодга ўргатиш, уларнинг касбга бўлган иштиёқини ошириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги миллий ҳамкор ҳисобланган, Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги томонидан амалга оширилаётган “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш миллий лойиҳаси, II босқич” доирасида бу борада кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Лойиҳа томонидан вазирлик тизимидаги 9 та сув хўжалиги ва мелиорация коллежлари учун “Сув тежовчи технологиялар” ўқув курси яратилди, компетенциялар, стандартлар, ўқув режалари, ўқув дастури, ўқитувчилар учун қўлланмалар ҳамда номутахассис йўналишлар ва сувни тежовчи технологиялар бўйича техник мутахассисларга мўлжалланган дарсликлар ишлаб чиқилди.

Олий ўқув юртлари учун номутахассисларни ўқитишга мўлжалланган 14 ва 30 модулдан иборат 40 соатлик ҳамда сув тежовчи технологиялар техниги мутахассисларини ўқитиш учун 100 соатлик иккита ўқув дарслиги тайёрланди.

Шу билан бирга, 9 та касб-ҳунар коллежида сув тежовчи технологиялар бўйича лаборатория ва кўргазмали участкалар ташкил этилди ва тўлиқ жиҳозланди.

Сув хўжалигида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш мақсадида лойиҳа томонидан яна бир эзгу ишга қўл урилди. Вазирлик тасарруфидagi 9 та сув хўжалиги ва мелиорация коллежларининг “Сув тежовчи суғориш тизимларига хизмат кўрсатиш техниги” йўналишида таълим олаётган битирувчилар учун ишлаб чиқариш амалиёти ташкил этилди.

Бир гуруҳ битирувчилар ҳафта давомида пойтахтдаги “АгроТомчи” корхонасида бўлиб, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш ва қурилиш билан боғлиқ барча технологик жараёнларни ўргандилар.

Томчилатиб суғориш тизимини иссиқхона хўжалигида қуриш-монтаж қилишни кўриш мақсадида ёшларнинг бир гуруҳи Тошкент вилояти Қибрай туманидаги “Роял розес” МЧЖ га ташриф буюришди. Иккинчи гуруҳ Паркент туманидаги “Паркент агро замин” фермер хўжалигига бориб, узумзорда томчилатиб суғориш тизимининг ўрнатилишини ўргандилар.

Амалиёт даврида битирувчилар сув тежовчи суғориш тизимларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича ўқиш даврида олган назарий билимларини мустаҳкамлади, ишлаб чиқариш, молиявий, инвестицион ва ишга оид бошқа ҳужжатларни юритишни ўрганиб, ишлаб чиқариш шароитларида учрайдиган ҳаёт фаолияти ва атроф-муҳит муҳофазаси масалалари билан танишди ва бошқа бир қатор вазифаларни бажардилар.

Улар сув тежовчи босимли суғориш тизимларини лойиҳалашнинг компьютер дастурларидан фойдаланиш, босимли суғориш тизимларини ўзлари қуриш, сув тежовчи босимли суғориш тизимларини ишлатиш ва сув тежовчи босимли суғориш тизимларини таъмирлаш-тиклашнинг замонавий усулларини қўллаш кўникмаларини шакллантирдилар.

Якуний сессияда Сув хўжалиги вазирининг ўринбосари Рустам Қаршиев битирувчиларга сертификатлар топширди.

Матлуба МУХАММЕДОВА.

Сифатли таъмир суб ўйларини равон этмоқда

Маълумки, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда ерларнинг суғорилиш ҳолати ва мелиоратив аҳволини яхшилаш муҳим ўрин тутди. Шу мақсадда жорий йилда Самарқанд вилоятида ҳам соҳага йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.



Суратда: “Самарқандсувқурилишинвест” Давлат муассасаси ходимлари.

“Самарқандсувқурилишинвест” Давлат муассасаси буюртмачилигида вилоятда 2023 йилда дастур асосида 10 та объектда ирригация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари белгиланган. Бу борада, ҳажми 100 миллион метр/кубни ташкил этадиган Булунғур туманидаги “Булунғур” сув омборини қуриш ишлари авжида бўлиб, мазкур сув омборининг ишга туширилиши билан Иштихон, Пайариқ ва Булунғур туманларининг 35,8 минг гектар суви ва лалми ер майдонларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштираётган деҳқон-фермерлари узлуксиз сув билан таъминланиши кутилмоқда. Шунингдек, Булунғур туманидаги “Бот-бот” каналини реконструкция қилиш, Иштихон туманидаги “Бўронхўжа” каналини реконструкция қилиш, Қорасув дарёсида 4 та шаршара (перепад) иншоотини қуриш ва дарё ўзанини тартибга келтириш, сел-тошқиндан ҳимоялаш тадбирлари асосида Нарпай туманидаги “Нарпай” каналининг маълум қисмини реконструкция қилиш, Оқдарё туманидаги Янгиқўрғон ҳудудидан оқиб ўтувчи Оқдарё дарёсининг 800 метрлик қисмида ҳимоя дамбасини қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни оширишда яна бир муҳим омил, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш энг долзарб масалалардан биридир. Негаки, тупроқ унумдорлиги, экинлар ҳосилдорлиги, демакки, фермер ва деҳқонларнинг даромади кўп жиҳатдан айнан мелиорация ишларининг ҳолатига боғлиқ. Шунинг учун ҳам Самарқанд вилоятида сизот сувлари сатҳини пасайтириш,

ерларнинг шўрланиш даражасини камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар кўлами йил сайин кенгайтирилмоқда. Бу борада 2023 йилда Давлат дастури асосида 2 та лойиҳа асосида 14 км коллектор тармоқларини қуриш ва реконструкция қилиш, 12 та мелиоратив объектларда 513,1 км коллектор тармоқларини тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилиши режалаштирилган.

Ана шундай мелиоратив лойиҳалардан бири Самарқанд туманидаги “Захлик” коллектори бўлиб, мазкур объектнинг 35 км масофасида бош пудратчи “Амирбек Монтаж Қурилиш” МЧЖ томонидан тизимли таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга оширилмоқда. Таъкидлаш керакки, тизимга замонавий техникаларнинг жалб этилиши бу каби мелиорация тадбирларини сифатли бажариш ва ерости сув сатҳини пасайтиришда кенг имконият яратмоқда. Ушбу лойиҳани амалга оширишда “Амирбек Монтаж Қурилиш” корхонаси томонидан жалб қилинган 4 та экскаватор, бульдозерлар, техник ёрдам кўрсатиш автомашиналари ва шу каби қатор замонавий техникалар мелиорация тадбирларини сифатли бажариш имконини бермоқда. Дарҳақиқат, бу каби лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этилиши тупроқда экинларни етиштириш учун қулай бўлган сув ва ҳаво, ҳарорат ва озик режимини, атмосферанинг ер юзасига яқин қатламида ҳавонинг ҳарорати ҳамда ҳаракатини ўзгартириш имконини беради. Натижада, янги ерлар ўзлаштирилиб, экин майдонлари кенгайди, ернинг унумдорлиги ортиб, ҳосилдорлик кўпаяди.

Ўз мухбиримиз.

Оқдарё туманидаги Пичоқчи, унга қўшни бўлган Тўртағир, Карки, Тарнов сингари қишлоқларнинг аҳолиси анча йиллардан бери янги касб – ёнғоқ мағзи савдоси билан шуғулланади. Тўғриси айтиш керакки, ана шу касб билан шуғулланган оилалар сабабли айрим ишсиз юрган кишилар иш билан таъминланди. Натижада, ўзларининг ҳалол меҳнатлари орқасидан кўплаб хонадонларнинг оилавий даромадларига даромад қўшилиб, турмуш фаровонлиги ошиб борди. Йиллар ўтиб, бу соҳани алоҳида тадбиркорлик соҳасига айланади, деб ким ҳам ўйлабди, дейсиз. Биз номларини келтирган қишлоқларнинг меҳнаткаш кишилари республикамизнинг турли вилоятлари, туман ва қишлоқларидаги аҳоли хонадонларидан ёнғоқ меваларини олиб келишиб, мағзини ажратиб, Самарқанд шаҳри бозорида сотишган бўлса, кейинчалик Пичоқчининг ўзида ёнғоқ маҳсулотларини сотиб оладиган “Мағиз бозори” ташкил қилишди. Буни қарангки, “Мағиз бозори”да ҳам ўзига хос “лидер”лар, яъни етакчилар пайдо бўлди.

Ҳикоямиз қаҳрамони Толибхон Абдужалилов ҳам ана шундай етакчи тадбиркор сифатида қарийб 20 йилдан буён ёнғоқни қайта ишлаш ва унинг олди-сотдиси билан шуғулланади. У мамлакатимизда тадбиркорларга яратиб берилаётган шарт-шароитлардан руҳланиб, 2017 йил апрель ойида “PICHQCHI DRY FRUITS” кўп тармоқли фермер хўжалигини ташкил этди. Ҳозирги кунда МЧЖга айлантирилган бу хўжалик ёнғоқ, мош, ловия, нўхат каби дуккакли маҳсулотларни қайта ишлаб, хорижга экспорт қилмоқда. Т.Абдужалилов Туркия, Бирлашган Араб Амириклар, Ҳиндистон, Озарбайжон, Польша, Беларус каби давлатларнинг тадбиркорлари билан ҳамкорликни йўлга қўйган. У ўтган йили 1 млн. 300 минг АҚШ долларини ёнғоқ маҳсулотларини хорижга экспорт қилди. Жорий йилда эса у бу рақамни 1 млн. 500 минг АҚШ долларига етказмоқчи.



ОҚДАРЁДАН ДУНЁ БОЗОРИГА

Тадбиркор ЎзЛиДеП Самарқанд вилояти ва Оқдарё туман Кенгаши ҳамкорлигида “Пичоқчи” қишлоғида лойиҳа қиймати 4,5 миллиард сўм бўлган, 3 гектарлик майдонда қурилиши режалаштирилаётган ёнғоқ етиштириш, уни сақлаш, қайта ишлаш, экспортга тайёрлаш, шунингдек, маиший хизмат кўрсатиш бинолари барпо этиш борасидаги бизнес лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш борасида иш олиб бораётганлигини эшитиб, Толибхон Абдужалиловдан бу борадаги фикр-мулоҳазаларини сўрадик:



– Мазкур лойиҳага ҳозиргача 20 млрд. сўмга яқин маблағ сарфладик. Сабаби, Юртбошимизнинг тадбиркорларга яратиб бераётган имкониятлари, имтиёзлари бизга ғайрат ва шижоат бағишламоқда. Шу имкониятлардан фойдаланиб, келажакда ёнғоқ етиштириш бўйича кластер тизимини жорий қилмоқчимиз. Бизга 30 гектар ер ажратилган эди, энди ёнғоқларимиз ҳосилга кира бошлайди. Бундан ташқари, Пичоқчи қишлоғида ёнғоқ етиштириш, уни қайта ишлаш, қадоқлаш, экспортга тайёрлаш, сақлаш ва агротуризмни ривожлантириш логистика марказини қуриш учун 2 гектар ер майдони ажратилган.

Ушбу лойиҳалар доирасида мавсумий ва доимий ишчи ўринлари яратилмоқда, – дейди Толибхон Абдужалилов. – Мамлакатимизнинг турли бурчакларидан 20 мингдан ортиқ хонадон билан ҳамкорлик қиламиз. Ҳозиргача 8 нафар шогирд чиқардим. Улар ҳам ўз ишларини муваффақиятли юритишмоқда. Тадбиркор тинмай изланиши, интилиши керак экан. Хорижлик ҳамкорлар билан мулоқот қилиш жараёнида тил билмаганим кўп бор панд берган эди. Ҳозир 4-5 та чет тилини ўзлаштириб олдим. Қолаверса, тил ўрганиш бўйича ўқув маркази ҳам очдик. Бу марказда болалар турли касбларни ҳам ўқиб-ўрганадилар.

Дарҳақиқат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг тез ўзгариб турадиган бозор талабларига жавоб беришини таъминлайдиган замонавий тузилмаларни шакллантиришда, янги иш ўринларини ташкил қилишда ва аҳоли даромадларини оширишда ўта муҳим ўрин эгаллайди.

Йўлчи МУҲАММАДИЕВ,
“Оқдарё овози” газетасининг
бош муҳаррири.

Суратда: тадбиркор Толибхон Абдужалилов Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Азиз Воитов билан

ХАЙРЛИ ИШГА

БОШ ҚЎШИШ МАСЪУЛИЯТИ



Абдуҳошим Сапаровни Золин ва Зарбдор туланларида ҳаши билшади. Бу инсон золинликларга кўпроқ дон қабул қилиши қорхонасидаги узоқ йиллик фаолияти орқали таниш бўлса, Зарбдорда қатор йиллардан буюн илгорлар қаторида эътироф этиб қелинаётган “Зилола-С” фермер хўжалигини ташқил этиб, эришган натижалари билан довруғ қозонган.

Тўғри, 230 гектар ер майдони бўлган, 35 кишини доимий иш билан таъминлаган кўп тармоқли жамоани бугун Абдуҳошим аканинг ўғли Фурқат бошқармоқда. Шундай бўлсада, мазкур хўжаликнинг ютуқлари, эътирофга лойиқ кўрсаткич ва натижалари аграр соҳанинг мана шу миришкор-устаси йўл-йўриқлари ва маслаҳати эвазига қўлга киритилаётгани шубҳасиз.

– Отам янгиликларга ўч одам, қачон қараманг, бирон-бир ғоя ёки режани кўнглига туйиб юради, ўйлаганини амалга оширишни сира ортга сурмайди, - дейди Фурқат фермер. - Ўтган йили томчилатиб суғориш қиламиз, деб қолдилар. Ай-тилдими – бажарилди: 10 гектар пахта майдониغا сувтежамкор усулни жорий этдик.

“Қари билганни пари билмас”, деган нақл бежиз айтилмаган: Абдуҳошим аканинг маслаҳати билан жорий этилган инновацион усулнинг афзаллиги, фойдаси, қулайлиги катта ва кўплиги исботини топди. Муқаддам ҳар гектарида кўпи билан 30-35 центнер ҳосил олинган ердан ўтган йили 45 центнер пахта йиғиштириб олинди. Янгича ёндашув натижасида кўтарилган мўл ҳосил, тежалган ўғит, техника, ёқилғи, ишчи кучи хўжалик даромадининг бир ярим бараварга кўпайишини таъминлади. Томчилатиш усулида деҳқончилик қилинган даланинг ҳар гектаридан бу йил яна ҳам кўп - камида 50 центнер пахта олиш қўзланмоқда.

Сувтежамкор усулнинг ҳар томонлама фойдаси борлиги ота-ўғилни руҳлантириб юборди. Айниқса, Абдуҳошим ака жонланиб қолди, “энди ғаллани ёмғирлатиб суғоришга ўтамиз”, дея ташаббус кўтарди. Мутахассислар маслаҳати, таъминотчи қорхоналар ёрдами билан 22 гектар ғалла майдониغا ёмғирлатиш технологиясининг кичик-кичик фаввораларни эслатиб юборадиган сплинкер ускуналари ўрнатилди.

– Шунча майдонни бир марта суғориш учун катта ҳажмдаги сув сарфланар, 5-6 нафар сувчи қарийб 10 кун овора бўларди, - дейди А.Сапаров, - шунда ҳам айрим жойлар қўлаб қолса, баъзи

худудларга сув етиб бормасди. Бунинг устига ўғитнинг техника ёки қўл кучи билан сепилиши натижасида ғалла ниҳолларининг маълум қисмига зиён етиши ҳам аниқ эди. Ёмғирлатиб суғориш бу ташвишларнинг барчасини бартараф қилди. Сув, унга аралаштирилган ўғит ерга эмас, ғалланинг ўзига, илдизига бир маромда етиб бормоқда.

“Зилола-С” фермер хўжалигининг сувтежамкор технологияларни жорий этиш борасида эришаётган ижобий натижалари Жиззах вилоятининг деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбар-мутахассисларида катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу эса, вилоят аграр соҳасига масъулларини ушбу хўжалик даласида кўргазмалари семинар ташкил этишга ундади. Анжуман ишига агрокластерлар, фермерлар, сувтежамкор технологияларни ишлаб чиқариш қорхоналари вакиллари таклиф этилди. Тадбир қатнашчилари ҳузурида Абдуҳошим Сапаров чиқиш қилиб, ўзининг томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологияларини жорий этиш борасида тўплаган тажрибалари билан уртоқлашди.

– Президентимизнинг 2023 йил 3 апрелдаги “Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бежизга қабул қилинмаган, - деди Абдуҳошим ака. – Бутун дунёда сув танқислиги кучайиб бормоқда. Бу ҳолатнинг ножўя таъсирини камайтириш йўлларида бири – сувтежамкор технологияларни жорий этиш бўлади.

Бу борада амалга оширилаётган ишларга давлат раҳбарининг шахсан ўзи эътибор қаратмоқда. Бу ишга бош қўшаётганлар учун кенг қамровли қулайликлар, имтиёзлар бор, шунинг учун, бугунги кунда Ўзбекистон сув тежовчи технологияларни жорий қилиш борасида Марказий Осиёда биринчи, дунёда эса, 13-ўринда турибди. Бизнинг ҳам ана шу муҳим ва хайрли ишга ўз ҳиссамизни қўшадиган вақт келди!..

Ўз мухбиримиз.



Кишлоқ хўжалиги соҳасидаги тармоқлар қривожланиши пировардида ўша ҳудуднинг моддий манфаати, фаровонлиги, равнақи ва эртанги кунга бўлган умиди намоён бўлади. Бунда, шубҳасиз, маҳаллий тадбиркор ва фермерларнинг ҳиссаси жуда улкан. Қашқадарёнинг Косон туманида ҳам ана шундай ер билан тиллашадиган, ўз касбининг моҳир усталари меҳнат қилишади. Бир тарафдан туманнинг иқлими иссиқ бўлиб, пахта етиштиришга ихтисослашган ҳудудлардан бири саналади. Жорий йилда юзага келган сув тақчиллиги, об-ҳаво инжиқликларига қарамасдан, туман пахта далаларида мўл ҳосил етиштирилди.

АГРОИННОВАЦИЯЛАР —

кам меҳнат, мўл ҳосил гарови

Азалдан Косонлик деҳқонлар пахтачилик соҳасида сезиларли ютуққа эришган ва туман деҳқонларининг тажрибаси вилоят хўжаликларида кенг оммалаштирилган. Бу борада ҳосилдорлик ошишида муҳим аҳамиятга эга бўлган уруғчилик етиштирувчи фермер хўжалиқларининг меҳнати эътирофга лойиқ. Жумладан “Косон элита уруғчилик” МЧЖ аъзолари ҳам жорий йилда 40 гектар майдонга эртапишар чигит навлари етиштирган.



Суратда: “Косон Элита уруғчилик” МЧЖ раҳбари Журабек Жураев агроном Акбар Эгамбердиев билан.

— Бу йил “Бухоро-10” навли уруғдан эккан эдик. Мавсум давомида ғўза парваришида агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли ўтказганимиз ҳисобига режани туманда биринчилардан бўлиб бажардик ва ҳар гектаридан 45 центнердан ҳосил олишга эришдик, — дейди “Косон элита уруғчилик” МЧЖ раҳбари Жўрабек Жўраев.

Албатта, туманда бу йилги сув танқислиги бўлишига қарамай, заҳматкаш бободехқонлар томонидан мўл ҳосил олиш йўлида яна бир бор жасорат кўрсатганлиги чинакам мардлик ва фидойилик намунаси бўлди деб айтиш мумкин. Албатта, об-ҳавонинг инжиқ келгани бирмунча ноқулайликлар туғдириши, агротехник тадбирларни кучайтириш ва уларни кечиктирмай сифатли олиб боришни тақозо этди. Ана шунда ҳосилдорлик ҳам меҳнатга яраша бўлди. Тумандаги илғор фермерлар, гектарига 40-42 центнердан пахта ҳосили етиштириб, ёруғ юз билан режани биринчилардан бўлиб бажаришга эришмоқда.

Энг эътирофли жиҳати, суғориш тизимида ўзига хос машаққатли меҳнат талаб этадиган Қашқадарё вилоятининг барча туманларида соҳага тежамкор технологияларни қўллаш усули тобора оммалашмоқда. Вилоятнинг Кўкдала туманида ҳам бу усул оммалашиб, нафақат пахта етиштирувчилар, балки полиз маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликлари томонидан ҳам томчилиб суғориш усули кенг жорий этилмоқда. Тумандаги полиз маҳсулотлари етиштирувчи “Пўлат Инвест Хумо” ишлаб чиқариш кооперативи аъзолари ҳам эндиликда полиз маҳсулотлари етиштиришда тежамкор воситалардан фойдаланишни жорий этиш ниятида.

— Бугунги кунда жами 35 гектар экин майдонимиз бор. Асосан, озиқ-овқат маҳсулотлари қовун, тарвуз, булғор қалампири каби экинлар экамиз. Бу йил баҳорда об-ҳавонинг ноқулай келиши сабаб, сув масаласида озгина қийинчиликлар юзага келди. Шу сабаб кейинги йилда экин майдонларига тежамкор суғориш воситаларини жорий этишни режалаштирмоқдамиз дейди, – “Пўлат Инвест Хумо” ишлаб чиқариш кооперативи раҳбари Пўлат Махмараҳимов.



Суратда: Кўкдала туман қишлоқ хўжалиги бўлими ходими Акмал Дониёров фермер Пўлат Махмараимов билан.

Албатта, бу каби агроинновациялар ва самарали тадбирлар ҳудудда сув тақчиллигининг олдини олишда муҳим қадам бўлиб, шунингдек, ҳосилдорлик ва меҳнат унумдорлиги янада ошишидан далолат беради.

Шухрат НОРМУРОВ,
ўз мухбиримиз.

Ўзбекистонда сув хўжалиги объектларининг хавфсизлигини таъминлаш тартиби тасдиқланди

Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекциясига Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агро-саноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг қуйидаги функциялари ўтказилди:

- барча ер усти сув объектларида сувнинг оқилона бошқарилиши, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидалари (тартиби)га риоя этилиши устидан назорат қилиш;
- сув хўжалиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш чораларини кўриш борасида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;
- барча ер усти сув объектларида сувдан фойдаланишга доир маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш.

Ҳужжат билан қуйидагилар тасдиқланди:

- Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси тўғрисидаги низом;
- Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳузуридаги Экспертлар кенгаши тўғрисидаги низом;
- Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом.

Шунингдек, ҳукуматнинг баъзи қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида давлат тилида эълон қилинган ва 2023 йил 28 сентябрдан кучга кирди.

СУЯГИ МЕҲНАТДА ҚОТГАН...

Қуёш уфққа оғиб, атрофни қоронғулик чулғамокда. Пайкал четидаги дарахтлар кўланкаси она заминга ёйилиб, дилга ажиб ҳиссиётлар солади. Қуёш ботишию ой кўтарилишини кузатган инсон ўз қалбининг гўё далалардек кенгаяётганини сезади ва борлиққа сингиб кетгандек бўлади.

Суюги меҳнатда, далада қотган Раҳматилло Ҳайдаров ҳам табиат шайдоси, табиатни севиб, уни улуғлайдиганлар сирасидан. У узоқ йиллардан буён “Йигитали ота келажаги” кўп тармоқли фермер хўжалигини бошқариб келади. Шу йиллар давомида ундаги табиатга, она заминга бўлган меҳр янада ошди, тасаввури бойиди. У пайкал четида ўтириб, беғубор осмонни, учаётган қушлар галасини, подадан қайтаётган чорва ҳайвонларини кузатиб, завқ олади, бодроқ-бодроқ очилиб ётган пахта даласига суқланиб боқади. Кўллардаги балиқларнинг сакрашидан қувонади, полиздаги маҳсулотларнинг чўғи мўллигидан шукурлар айтади.

Фермер хўжалиги ташкил бўлгандан буён у доимо режани биринчилар қаторида бажаради. Жамоанинг 35 нафар ишчилари кўнглига қараб, ҳамиша уларнинг иссиқ-совуғи, яхши-ёмон кунидан хабардор бўлади. Шу боисдан ҳам уни аъзолари ҳурмат билан “фермер тоға” деб ардоқлашади.

Бу йилги мавсум ҳам ҳар қачонгидек файзли кечаётир. 20 гектар майдонда “Андижон” ва “82/90” навли пахта навлари экилиб, парваришланди, меҳр берилди. Натижа эса қувонарли – 4 иш кунига режа ўринлатилди. Гектарлар ҳосилдорлиги 40 центнерданни ташкил этди, давлатга 73 тонна сара ҳосил топширилди.



Н. Асқаров, А. Раҳматуллаев, Б. Жўраев, Ж. Абдуқаюмов каби сувчи ва механизаторлар меҳнати таҳсинга лойиқ бўлди.

Ҳозирда терим уюшқоқлик билан давом этмокда. Далада фермер хўжалиги аъзолари билан бир қаторда уюшмаган аҳоли вакиллари, ҳашарчи-нуронийларни учратасиз. Г. Мелибоева, Н. Қосимова сингари ўнлаб чевар теримчилар кунига 200-300 килограммгача пахта тердилар. Уларнинг терим ҳақи кунма-кун бериб борилди.



– Ҳозиргача оила бюджетига салкам тўрт миллион сўмлик даромад қўшдим, – дейди Г. Мелибоева.

– Шароитимиз бекаму-кўст. Гўштли иссиқ овқат, нон-чой вақтида бериб бориляпти, хоҳлаганимизча қовун-тарвуз истеъмол қиляпмиз, – дейишди ҳашарчи-нуронийлар бир овоздан.

Ишбилармон фермер кўли очиқлиги билан ҳам назарга тушган. У қишлоғида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган кўплаб оилаларга беминнат ёрдам бериб келади. Энг муҳими, у ерни севади, ардоқлайди, унинг бир қаричи ҳам бекор турмаслиги учун ҳаракат қилади. У гўё фарзандини кучоғида опичлаб юрган келбатли ота янглиғ даласини бағрида тутати. Бир сўз билан айтганда, у далаларга, далалари эса унинг бағрига сингиб кетгандек...

Ўктамхон АКБАРОВА,
“Данғара” газетаси бош муҳаррири.

ОЛИМДАН – ФЕРМЕРГА

Замонавий деганда қишлоқ хўжалик машиналарини ҳорижий давлатлардан олиб келиш эмас, балки республикаимиз олимлари томонидан ишлаб чиқилган қишлоқ хўжалик машиналаридан фермерларбопини тайёрлаб, фермер хўжаликларини жиҳозлашни ҳам тушуниш керак.

Шудгорланган ерни экин экишга тайёрлаш учун тупроқ шароитга қараб, турли технологик жараёнлар бажарилиши лозимлиги ва шу мақсадда, далага кўп марта турли машиналарнинг кириб-чиқиши талаб этилади. Натижада, трактор ва машина ғилдираклари таъсирида тупроқ меъёридан ортиқ зичланиб, зарарли, чангсимон қисми кўпаяди, тупроқ томонидан сувнинг шимилувчанлик хусусияти ўзгаради. Шу сабабли жаҳонда далага минимал ишлов бериш усули, яъни ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиш кенг тарқалмоқда.

Шундай усул билан қишлоқ хўжалик техникаларини яратиш, улардан зарурларини аниқлаган ҳолда ишлаб чиқариб, фермер хўжаликларини жиҳозлаш каби ишлар қишлоқ хўжалик соҳасини замонавийлаштиришнинг асоси ҳисобланади.

Шундай қишлоқ хўжалик машиналари Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш факултети профессор-ўқитувчи ва докторантлари томонидан, умуман қишлоқ хўжалигида мавжуд бўлмаган, лекин ўзларининг вазифаларига кўра зарур бўлган қишлоқ хўжалик машиналари каминанинг лойиҳалари ва раҳбарлигида яратилди ва уларнинг барчаси амалиётда ишлатилди.

Уларнинг бири тупроққа ишлов берувчи ва иккинчиси - уруғларни экувчи сеялкалар ҳисобланади.

1. Тупроққа ишлов берувчи комбинациялашган машиналар.

Кузда пушта олгич-ўғитлагич машинаси. Азалдан тупроқнинг унумдорлиги ва дондорлигини яхшилаш учун кузги шудгорлашдан аввал, фосфорли ўғитлар сочилиб, пушталар олинар эди. Сочилаётган ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини орттириш мақсадида кейинги йилларда ўғитлар олинаятган пуштанинг қаватларига тасмалаб, пуштанинг асоси ўртасига бир қатор тасмалаб ўғит солиш кўп тадқиқотчилар томонидан тақлиф этилган.

Бу усул кузда пушта олувчилар томони-

дан кўп қўлланилади. Чунки уруғлар униб, илдиэларининг ёйилиши пуштанинг асоси томон бўлиб, у ерда бир тасмали ўғит солингани учун самараси сезиларли даражада бўлмади. Пушта қаватларига ўғитни солиш шаклини танлаш мақсадида икки йил тажриба ўтказилди ва пуштанинг асосига кенгайтирилган ҳолда, иккинчи қаватига эса аввалгидек солинишининг самараси юқори бўлиши аниқланди.

Олинган пушталарга асосланган ҳолда илмий йўналиш аниқланди. Илмий йўналишининг мақсади кузда пушта олинаятган вақтда унинг икки қатламига, яъни юқори қатламига икки тасмали, пуштанинг асосига кенгайган ҳолда ўғитни солувчи ва пушта олувчи техник воситанинг лойиҳаси яратилиб, унинг варианты тайёрланди (1-расм).



Сеялканинг умумий кўриниши



Сеялкани синов жараёни

1-расм. Кузда пушта олгич-ўғитлагич комбинациялашган машина

Аввалги тадқиқотларда ўғит туширгич пушта олгичга ўрнатилган бўлиб, миқдорлагичлар

шу ўғит туширгичда пластиналар ёрдамида қатламга тушаётган ўғитларнинг миқдори ростланар эди. Бу қурилма узоқ ва миқдорлагичлари ишончли ишламаслиги аниқланган.

Яратилган пушта олгич-ўғитлагичда миқдорлагич алоҳида ишловчи стандартлашган конструкцияга эга бўлиб, ўғитлар ўғит туширгич билан тупроқни юмшатикичлар билан бирлаштирилган қурилма ёрдамида амалга оширилади.

Боғ қатор оралари тупроқларига ишлов берувчи комбинациялашган машина. Янги ташкил этилган боғлардаги кўчатларнинг шохлари кенгайиб, трактор агрегатининг ҳаракатига тўсқинлик қиладиган даражага етиши учун, кўчатларнинг турига қараб 4-6 йил муддат ўтади. Бу даврда фермерларнинг маблағи кўпайиши учун ҳамда қатор ораларида бегона ўтлар кўпайиб кетмаслиги учун кўп фермерлар полизсабзавот экинларини экиб фойдаланишади. Бунинг учун боғ қатор ораларига трактор агрегати камида 3-4 марта кириши керак бўлади, яъни тупроқларни чизеллаш (юмшатиш), кесакларни майдалаш, текислаш, суғориш ариқларини очишлари учун. Бу жараёнлар фермерлар томонидан кўп харажатлар қилиш талаб қилинади. Кўпларнинг бунга имконияти бўлмагани учун боғ қатор оралари қаровсиз қолиб кетади.

Демак, юқорида санаб ўтилган жараёнларни агрегат бир ёки бориб келишда бажариши долзарб масалалар қаторига киради. Шундан келиб чиқиб, шогирдим докторант А.Абдуманнопов билан боғ қатор ораси тупроқларига бир ўтишда ишлов бериб, уруғларни экишга тайёр қилувчи комбинациялашган машина тайёрландик ва унга патент олинди.

Ўза қатор ораларига ишлов берувчи култиватор-чуқур юмшатикич. Ўза қатор ораларига ишлов берувчи култиваторнинг ишлаб чиқилганига 50-60 йил бўлган. Шу давр мобайнида улар деярли такомиллаштирилмаган ва бир неча қисмдан (уч қисм) иборатлигича ишлатилиб келинмоқда. Ҳар қандай техник восита такомиллашиш ҳуқуқига эга, энг асосийси, улар уч қисмдан эмас, ҳеч бўлмаганда яхлит ҳолатга олиб келиниши кераклиги тўғрисида шу соҳа мутахассислари фикр юритишади, лекин шу кунгача ҳеч ким шуғулланмаган.

Бу борада шогирдим М.Холдаров иштирокида яхлит ҳолдаги (фақат тракторнинг кетинги қисмига осилувчи) култиваторлар яратилди (2-расм). Унинг ҳар бир қисми қатор ораси учун иш-

латиладиган иш органлари янги ишлаб чиқилган култиваторларда ҳам бемалол ишлатилиши кўзда тутилган.

FAP 01897



а-култиваторнинг умумий кўриниши; б-ўза ва макка қатор ораларида синов жараёни.

2-расм. Ўза қатор ораларига ишлов берувчи култиватор-чуқур юмшатикич

Ҳозирда ўза қатор ораларини чуқур юмшатиши ўзининг самарасини кўрсатгани туфайли битта ёки иккита культивациядан сўнг чуқур юмшатиши пахта етиштириш технологиясига кириб келди. Одатда юмшатиш учун трактор агрегати чизел билан қатор орасига алоҳида кирмоқда. Вақт ва ёнилғини тежаш учун яхлит ясалган култиватор конструкциясига чуқур юмшатикич ҳам ўрнатилди ва култиватор-чуқур юмшатикич деб аталди. Култиватор-чуқур юмшатикичли агрегат қатор орасига кирганда, керак бўлса, юмшатиши ва чуқур юмшатиши мумкин. Култиватор чуқур юмшатикич билан, керак бўлганда, ўғитлаш ҳам мумкин.

Юқорида такидлаб ўтилган ресурстежамкор машиналарни амалиётда қўлланилиши тупроққа қисқа муддатларда сифатли ишлов бериш имкониятини беради, технологик жараёнларни бажаришда эса, умумий қувват сарфини камайтиради, натижада, меҳнат унумдорлиги ошади, ёқилғи сарфи камаяди ва харажатлар қисқаради.

II. Экиш машиналари

1. Такрорий экинни (макка уруғини) тўғридан-тўғри экувчи сеялка. Ҳозирда тупроққа ишлов бериш уч хил услуб ёрдамида

амалга оширилмоқда:

- анъанавий услуб;
- тупроққа минимал ишлов бериш;
- тупроққа нол ишлов бериш.

Анъанавий услубда ишлар шудгорлашдан бошланади. Ҳар бир экиндан кейин такрорий экин экишдан олдин, майдонни шудгорлаш амалга оширилар эди. Ҳозирги вақтга келиб тупроққа икки ёки уч йилда бир анъанавий услубда ишлов бериш қўлланилиши бошланмоқда. Чунки бу услубнинг бир йилда бир ёки икки марта қўлланилиши тупроқнинг донаторлигига салбий таъсир қила бошлагани аниқланди.

Тупроққа механик таъсирларни камайтириш мақсадида комбинациялашган агрегатлар яратила бошланди, яъни агрегатнинг бир ўтишида бир неча жараён бажарилади. Буни эса тупроққа минимал ишлов бериш дейилади. Аниқланишича, бир вақтда бир неча жараён бажарилгани билан агрегатга ўрнатилган ҳар бир жараённинг иш органи, албатта, тупроққа таъсир қилади. Бу ерда агрегатнинг қайта қайта кириши чекланади, холос.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда такрорий экинларни тупроққа ишлов бермай, тўғридан-тўғри экиш услуби амалиётга кириб келмоқда. Бу услубни тупроққа нол ишлов бериш дейилади. Бу услуб тўғри йўлга қўйилса, фермерларнинг асосий экиндан қўлга киритадиган даромади ўзида қолади. Фақат асосий экиндан сўнг ернинг қаттиқлиги ортган бўлади. Шу шароитда ишлай-

диган махсус машинани ишлаб чиқиш керак бўлади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда менинг раҳбарлигимда докторант О.Абдуллаев билан такрорий экин бўлган макка уруғини тўғридан-тўғри экувчи сеялка ишлаб чиқилди (3-расм).

Бундай сеялка Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ягона ҳисобланади.

2. Пахта чигитини қаторлаб ва қўшқаторлаб экувчи секцияли сеялка. Пахта чигитини экадиган сеялкалар бир неча йиллар давомида ишлатилиб келинмоқда. Уларнинг асосий конструкция битта рамадан иборат бўлиб, қисмлари шу рамага қотирилган ва бу ҳолат бир неча ўн йиллардан бери такомиллаштирилмай келади. Шунинг учун уларни тортишга қаршилиги ҳам доимо бир хил миқдорни ташкил этади. Лекин улар тиркаладиган тракторлар борган сари қувватини ошириб келмоқда. Тракторларнинг қувватли бўлишига қарамай, уларнинг илмоғидаги тортиш кучидан фойдаланиш пасайиб бормоқда. Бу эса агрегатнинг самарадорлигининг ортишига таъсир қилмасдан, ёнигнинг бекордан-бекорга сарф бўлишига олиб келмоқда. Тракторларнинг илмоғидаги кучидан фойдаланиш даражасини орттириш учун сеялканинг қаршилигини орттириш керак бўлади, яъни экиш қаторини кўпайтириш билан. Фойдаланилаётган сеялкаларнинг экиш қаторини орттириш учун, сеялкани бутунлай бузишга тўғри келади.

Бунинг иккинчи йўли эса, сеялкаларнинг секцияли типини яратишдан иборат. Барча ривожланган давлатлардаги сеялкаларнинг конструкцияси шундай танланган.

Бу хусусида, республикамызда биринчи бўлиб, менинг лойиҳам ва раҳбарлигимда докторант Р.Йўлдашев иштирокида 4 ва 6 қаторли пахта чигитини қаторли ва қўшқаторли қилиб экувчи секцияли сеялка яратилди ва унга патент олинди (FAP 01901). Сеялканинг қаршилиги қаторлар сонига боғлиқ бўлиб, сеялкалар қанча керак бўлса, шунчаси рамага тиркаб қўйилади (4-расм).



а-сеялканинг умумий кўриниши;

б-сеялканинг синов жараёни;

в-уруғнинг униб чиққан ҳолати.

3-расм. Такрорий экинни (макка уруғини) тўғридан-тўғри экувчи сеялка





*а-сеяканинг умумий кўриниши;
б-сеялкани синов жараёни;
в-уруғнинг униб чиққан ҳолати.*

4-расм. Пахта чигитини экувчи 4 ва 6 қаторли секцияли сеялка.

3. Кузда олинган пуштанинг шаклини тўлдириб ёки шаклини сақлаган ҳолда пахта чигитини экувчи секцияли сеялка. Вилоятларда пахта чигитини кузда олинган пуштага экиш технологияси охириги йилларда одат тусига кириб бормоқда. Чунки чигитни пуштага экишнинг самараси текис майдонга экилганга нисбатан юқори бўлишлиги аниқланган.

Пахта чигитини кузда олинган пуштага экиш учун ҳозирда қўлланилаётган сеялкаларни мослаган ҳолда амалга оширилмоқда.

Кузда олинган пуштанинг шакли қиш фаслида баҳоргача кўп ҳолларда нисбатан пастлаб кетади ёки ёмғир, дўл ёғганда унинг юқори қисми эгатларга ювилиб тушиб қолади. Натижада, пуштанинг шакли самара берадиган ҳолатдан пасайиб кетади. Шунинг учун баҳорда экиш олдида шакли тўлдирилиб ва унинг шаклини сақлаган ҳолда экилса, самараси қутилгандай бўлади. Яратилаётган сеялка шу вазифани бажариши ва сўнг экиши керак бўлади. Ҳозирда бу вазифаларга етарли даражада эътибор берилмасдан мосланган сеялкаларда экилмоқда. Мосланган сеялкаларда экиш эса ҳеч қачон чигитни пуштага экиш технологияси талабларига жавоб бермайди.

Шуни ҳисобга олган ҳолда, республикамызда биринчи бўлиб шогирдим О.Қобилжонов билан кузда олинган пуштани баҳорда самарали шаклини тиклаган ёки сақлаган ҳолда экувчи секцияли сеялкани яратдик ва синовда ижобий натижаларга эришилди (5-расм).

Эрта баҳорда ўғитни солиб, пуштани олиб, пахта чигитини экувчи сеялка. Пуштага экишнинг самарасини билган ҳолда кузда



5-расм. Кузда олинган пуштани самарали шаклини сақлаган ҳолда экувчи секцияли сеялканинг кўриниши (а) ва ишлаши б)

маълум сабабларга кўра пушта олинмай қолган ҳолларда эрта баҳорда пахта чигитини пуштани олиб, ўғитлаш ва чигитни экиш технологиясидан фойдаланилмоқда. Бундай ҳолатда ҳам пуштани олиб, керак бўлса ўғитловчи ва кейин чигитни экиш воситаси бўлмагани учун текис майдонларга экувчи сеялкаларни мосланган ҳолда экиш амалга оширилмоқда. Ҳар бир технология асосида ишловчи техник воситанинг йўқлигини ҳисобга олиб, эрта баҳорда пуштани олиб унга пахта чигитини экувчи сеялканинг лойиҳаси ва унинг конструкцияси менинг раҳбарлигимда яратилди.

Мен ва докторант шогирдларим томонидан яратилган сеялкалар ҳозирги кун талабларида тўлақонли жавоб беради ва экиш жараёнида сарфланадиган харажатларни тежайди, шу сабабдан ҳам ушбу машиналарни фермерларбоп дейиш мумкин.

Хулоса. Ҳар йили ҳар бир вилоятда яратилган, керакли бўлган қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқарувчилар томонидан ўрганиш одат тусига кириши мақсадга мувофиқ.

Ўрганилганлиги асосида фермерларбопларини танлаш ва уларни ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши янги Ўзбекистонимизда фермерликни ривожлантиришда асосий ролни ўйнашига ишончимиз комил.

Толибжон ХУДОЙБЕРДИЕВ,

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти профессори, т.ф.д.

АТМ-1 ЎРТА ТОЛАЛИ ҒЎЗА НАВИНИНГ ТУРЛИ ХУДУДЛАРДА ПАРВАРИШЛАНГАН ПОПУЛЯЦИЯЛАРИДА БИР КЎСАКДАГИ ПАХТА ВАЗНИ БЕЛГИСИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Аннотация. Мазкур мақолада ўрта толали ғўзанинг АТМ-1 навининг Ўзбекистон Республикасининг турлича тупроқ ва иқлим шароитларига эга бўлган ҳудудларида парваришланган популяцияларида бир кўсакдаги пахта вазни белгиси кўрсаткичларининг фенотипда намоён бўлиши тўғрисидаги маълумотлар жойлардаги андоза навларига таққослаб таҳлил қилинади.

Аннотация. В данной статье анализируются результаты исследований, проведенной с целью изучения проявления в фенотипе высоты главного стебля и количества урожайных ветвей в сортах и линиях, которые характерны для средневолжистого хлопчатника, выведенного в почвенно-климатических условиях Ташкентской области в 2021 году.

Annotation. The article analyzes the data on the manifestation of the indicators of the trait on cotton weight in a boll in the populations of the АТМ-1 variety of upland cotton in the regions of the Republic of Uzbekistan with different soil and climate conditions by comparing them to the local model varieties in the regions.

Кириш. Пахта ҳосилини етиштиришда мамлакатимизда фаолият юритаётган деҳқонлар асосан бир кўсакдаги пахта вазни юқори кўрсаткичларда акс этадиган навларнинг уруғлик чигитларидан экишга ҳаракат қиладилар. Ушбу белгининг қандай кўрсаткичларда намоён бўлишига эса ҳар хил тупроқ-иқлим шароитлари, парваришлаш жараёнлари пайтидаги агротехник тадбирларнинг қайвақтда ва қандай сифатда амалга оширилганлиги, ғўза майдонларидаги тупроқларнинг агрохимик ҳолати ва энг муҳими наводорлиги юқори бўлган уруғликларнинг экилганлиги каби кўплаб омиллар таъсир кўрсатади. Лекин ҳар қандай белги сингари бир кўсакдаги пахта вазни белгисининг қандай намоён бўлишига қарамасдан, яъни ташқи муҳит омилларининг таъсири қай даражада бўлишидан қатъий назар, агар навининг талаби даражасидаги шароитлар ўз вақтида ва сифатли ҳолда ташкил этилган тақдирда генотипдаги генларнинг назорати остида нав яна ўзига хос бўлган хусусиятларни акс эттираверади. Белгилар кўрсаткичларининг намоён бўлишидаги бундай жараёнлар тегишли адабиётларда ҳам ўз аксини топган [3, 6].

Ғўза ўсимлигининг бошқа белгилари каби бир кўсакдаги пахта вазни кўрсаткичлари ҳам F₁ ўсимликларидан тортиб то нав даражасига етгунча шаклланиб боради. Шаклланиш жара-

ёни тугаб, барқарорлик ҳолатининг фенотипда намоён бўлиши бир неча авлод ўсимликларини кузатиш ва қиёслаш орқали амалга оширилади [1, 2, 5, 7].

Тадқиқот предмети. АТМ-1 ғўза навининг бир кўсакдаги пахта вазни белгиси кўрсаткичларининг 2011-2014 йилларда турлича бўлган тупроқ ва иқлим шароитларида парваришланган популяциялари ўсимликларида акс эттирган маълумотлари мазкур тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқот услуги. Мазкур тадқиқотларни олиб боришда генетиканинг популяцион таҳлил ва қиёслаш, таққослаш услубларидан фойдаланилди. Маълумотларга математик статистик ишлов бериш Б.А.Доспехов услуги бўйича (М. 1985) амалга оширилди.

Таҳлил ва натижалар. Тадқиқот давомиди ўрганилган ғўза нави таҳлилдаги белгисининг турли ҳудудларда намоён этган кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда келтирилган маълумотларни тадқиқ этиш асосида аниқланади:

Жадвал маълумотларига кўра, Республикаимизнинг турли ҳудудларида фаолият юритаётган нав синаш станция ва участкаларида таҳлилдаги АТМ-1 навининг бир кўсакдаги пахта вазни белгиси бўйича юқори маълумотларни Самарқанд, Ғиждувон, Шаҳрисабз ва Хатирчи, паст кўрсаткичларни эса Мингбулоқ, Боғдод ва

АТМ-1 ғўза навининг бир кўсақдаги пахта вазни белгиси кўрсаткичлари

№	Йиллар	Бир кўсақдаги пахта вазни, гр					
		Худудлар	Андоза навлари	Кўрсаткичлар	АТМ-1 нави	Кўрсаткичлар	Андозага нисбатан фарқланиш
1	2	3	4	5	6	7	8
2	2011-2013	Шаҳрихон	Андижон-36	5.8	АТМ-1	5.7	-1
3	2012-2013	Қўрғонтепа	Андижон-36	4.9	АТМ-1	5.3	+0.4
4	2013	Ғиждувон	Бухоро-6	4.0	АТМ-1	5.8	+1.8
5	2012-2014	Жиззах	С-6524	5.4	АТМ-1	5.0	-0.4
6	2012-2014	Шаҳрисабз	Бухоро-6	5.1	АТМ-1	5.8	-0.7
7	2012-2014	Хатирчи	Бухоро-6	5.3	АТМ-1	5.8	+0.5
8	2013-2014	Мингбулоқ	Андижон-36	4.7	АТМ-1	4.9	+0.2
9	2012-2014	Самарқанд	Бухоро-102	5.7	АТМ-1	5.9	+0.2
10	2013-2014	Боёвут	С-6524	5.1	АТМ-1	5.0	-0.1
11	2011-2013	Оқ олтин	С-6524	5.3	АТМ-1	5.0	+0.3
12	2012-2014	Термиз	Наманган-77	5.1	АТМ-1	5.2	+0.1
13	2012-2014	Денов	Наманган-77	5.3	АТМ-1	5.3	00
14	2011-2013	Чиноз	С-6524	4.8	АТМ-1	5.1	+0.3
15	2012-2014	Боғдод	С-6524	5.2	АТМ-1	4.9	-0.3
16	2012-2014	Хива	Хоразм-127	4.6	АТМ-1	4.9	+0.3

Хива туманларида акс эттиргани маълум бўлган. Ушбу белги бўйича синовларнинг натижалари ёритилаётган жадвалдан маълум бўлишича, мазкур ғўза нави парваришланган 15 та худуддан 6 тасида тадқиқ этилаётган нав андоза навларидан кўра юқори ҳосилдорликни акс эттиргани кузатилган бўлиб, яна 9 тасида андозага нисбатан салбий фарқлангани ушбу худудлар учун махсус етиштириш агротехнологияларини ишлаб чиқиш керак экан деган фикрга келишимизга асос бўлади. Гарчи 9 та худудда ҳам кўрсаткичлар андозага нисбатан паст ҳолатни акс эттирган бўлсада, фарқланишларда 0 дан кичик рақамлар кузатилгани мазкур ғўза навининг бир кўсақдаги пахта вазни белгиси кўрсаткичлари ижобий тусда шаклланганини аңлатади.

Хулоса. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шундай хулоса қилишимиз мумкинки, АТМ-

1 ғўза нави бир кўсақдаги пахта вазни белгиси бўйича ижобий тусланувчи ғўза навларидан бири бўлиб, ушбу ғўза навининг кенг майдонларда экилиши юқори ҳосилдорлик учун муҳим аҳамият касб этади. Қолаверса, мазкур навнинг таҳлил этилган белгиси кўрсаткичлари бўйича популяцион таркиби имкониятларидан фойдаланилган ҳолда бир неча авлод ўсимликлари доирасида яккатанлов услубларини қўллаш асосида ҳосилдорлигини янада оширишга эришиш мумкин бўлади.

Байрамбай СЕИТМУСАЕВ,

эркин тадқиқотчи,

Тошкент давлат аграр университети,

Ориф ЭРГАШЕВ,

қ.-х.ф.ф.д., катта илмий ходим,

ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар

экспериментал биологияси институти.

АДАБИЁТЛАР

1. Автономов В.А., Кимсанбаев М.Х. "Наследование числа коробочек и продуктивности хлопко-сырца одного растения у географически отдаленных гибридов $F_1 - F_2$ *G. barbadense* L.". Ж. Аграрные науки Узбекистана. №2 (24), Ташкент, 2005, с.31-37.
2. Автономов В.А., Тангиров З., Каюмов У. "Изменчивость и наследуемость продуктивности хлопко-сырца одного растения у межлинейных гибридов $F_1 - F_2$ хлопчатника". // «Теоретические и практические аспекты развития селекции и семеноводства хлопчатника и люцерны». // Мат. Респ. научно-практ. конф. Ташкент – 2010. с. 123-128.

3. Б. Мамараҳимов “Ўза селекцияси ва уруғчилигида айрим хўжалик белгиларининг ўзаро боғлиқлиги”. «AGRO ILM» журнали, 3[23]-сон, 2012. 8-9-б.

4. Дадажонов Ж.Р., Алиқулов Э.О., Эргашев О.Р. *G. hirsutum* L. турига мансуб тизма ва навларда айрим хўжалик белгилари кўрсаткичларининг таҳлиллари. // Ўзбекистон аграр фани хабарномаси. 5 (83) 2020. 64-65 б.

5. З.Б. Курязов. “Геномлараро дурагайлаш ва F_1 ўсимликларининг ҳосилдорлиги”. // Академик С.С. Содиков таваллудининг 95 йиллигига бағишланган “Ўза ва бошқа қишлоқ хўжалик ўсимликларида тезпишарлик ҳамда мослашувчанликнинг эволюцион ва селекцион қирралари” мавзусидаги Халқаро илмий конференция материаллари тўплами. “ФАН”. Тошкент – 2005. 139-141 б.

6. О.Р. Эргашев “*G. hirsutum* L. турига мансуб янги ўза навида айрим хўжалик белгиларининг бир неча авлодларда фенотипик намоён бўлиши”. Агро илм. Тошкент, 2020. 2 (65) сон, 7-8 бет.

7. О.Р. Эргашев *G. hirsutum* L. тури янги навида хўжалик белгиларининг шаклланиши ва барқарорлашуви. // Ўзбекистон аграр фани хабарномаси. 5 (83) 2020. 73-55 б.

8. Қаҳҳоров И.Т., Эргашев О.Р., Ҳақимов А.Э. “Янги нав – янги хусусиятлар”. «AGRO ILM» журнали, 4[48]-сон, 2017. 8-9-б.

9. Қаҳҳоров И.Т., Эргашев О.Р., Дадажонов Ж.Р., Ҳақимов А.Э., Қодинова М.Р. “Ўзанинг янги ЎзФА-707 нави ва унинг хусусиятлари”. «AGRO ILM» журнали, 3[47]-сон, 2017. 10-11-б.

УЎТ: 579.8:582.288

ТАДҚИҚОТ

ЎРТА ТОЛАЛИ ЎЗА НАВИДА АЙРИМ МОРФО-ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИНИ АНИҚЛАШ

Аннотация. Мақолада Тошкент вилоятининг мавжуд тупроқ-иқлим шароитларида 2022 йилда экиб ўстирилган ўрта толали ўзанинг ЎзФА-711 навида хос бўлган ўсимликларнинг бош поя баланглиги, ҳосил шохлари сони каби морфологик, умумий ва очилган қўсақлари сони сингари хўжалик белгилари кўрсаткичларининг фенотипда намоён бўлишини ўрганиш натижалари ёритилган.

Аннотация. В статье приведены показатели научных исследований, проведенных с целью изучения фенотипического проявления показателей хозяйственных признаков, таких как высота главного стебля, количество урожайных ветвей, количество морфологических, общих и раскрытых коробочек растений Ташкентской области средневолокнистого сорта хлопчатника, выраженных в 2022 году, характерные для сорта УзФА-711.

Annotation. In the existing soil and climatic conditions of the Tashkent region, the results of scientific research conducted to study the phenotypic manifestation of indicators of economic characteristics, such as the height of the main stem, the number of productive branches, the number of morphological, common and open boxes of plants of the Tashkent region of medium-fiber cotton varieties grown in 2022, characteristic of the variety O'zFA-711 are presented.

Кириш. Республикаимизнинг пахтачилик тизимини илмий ва амалий жиҳатдан ривожлантириш борасида шу кунгача жуда катта миқёсда салмоқли ишлар бажарилиб келингани барчамизга маълум. Ушбу жараёнлар мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганидан кейин янада ижобий тус олган бўлса, сўнгги йилларда кўплаб ислохотларнинг

амалга оширилиши билан соҳада бўлаётган ўзгаришлар алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада, хусусан, ҳосилдор, юқори чиқимли ва IV саноат типли тола берувчи ўза навларини яратиш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши тизимига кенг жорий этиш масалалари долзарб вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган.

Таҳлил ва натижалар. Муҳим морфо-хўжалик белгилари кўрсаткичларининг фенотипда намоён бўлишини ўрганиш мақсадида тадқиқ этилаётган ўрта толали ғўзанинг ЎзФА-711 нави бўйича 2022 йилда олинган маълумотлар қуйидаги жадвалларда акс этади:

ЎзФА-711 ғўза навининг айрим морфологик белгилари кўрсаткичлари

№	Навлар	2022 йил					
		Бош поя баландлиги (см)			Ҳосил шохлари сони (дона)		
		X ± m	σ	v	X ± m	σ	v
1	2	3	4	5	6	7	8
2	Наманган-77 (андоза)	117,90±0,73	4,84	4,11	12,10±0,19	1,24	10,21
3	ЎзФА-711	118,70±0,73	4,86	4,09	11,90±0,32	2,14	8,74

1-жадвал.

2-жадвал

ЎзФА-711 ғўза навининг айрим хўжалик белгилари кўрсаткичлари

№	Навлар	2022 йил					
		Умумий қўсақлар сони (дона)			Очилган қўсақлар сони (дона)		
		X ± m	σ	v	X ± m	σ	v
1	2	3	4	5	6	7	8
2	Наманган-77 (андоза)	15,20±0,23	1,50	9,85	10,90±0,16	1,03	9,45
3	ЎзФА-711	15,70±0,23	1,50	9,56	10,96±0,15	0,97	8,88

Бош поя баландлиги ҳар бир навнинг муҳим морфо-хўжалик белгиларидан бири бўлиб, ушбу белгиларнинг кўрсаткичларининг фенотипда бир хил, яъни ўсимликларда бир-бирига яқин кўринишда бўлиши популяциянинг шу жиҳати бўйича генотипда барқарорликка эришганлигини англатади. Айнан ана шу белги кўрсаткичлари бўйича популяциянинг бир хиллиги нав учун патент беришда амалга ошириладиган синов ишларида алоҳида ўрганиладиган хусусият сифатида қаралади. Шунинг учун ҳам ҳар бир нав учун тавсиф бераётганда мазкур белги кўрсаткичлари тўғрисида аниқ кўрсатиб ўтилади [3, 5].

1-жадвал маълумотларига кўра, тадқиқот йилида ЎзФА-711 навининг ўсимликларида бош поя баландлиги белгиси кўрсаткичлари андоза навига нисбатан таққосланганида 0,8 см.га юқори бўлгани аниқланган. Ўрганилган белги бўйича популяциянинг ўзгарувчанлик кўламида

ҳам деярли бир хил маълумотлар акс этган. Ўзгарувчанликнинг бундай ҳолатда намоён бўлиши ушбу янги яратилган ғўза навининг бош пояси баландлиги кўрсаткичлари бўйича андоза нави даражасида шакллантирилганини англатади.

Ҳосил шохларининг сонини аниқлаш мақсадида кўплаб изланишлар амалга оширилган бўлиб, ушбу белги бўйича бизнинг тадқиқотлардан олинган маълумотларнинг 1-жадвалда акс этишича, ЎзФА-711 навининг ушбу белгиси кўрсаткичлари андозадаги “Наманган-77” навига нисбатан 0,5 донага юқори бўлиб, ижобий фарқлангани кузатишган. Белги бўйича популяциянинг ўзгарувчанлик кўлами андозага қиёслаганда 1,47 фоизга паст маълумотларни намоён этган.

2-жадвалда акс этган маълумотларга биноан, ЎзФА-711 навининг умумий қўсақлар сони кўрсаткичлари мазкур тадқиқот йилида “Наманган-77” навига таққослаганда 0,5 донага ижобий фарқланган. Популяциянинг ўзгарувчанлик кўлами эса, андоза билан деярли бир хилда намоён бўлган.

ЎзФА-711 навининг янги дурагайлари яратишда селекциянинг асосий эътибори бўладиган хусусиятлардан бири бу – унинг вегетация даврининг маълум бир пайтида қўсақларининг очилиши фоизидир. Чунки ғўза навларининг ишлаб чиқариш тизимида деҳқонлар учун энг қизиқарли жиҳатлардан бири бу тезпишарлик хусусиятидир. Агар ҳосил қанчалик даражада юқори бўлмасин, унинг пишиб етилиши кеч кузда кузатиладиган совуқ ва ёғин-сочинли кунларга қолиб кетса, унинг сифат кўрсаткичлари кескин даражада тушиб кетиши барчага маълум. ЎзФА-711 бўйича олиб бориладиган тадқиқотларда популяцияларнинг ушбу кўрсаткичларини тадқиқ этишга алоҳида аҳамият қаратилади [1, 2, 4].

2022 йилнинг 20 сентябрь кунини тажриба майдонидан амалга оширилган фенологик кузатув ишларидан олинган маълумотлар (2-жадвал) шуни кўрсатадики, ушбу тадқиқот даврида ЎзФА-711 навининг очилган қўсақлари сони андоза

навиникига қиёслаганда 0,06 дона кўрсаткич билан деярли бир хил, белгининг ўзгарувчанлик кўламида эса 0,57 фоизли маълумот билан ижобий фарқланиш кузатилган.

Хулоса. Юқорида келтирилган маълумотлар таҳлилидан келиб чиқиб шундай хулоса қилишимиз мумкинки, ғўзанинг янги ЎзФА-711 нави нафақат ҳосилдорлиги билан, балки, умумий кўсақларининг етилиши тезлиги билан ҳам андоза навиға нисбатан ижобий фарқланишни фенотипида намоён этган.

Ушбу ғўза навидан келгусидаги генетик-селекцион тадқиқотларга мазкур мақолада ёритилган кўрсаткичлари бўйича андозаға нисбатан ижобий фарқланувчи генотип сифатида бошланғич манбалардан бири сифатида жалб этишға тавсия этилади.

Абдумурод ҲАКИМОВ, кичик илмий ходим,
Ориф ЭРҒАШЕВ, қ.х.ф.ф.д., кат.и.х.,
ЎЗР ФА Генетика ва ўсимликлар
экспериментал биологияси институти.

АДАБИЁТЛАР

1. И.Т. Каххаров. «Корреляция скороспелости с хозяйственно ценными признаками у внутри-видовых географически отдаленных гибридов F_2 хлопчатника *G.hirsutum* L.». // Академик С.С. Содиқов таваллудининг 95 йиллигига бағишланган “Ўза ва бошқа қишлоқ хўжалик ўсимликларида тезпишарликни ҳамда мослашувчанликнинг эволюцион ва селекцион қирралари” мавзусидаги Халқаро илмий конференция материаллари тўплами. “Фан”. Тошкент – 2005. 109-110 б.
2. О. Қўчқоров, Ш. Намозов, Ҳ. Мунасов, А. Муратов, С. Алихўжаева. “Шўрланган ва тоза муҳитда ўрганилган F_1 - F_3 мураккаб дурағайларида тезпишарликнинг ирсийланиши ва ўзгарувчанлиги”. // “Ўза ва бошқа қишлоқ хўжалик ўсимликларида тезпишарликни ҳамда мослашувчанликни эволюцион ва селекцион қирралари” мавзусидаги Халқаро илмий конференция материаллари тўплами. “Фан”. Тошкент – 2005. 53-56-б.
3. О.Р. Эргашев. “Ўзанинг ЎзФА-710 нави”. Рисола. Тошкент – 2020. 4-28-б.
4. С.Ғ. Бобоев, А. Муратов, Ш.Э. Номозов. “Ўзанинг кўп геномли турлараро дурағайларида эртапишарлик белгисининг шаклланиши”. // “Ўза ва бошқа қишлоқ хўжалик ўсимликларида тезпишарлик ҳамда мослашувчанликнинг эволюцион ва селекцион қирралари” мавзусидаги Халқаро илмий конференция материаллари тўплами. “Фан”. Тошкент – 2005. 31-35-б.
5. Қаҳҳоров И.Т. “Ўзанинг истиқболли “Келажак” нави”. // Мат. Респ. научно-практ. конф. Достижения и перспективы экспериментальной биологии растений. Ташкент – 2013. с. 81-83.

УЎТ: 633.511:633.34:631.82:631.559

ТАДҚИҚОТ

АЛМАШЛАБ ЭКИШНИНГ СОЯ:ЎЗА (1:2) ТИЗИМИДА АСОСИЙ ЭКИН СОЯДАН СЎНГ ПАРВАРИШЛАНГАН ОРАЛИҚ ЭКИНЛАР ҲАМДА МАЪДАН ЎҒИТЛАР МЕЪЁРЛАРИНИНГ ЎЗА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ

Аннотация. Мақолада Жиззах вилоятининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида 1:2, соя-ғўза қисқа навбатли алмашлаб экиш тизимларида оралиқ экин сифатида парваришланган эспарцет ва клевер экинларини тритикале билан икки ва уч компонентли аралашмалари ва маъдан ўғитлар меъёрларининг ғўза ҳосилдорлигига таъсири бўйича тадқиқот натижалари баён этилган.

Аннотация. В статье приведены результаты исследований, где изучено влияние промежуточных культур двух- и трехкомпонентных смесей эспарцета с клевером и тритикале в системе короткого чередования сои и хлопка 1:2, и нормы минеральных удобрений на урожайность хлопка в условиях лугово-сероземных почв Джизакской области.

Annotation. The article presents the results of researches, where the influence of intercrops of two- and three-component mixtures of sainfoin with clover and triticale in the system of short alternation of soybean and cotton 1:2, and norms of mineral fertilisers on cotton yield in conditions of meadow-serozem soils of Jizzak region is studied.

Республикаимиз қишлоқ хўжалигида ғўза ҳамда ғалла асосий экинлардан бўлиб, сўнгги йилларда асосий экин сифатида майдони кенгаётган соя экини билан алмашлаб экиш тизимларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Албатта, кўп йиллик тадқиқотларда асосий экинга экилган соянинг ҳам аҳамияти муайян даражада илмий асосланган. Бироқ, бугунги кунда тупроқ унумдорлиги ва ғўза ҳосилдорлигини оширишда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар алмашлаб экиш тизимларини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Ф.Намозов, Д.Исмаилов [1] ларнинг Қорақалпоғистон Республикасининг шўр тупроқ шароитида олиб борган тадқиқот натижаларига кўра, ғўза ҳосилдорлиги кузги буғдойдан сўнг такрорий экин экилмаган назорат вариантга нисбатан такрорий экин экилганда қўшимча ҳосил 1,4-3,4 ц/га, такрорий экинлардан кейин оралиқ сидерат экинлар экилганда 4,1-7,1 қ/га қўшимча пахта ҳосили олишни таъминлайди. Такрорий ва оралиқ сидерат экинлардан кейин қўшимча 20 т/га органик ўғит қўллаш ғўза ҳосилдорлигининг янада ортишига замин яратади.

А.А.Иминов [2] нинг таъкидлашича, дуккаклидон экинлари ва аралаш сидерат экинлари (перко, сули, кўк нўхат)дан сўнг икки йил давомида ғўза парваришlash ва ундан кўзланган ҳосилни олиш мумкин. Тадқиқотларда кузги буғдойдан сўнг такрорий ва аралаш сидерат экин сифатида дуккаклидон экинларидан сўнг икки йил давомида ғўза парваришланганда, ғўзанинг “Наврўз” навида такрорий ва сидерат экинлар экилмаган назоратга нисбатан 1-йил 3,2-5,8 ц/га, 2-йил эса 4,1-5,9 ц/га, “Омад” навида эса йилларга тегишлича 3,4-5,7 ва 4,4-6,2 ц/га гача қўшимча пахта ҳосили олишни таъминлаган. Яна бир маълумотда [3] қайд этилишича, оралиқ экинларни сидерат сифатида фойдаланишнинг самарадорлиги оралиқ экинлар турига боғлиқ. Пояси дағал, таркибида озуқа моддалар кам бўлиши унинг таъсири 1-йил камроқ бўлиши, 2-йилда эса юқори бўлиши таъкидланади. Органик массаси озуқа моддалар кўпроқ сақлайдиган экинлар кўк массаси 1-йилнинг ўзидаёқ юқори бўлиб, 2-йилдан камайиб кетиши аниқланган.

Демак, ғўза ҳосилдорлиги кўп жиҳатдан тупроқ унумдорлиги, ўтмишдош экинлар, маъдан ўғитлар меъёри, ғўза нави, етиштириш шароитига боғлиқ ҳолда ўзгаради. Шундай экан, алмашлаб экиш тизимларида асосий экин соядан сўнг парваришланган оралиқ экинлар ҳисобига маъдан ўғитлар самарадорлигини ошириш муҳим масалалардан биридир.

Ана шу мақсадда Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Жиззах илмий-тажриба станцияси ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида 2020-2022 йилларда “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” [4] услубий қўлланмаси асосида тадқиқотлар олиб борилди. Тажрибада белгиланган вазифалардан бири эса асосий экин соядан кейин оралиқ экин экилмаган, тритикале алоҳида, клевер ва эспарцет тритикале билан икки ва аралаш ҳолда уч компонентли аралашмаларини парваришлаб, сидерат сифатида фойдаланиш фонларида маъдан ўғит меъёрларининг ғўза ҳосилдорлигига таъсирини илмий асослаб беришдан иборат. Тажрибада асосий экин соядан сўнг ҳеч қандай оралиқ экин экилмасдан ғўза парваришланган назорат вариантда ўртача 1-йилда 35,7 ц/га, 2-йили 35,3 ц/га ни, ўртача 35,5 ц/га ни ташкил этди.

Оралиқ экинларга тритикале экилган фонда ўғитсиз вариантда пахта ҳосили 1-йили 23,1 ц/га ни, 2-йили эса 20,4 ц/га ни ташкил этди. Бу оралиқ экин тритикаленинг сидерат кўк ўғит сифатида фойдаланишнинг таъсири иккинчи йилга келиб пасайиши кузатилганлигини билдиради. Ушбу фонда маъдан ўғитлар меъёри $N_{120}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрида 1-йил 35,4 ц/га ни ташкил этган бўлса, 2-йили 2,8 ц/га га камайганлиги кузатилиб, бу вариантда ҳам оралиқ экинлар таъсири ҳамда маъдан ўғитларни камайтирилган $N_{120}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрини биринчи йил қўллаш мумкинлиги аниқланди. $N_{180}P_{120}K_{90}$ кг/га маъдан ўғитлар қўлланилган 4-вариантда кузатилиб, мос равишда 39,6; 37,6 ц/га ни ўртача икки йилда 38,6 ц/га ни ташкил этди. Соядан кейин ҳеч қандай оралиқ экин экилмаган 1-вариантга нисбатан 3,1 ц/га, ўғитсиз вариантга нисбатан эса 16,9 ц/га юқори пахта ҳосили олинди. Демак, оралиқ экин

сифатида тритикалени парваришлаб, ундан сўнг ғўзада $N_{180}P_{120}K_{90}$ кг/га маъдан ўғитлар меъёрини икки йил давомида қўллаш ўртача 3,1 ц/га қўшимча ҳосил олишни таъминлади. Оралиқ экин сифатида асосий экин соядан сўнг эспарцет тритикале билан аралаш ҳолда парваришланиб, ундан сўнг ғўзани ўғитсиз парваришланган 5-вариантда 1-йил 24,9 ц/га, 2-йилида бу кўрсаткич 22,4 ц/га га тенг бўлди. $N_{120}P_{90}K_{60}$ кг/га маъдан ўғитлар қўлланилган 6-вариантда йилларга тегишлича 38,0; 35,9 ц/га, ўртача икки йилда 36,9 ц/га ни ташкил этиб, соядан сўнг оралиқ экинлар парваришламасдан ғўза $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га маъдан ўғитлар қўлланилганга нисбатан 1,4 ц/га, ўғитсиз вариантга нисбатан эса 13,3 ц/га юқори ҳосил олинди. Ўғитлар меъёри ортиши билан, албатта, ҳосилдорлик ҳам ортади. $N_{180}P_{120}K_{90}$ кг/га маъдан ўғитлар қўлланилган 7-вариантда пахта ҳосили 41,7; 40,9 ц/га, ўртача 41,3 ц/га ни ташкил этиб, ўғитсиз вариантга нисбатан 17,7 ц/га, асосий экин соядан сўнг оралиқ экин экилмасдан ғўзада $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га маъдан ўғитлар қўлланилганга нисбатан эса 5,8 ц/га юқори ҳосил олинганлиги аниқланди.

Оралиқ экинлар фонида энг юқори кўрсаткич тритикале клевер (қизил себарга) экини билан бирга парваришлангандан сўнг ғўза экилганда оралиқ экин сифатида тритикале клевер билан парваришланиб, ундан сўнг ғўза ўғитсиз парваришланганда икки йилда ўртача 24,8 ц/га, $N_{120}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрида маъдан ўғитлар қўлланилган 9-вариантда 38,6 ц/га, $N_{180}P_{120}K_{90}$ кг/га меъёрида маъдан ўғитлар қўлланилган 10-вариантда эса пахта ҳосили 43,5 ц/га га тенг бўлди. Таъкидлаш керакки, $N_{180}P_{120}K_{90}$ кг/га меъёрида маъдан ўғитлар қўллашда барча оралиқ экинлар фонида юқори натижа қайд этилган.

Асосий экин соядан сўнг оралиқ экин сифатида тритикале билан бирга эспарцет ҳамда клевер экинлари 3 компонентли аралаш ҳолда парваришланган фонда ғўза парваришланган вариантларда клевер тритикале билан бирга парваришланган фонда етиштирилган вариантларга яқин маълумотлар олинди. Унга кўра,

ўғитсиз назорат вариантда ўртача икки йилда 23,8 ц/га ни ташкил этган бўлса, $N_{120}P_{90}K_{60}$ кг/га меъёрида маъдан ўғитлар қўлланилган 12-вариантда йилларга тегишлича 39,0; 36,4 ц/га, ўртача икки йилда 37,7 ц/га ни ташкил этди. $N_{180}P_{120}K_{90}$ кг/га меъёрида маъдан ўғитлар қўлланилган 13-вариантда эса пахта ҳосили 42,7; 42,3 ц/га га ўртача 42,5 ц/га тенг бўлди. Оралиқ экин экилмасдан $N_{200}P_{140}K_{100}$ кг/га меъёрида маъдан ўғит қўлланилганга нисбатан уч компонентли оралиқ экинлар қўлланилган фонда $N_{120}P_{90}K_{60}$ кг/га ва $N_{180}P_{120}K_{90}$ кг/га маъдан ўғитлар меъёрлари билан таққосланганда тегишлича 2,2; 7,0 ц/га қўшимча ҳосил олинди.



	2021 й.	2022 й.		2021-й	2022-й
HCP_{05}	1,20 ц	1,43 ц	$HCP_{05}\%$	1,19 %	4,34 %
$HCP_{05}(A)$	0,69 ц	0,82 ц	$HCP_{05}\%$	0,68 %	2,49 %
$HCP_{05}(B)$	0,61 ц	0,71 ц	$HCP_{05}\%$	0,59 %	2,16 %

1-расм. Соя-ғўза (1:2) алмашлаб экиш тизимида оралиқ экинлар ҳамда маъдан ўғитлар меъёрларининг ғўза ҳосилдорлигига таъсири.

Умуман олганда, олинган маълумотлардан хулоса қилиш мумкинки, асосий экин соядан сўнг оралиқ экинларни парваришлаш ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши оралиқ экин экилмаган фonga нисбатан юқори бўлади. Нисбатан юқори кўрсаткич тритикале билан бирга клевер (қизил себарга) экини экилганда, шу билан бирга, эспарцет билан 3 компонентли аралашмалари самаралироқ натижалар олишга хизмат қилади.

Холмурод БОЗОРОВ, қ.х.ф.ф.д., к.и.х.,
Баходир ХАЛИКОВ, қ.х.ф.д., профессор,
Хурсанбой МАХСАДОВ, қ.х.ф.н., к.и.х.,
 ПСУЕАИТИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Намозов Ф., Исмаилов Д. Такрорий ва оралиқ экинларнинг ғўза ҳосилдорлигига таъсири. // "Агро илм" — "Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги" журналы илмий иловаси. -Тошкент, 2020. -№3 (66). -Б. 18-19.
2. Иминов А.А. Дуккакли-дон экинларининг ғўзадан юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришдаги аҳамияти. // "Тупроқ унумдорлигини ошириш, ғўза ва ғўза мажмуидаги экинларни

парваришlashда манба тежовчи агротехнологияларни амалиётга жорий этишнинг аҳамияти” мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман маърузалари тўплами. Тошкент 2012-йил, 5-6 декабрь. Б. 234-237.

3. Березовский В.Г. Интенсификация хлопковых севооборотов. Монография. Ташкент-1976. 90 ст.

4. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. –Тошкент. ЎзПТИ, 2007.-148 б.

УЎТ: 634.1.03:634.11

ТАДҚИҚОТ

РЕСПУБЛИКАМИЗГА ОЛИБ КЕЛИНГАН ОЛМА НАВЛАРИНИНГ ХЎЖАЛИК-БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Annotation. The article presents data on the study of economic and biological characteristics of new apple varieties obtained from India, including data on fruit ripening, yield, and resistance to various environmental conditions of 13 varieties of apple crop.

Аннотация. В статье приводятся данные по изучению хозяйственно-биологических характеристик новых сортов яблони полученных из Индии. Приведены данные по срокам созревания плодов, урожайности, устойчивости к различным условиям внешней среды 13 сортов яблони.

Кириш. Мевачилик тармоғи республикамизда жадал ривожланаётган соҳалардан биридир. Мева турлари, уларнинг янги навларига бўлган талаб борган сари ортиб бормоқда. Жумладан, экспортбop навларни танлаш, уларни республика тупроқ-иқлим шароитларида синовдан ўтказиш долзарб масала ҳисобланади. Тадқиқотда, биз хориждан олиб келинган олма навларининг хўжалик-биологик хусусиятларини ўрганиб, ишлаб чиқариш учун истиқболли навларни ажратишни таклиф қиляпмиз.

Мевали ўсимликлар орасида олманинг аҳамияти беқиёс бўлиб, турли мамлакатлар олимларининг эътибори бежизга ушбу мева турига қаратилмаган. Хорижда олма навларини ўрганиш, уларни маълум бир хусусияти бўйича тадқиқ қилиш масалаларини жуда чуқур олиб бориш ташкил қилинган [6, 7]. Бизнинг республикамизда ҳам олмани ўрганиш, янги навларини турли тупроқ-иқлим шароитларида синаш ҳамда ишлаб чиқаришга тавсия бериш бўйича қатор ишлар амалга оширилган [1, 2, 5]. Шу билан бирга, охириги йилларда глобал иқлимнинг ўзгариши, қурғоқчиликнинг кенг ёйилиши ва бунинг оқибатида боғларнинг стресс ҳолатига тушиши янги чидамли олма навларини ўрганишни ҳамда улардан ўзгараётган иқлим шароитларига мос бўлганларини танлаб олиш муҳим масала сифатида белгилаб олинди.

Тадқиқотлар Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти янги ташкил қилинган олма боғидан ўтказилиб, унда Ҳиндистондан олиб келинган олма навларининг пайвандлаб кўпайтирилган намуналари ўрганилмоқда. Олма навлари «Ўзбекистон ва Ҳиндистондаги ўсимликлар генетик ресурсларини бойитиш ва тадқиқотчилар илмий салоҳиятини ошириш» ҳамкорлик амалий лойиҳаси доирасида Ҳиндистоннинг шимолидаги Химачал-Прадеш штати пойтахти Шимла шаҳридан келтирилди.

Тадқиқот услуби. Олиб келинган олма навларининг асосий хўжалик-биологик хусусиятлари: меваларни пишиш муддатлари, ҳосилдорлиги ва чидамлилик кўрсаткичларига баҳо берилди. Ишда 1973 ва 1999 йилларда чоп этилган “Мева экинлари навларини ўрганиш услуби ва дастури”дан фойдаланилди [3, 4].

Тадқиқот натижаларига мувофиқ, олманинг Ҳиндистондан олиб келинган навлари, асосан, АҚШ ва Ғарбий Европа навларига оид бўлиб, уларнинг аксарияти кечпишар навлар ҳисобланади. Навлар орасида “Анна” ва “Виста Белла” июль ойида пишадиган бўлса, август ойида пишадиган навлар – “Бенони”, “Эльстар”, “Жоника”, “Каркичу”, “Орегонспур”, “Прима”, “Ред чиф” ва “Ред барон”, сентябрь ойида эса, “Гала Маст”, “Гала Редблум” ва “Махаражи” навлари

Ҳиндистондан олиб келинган олма навларининг ҳўжалик-биологик хусусиятлари.

т/р	Олма навлари номи	Келиб чиқиши	Меваларнинг пишиш муддати	Ҳосилдорлиги, кг/туп	Чидамлилики
1.	Anna / Анна	Исроил	1-15/VII	65-70	Сов.
2.	Benoni / Бенони	Буюк Британия	10-30/VIII	80-85	Қур.
3.	Elstar / Эльстар	Нидерландия	15-30/VIII	83-86	Қур.+Исс.
4.	Gala Mast / Гала Маст	АҚШ	1-10/IX	77-79	К.-парша
5.	Gala Redlum / Гала Редлүм	АҚШ	15-30/IX	94-98	Қур.+Исс.+ Шўр.
6.	Jonica / Жоника	Германия	1-15/VIII	65-68	Қур.
7.	Karkitchoo / Каркичу	Ҳиндистон	15-30/VIII	70-73	Исс.
8.	Maharaji / Махаражи	Ҳиндистон	1-15/IX	56-58	Исс.
9.	Oregon Spur / Орегонспур	АҚШ	15-30/VIII	84-89	Қур.
10.	Prima / Прима	АҚШ	1-15/VIII	76-78	К.-парша
11.	Red Baron / Ред барон	АҚШ	15-30/VIII	107-110	К.-ун шудринг
12.	Red Chief / Ред чиф	АҚШ	1-10/VIII	102-106	Шўр.
13.	Vista Bella / Виста Белла	АҚШ	15-30/VII	70-74	К.-парша

пишиб етилади. Демак, асосан, навларнинг пишиш муддатлари ўртапишар ва кечпишар олма навларига мос келади (жадвал).

Олма навларининг ҳосилдорлиги ишлаб чиқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳар бир тупдан олинган ўртача ҳосил миқдорига қараб, навларнинг у ёки бу даражада маҳсулдорлигига баҳо берган бўламиз. Тадқиқотимизда, биз олма навларини шартли равишда уч гуруҳга ажратдик: биринчи гуруҳга (<70 кг/туп) “Махаражи”, “Анна” ва “Жоника” навлари киритилди, иккинчи гуруҳга (70-90 кг/туп) “Каркичу”, “Виста Белла”, “Прима”, “Гала Маст”, “Бенони”, “Эльстар” ва “Орегонспур” кирди, учинчи гуруҳга (>90 кг/туп) “Гала Редблүм”, “Ред чиф” ва “Ред барон” навлари кирди. Шу билан навларнинг ҳосилдорлик даражасига баҳо берилди. Республикамиз тупроқ-иқлим шароитларида юқори ҳосилдорлик доимий бўлиши учун навларни тўғри танлаш, уларга чангловчи навларни тавсия қилиш ҳам ижобий таъсирини ўтказади.

Янги ўрганилаётган олма навларининг ҳўжалик-биологик хусусиятларига атроф-муҳитнинг абиотик ва биотик омилларига чидамлилиги ҳал қилувчи фактор ҳисобланади. Гап шундаки, глобал иқлим ўзгаришида минтақамиз шароитининг тобора қурғоқчил бўлиб бориши, шунингдек, сув ресурсларининг тақчиллиги қишлоқ ҳўжалиги, хусусан, боғдорчиликка ўзгача назар билан қарашга даъват этмоқда. Шундай ўзгарувчан иқлим шароитида қурғоқчилик,

иссиқлик, касалликларга чидамли олма навларини танлаш долзарб бўлиб, биз тадқиқотда қурғоқчиликка чидамли бўлган навлар – “Бенони”, “Эльстар”, “Гала Редблүм”, “Жоника”, “Орегонспур”ни ажратган бўлсак, навлар орасида парша ва ун-шудринг касалликларига чидамли навлар ҳам ажралиб чиқди. Алоҳида аҳамиятга молик томони, олма навларининг комплекс кўрсаткичларга чидамли бўлганларини ажратиш бўлиб, уларга “Эльстар” ва “Гала Редблүм” навларини мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, хориждан олиб келинган олма навларининг ҳўжалик-биологик хусусиятлари республикаимизнинг марказий минтақалари шароитларига тўлиқ мос келади. Хориждан олиб келинган олма навларини пишиш муддатлари, ҳосилдорлиги ҳамда атроф-муҳитнинг ноқулай шароитларига чидамлилиги бўйича ҳудудлар кесимида жойлаштириш тавсия қилинади.

Юлдаш САИМНАЗАРОВ, б.ф.д., профессор,
Мухаббат ТУРДИЕВА, Bioversity International
минтақавий координатори,

Шухрат АХМЕДОВ, бўлим бошлиғи,

Исломбек АКБАРАЛИЕВ, таянч докторант,

Охунжон ЖўРАЕВ, кат.и.х.,

Саломат АБДУРАМАНОВА, қ.х.ф.ф.д., кат.и.х.,

Мирносир ИСРОИЛОВ, кич.и.х.,

Улуғбек МАМАТОВ, кич.и.х.,

Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик,
узумчилик ва виночилик ИТИ.

АДАБИЁТЛАР

1. Ахмедов Ш.М. Олма навларининг касаллик ва зараркунандалар билан шикастланиш даражасини ўрганиш. // “Аграр фан назарияси ва амалиётидаги долзарб муаммолар ва уларнинг ечимлари” Тошкент давлат аграр университети ташкил этилганлигининг 90 йиллигига бағишланган халқаро конференция материаллари тўплами. – Тошкент, 2020. – Б. 540-542.
2. Байметов К.И., Ахмедов Ш.М. Оценка засухоустойчивости сортов яблони и персика в условиях типичных сероземов Ташкентской области. // “Республикада интенсив боғ ва тоқзорларни ривожлантириш, ҳосилдорлиги ҳамда мева сифатини ошириш омиллари” номли илмий-амалий конференция маърузалар матни. – Тошкент, 2013. – Б. 61-64.
3. Программа и методика сортоизучения плодовых, ягодных и орехоплодных культур. Под ред. Г.А. Лобанова. – Мичуринск, 1973. – С. 23-87.
4. Программа и методика сортоизучения плодовых, ягодных и орехоплодных культур. – Орел: Всерос. научно-иссл. инс. селекции плодовых культур, 1999. – С. 127-149.
5. Шредер Е.А., Ахмедов Ш.М. Новые сорта яблони, выведенные в Узбекистане. // Қишлоқ хўжалик экинлари агробиологияси ютуқлари, муаммолари ва истиқболлари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2015. – Б. 248-249.
6. Van Nocker Steve, Gardiner E Susan (2014). Breeding better cultivars, faster: applications of new technologies for the rapid deployment of superior horticultural tree crops // Horticulture Research 1, 14022; doi:10.1038/hortres.2014.22
7. Washington W.S., Villalta O.N., Ingram J., Bardon D. (1998). Susceptibility of apple cultivars to apple scab and powdery mildew in Victoria, Australia // Australian Journal of Experimental Agriculture. Vol. 38(6), pp. 625–629.

ЎЎТ: 634.11

ТАДҚИҚОТ

ИНТЕНСИВ ОЛМАЗОРЛАРНИНГ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИГИГА КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИ ҲАМДА НАВ-ПАЙВАНДТАГЛАР ВА РЕСУРСТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон аҳолисини сархил ҳўл мевалар билан тўлиқ таъминлаш ҳамда муттасил мўл ва сифатли ҳосил олишда интенсив олмazorлардаги дарахтларнинг кўчат қалинлиги, нав-пайвандтаглар ва ресурстежамкор технологияларга боғлиқлиги ўрганилган.

Annotation. In this article, it was studied in order to provide the people of Uzbekistan with fresh fruits as well, in order to obtain a high yield with good qualities in intensive apple trees at various densities of variety-rootstock combinations.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Президент-и Ш.Мирзиёевнинг “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” фармони ва қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликларининг буйруқ ва қарорлари бу муҳим соҳалар ширкатларини фермер хўжаликларга айлантириш, агросаноат фирмалари ва агрокластерларни

ташкил қилиш ва йўлга қўйиш, мева-сабзавотчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш ва ривожлантиришда муҳим ўринга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга оид Ҳаракатлар Стратегиясида “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини изчил ривожлантириш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар

ишлаб чиқишни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш"га алоҳида эътибор берилган.

Замонавий серунум интенсив боғларни яратишда асосий омиллардан бири бу вируссиз, тоза турли илдиз отган қаламчаларни она боғларни яратишда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, муттасил мўл ва сифатли ҳосил берадиган мевали боғлар учун маҳсулдор вегетатив пайвандтагларни қўллаш ҳисобланади. Бунда пайвандтагларнинг биологик хусусиятлари ҳамда уларни турли хил тупроқ-иқлим шароитда парваришлашни ҳисобга олиш ва ишлаб чиқаришга мос келадиган турлари кенг жорий қилиш давр талаби ҳисобланади.

Интенсив мевачилик, шу жумладан, уруғли мевалилар охириги йилларда қишлоқ хўжалик тармоғида энг муҳим ва ўзига хос соҳа ҳисобланади. Интенсив олма навлари, олмazor майдони, ўртача ҳосилдорлиги Бухоро вилояти тупроқ-иқлим шароитида ҳам кескин ошмоқда. Уларни парваришлашнинг ресурсте-жамкор ва истиқболли турлари ҳам атрофлича ўрганилмоқда [1,2,6].

Интенсив (жадаллашган) боғларни барпо қилиш ва ривожлантиришда, биринчидан, олма нави ва унинг пайвандтагларига, олма дарахтларининг шаклига, тана ва шох-шаббасини ихчамлигига, ёруғлик ва фотосинтезни яхшилашга, ресурстежамкор инновацион агротехнологик омилларини қўллашга, мевали дарахтларнинг биологик хусусиятларини эътиборга олиб илмий асосда парвариш қилиш, муттасил мўл ва сифатли ҳосил олишга йўналтириш айна пайтда энг муҳим вазифа ҳамда давр талаби ҳисобланади [3,4,5].

Бухоро вилояти тупроқ-иқлим шароитида ҳам интенсив, мўл ва сифатли ҳосил берадиган боғлар жадаллик билан барпо қилинмоқда. Бу

интенсив олма боғларида ёш мевали дарахтларнинг ўсиши, ривожланиши, ҳосилдорлигининг сифат ва миқдорини ўрганишда сўнгги йилларда кенг тарқалган нав-пайвандтаг комбинациялари, биологик хусусиятларини тўлиқ илмий асосда ўрганиб ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш натижасида юқори самара ва мўл даромад олинмоқда.

Тадқиқот объекти ва услуги. Илмий тадқиқот 2020-2023 йилларда Бухоро тумани "Боғи Калон" МФЙ ҳудудида жойлашган "Сиёвуш Агро" МЧЖ боғдорчилик фермер хўжалигида 52 га майдонда жойлашган олманинг сермаҳсул пакана "Голдспур" нави секин ўсувчи М-9 пайвандтагга уланган дарахтларда ўтқазилмоқда. МЧЖ "Сиёвуш Агро" боғдорчилик фермер хўжалиги тупроғи қадимдан суғориладиган кучсиз шўрланган тоифасига киради, сув сатҳи юзада 0.80 м-1.50 м чуқурликда жойлашган бўлиб, бошқа ҳудудлардан кескин фарқ қилади. Бу тупроқлар механик таркиби бўйича ўртача соз тупроқ ҳисобланади. Суғориладиган дала шароитида тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларида она жинси, рельефи, сизот сувлари каби агроирригацион ётқиқикларнинг йиғилишига бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Бухоро тумани, "Боғи Калон" МФЙ ҳудудида жойлашган "Сиёвуш Агро" МЧЖ боғдорчилик фермер хўжалигида парвариш қилинадиган пакана олма боғларидан олинган тупроқ намуналари "Ўздаверлойиҳа" институти "Бухоро вилоят ер лойиҳа" бўлинмаси лабораториясида агрохимёвий таҳлиллар қилинган ва тупроқларнинг чуқурлиги билан тупроқдаги агрохимёвий хоссаларининг ўзгариши ва чуқурлик ошиши натижасида бир вақтда бу кўрсаткичларнинг ҳам камайиб бориши аниқланган (1-жадвал).

Илдиз жойлашган (0-70 см) қатламда тупроқнинг солиштирма оғирлиги – 2.84 г/см³,

1-жадвал.

Бухоро туман "Боғикалон" МФЙ ҳудудидаги МЧЖ "Сиёвуш Агро" боғдорчилик фермер хўжалиги тупроқларининг агрохимёвий хоссалари таснифи.

Кесма	Чуқур- лиги, см	Ишқорийлик			Cl		SO ₄		Ca		Mg	
		ум.НСО ₃ %,	ум.НСО ₃ мг,	%	мл.экв	%	мл.экв	%	мл.экв	%	мл.экв	%
А	0-32	0.024	0.40	0.018	0.49	0.080	1.67	0.022	1.10	0.005	0.40	
В	32-62	0.038	0.62	0.014	0.39	0.050	1.04	0.016	0.80	0.006	0.49	
С	62-85	0.029	0.48	0.018	0.49	0.051	1.03	0.015	0.75	0.007	0.54	
сизот суви	90см	0.195	3.20	0.175	4.99	0.400	8.33	0.5	7.49	0.012	5.14	
Ер ости суви	10м	0.188	3.08	0.315	8.88	0.340	7.08	0.136	6.29	0.072	5.93	

(0-100 см) қатламда эса – 2.83 г/см³, чекланган дала нам сиғими 0-50 см ли қатламда 21.2%, 0.70 см – 21.1% ва 0-100 см ли қатламда эса 21% ни ташкил қилади. Агрокимёвий тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, яйловли, эски ва янги суғориладиган майдонларда чириндининг миқдори жуда кам бўлади. Тупроқнинг ҳайдалма қатламида чиринди миқдори 0.8-1.4% га, азот 0.06-0.12% га тенг, фосфорнинг ялпи миқдори 0.11-0.18% га ва алмашинувчан калий миқдори эса 1.5-3.0% ни ташкил қилади. 1-жадвалда келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики, Бухоро туман “Боғи Калон” МФЙ ҳудудидаги “СиёвушАгро” боғдорчилик фермер хўжалиги тупроқларининг агрокимёвий хоссалари интенсив боғдорчилик учун мос келади, ўрганилган нав-пайвандтаглар, кўчат қалинлиги мевали дарахтлардан юқори сифатли ҳосил олиш учун барча ресурслар мавжуд ҳисобланади.

“Голдспур” – тез ҳосилга кирадиган олма нави ҳисобланади. 1960 йилда АҚШда “Голден Делишес” нави клонидан олинган. “Голдспур” ўз хусусиятлариға кўра “Голден Делишес” навига деярли ўхшайди. Ҳосилдор, кўчати экилгандан сўнг 2-3 йилда ҳосилга киради. Юқори ҳосил олиш учун унумдор тупроқ ва юқори агротехникани талаб қилади.

Меваси сентябрь ойининг бошида пишади. Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтида ўтказилган тадқиқотлар “Голдспур” нави Тошкент воҳаси тупроқ-иқлим шароитида самарадор, истиқболли нав ҳисобланади. “Голдспур” навини ҳозирда Ўзбекистоннинг қарийб барча вилоятларида экиш тавсия этилган, натижада, муттасил мўл ва сифатли ҳосил олинмоқда.

М-9 пайвандтаг паст бўйли пакана бўлиб, олма дарахтлари учун асосий пайвандтаг ҳисобланади. Мазкур пайвандтагга уланган олма кўчатлари мевали боғларда муттасил мўл ва сифатли ҳосил бериш имкониятига эга ҳисобланади.

М-9 пайвандтаги олма учун 1920 йилда “East Malling” (Англия) илмий-текшириш станцияси томонидан яратилган ва энг кўп миқдорда интенсив олма кўчатзорлари қўлланиладиган пайвандтаг ҳисобланади. Бир неча асрлар давомида ҳозиргача Европада “Paradise” пайвандтагларида фойдаланиб келинган.

М-9 пайвандтаги пайвандтаглар ичида энг кўп фойдаланиладиган пайвандтаг ҳисобланиб, бугунги кунда ҳам катта боғлар айна пайтда ҳам

ушбу пайвандтагда етиштириб келинмоқда. М-9 пайвандтаги турли аҳамияти сифати ва ўсиш хусусиятлари билан бошқа пайвандтаглардан кескин фарқ қилинади. Клонлаштирилган турлари мавжуд. Ушбу пайвандтагнинг энг асосий ва катта камчилиги бу “Бактериал куйиш” касаллигига мойиллиги ва чалиниши ҳисобланади.

2020 йилда пакана олма дарахтининг “Голдспур” нави секин ўсувчи пайвандтагга уланган олмани интенсив боғида қуйидаги тартибда, яъни 4.0х1.0 м, 4.0х1.2 м, 4.0х1.4 м, 4.0х1.6 м, 4.0х1.8 м, 4.0х2.0 м масофада жойлаштирилган ва 1 гектар олма боғида ўртача 1250-2500 дона стандартга тўлиқ жавоб берадиган кўчатлар ўтказилган. Пайвандтаг сифатида эса тажриба олма боғида М-9 секин ва ўрта ўсувчи пайвандтагдан фойдаланилган.

Тажриба боғида олма дарахтларига шох-шаббалари ярим сийраклаштирилган тартибда шакл берилган. Бу интенсив олма боғида пакана олма дарахтлари ресурстежамкор самарали томчилатиб суғориш усулида суғорилади. Тажриба боғида кун оралаб томчилатиб суғориш усулида олма дарахтлари резина қувурлари орқали суғорилади. Пировард натижада эса сув сарфи 2-3 маротаба тежалди. Паст бўйли секин ўсувчи пайвандтагга уланган олма навларида ассимиляция жараёнида ҳосил бўлган мева куртаклар ҳосилини шакллантириш учун унумли фойдаланади, натижада, муттасил мўл ва сифатли ҳосил олиш учун шароит яратилади. Мевали дарахтларнинг ўсув давомида пакана олма дарахтларини қатор оралари бегона ўтлардан тозаланиб, йил давомида азотли ўғитлар – 250 кг/га, фосфорли ўғитлар – 180 кг/га ва калийли ўғитлар эса 45-60 кг/га меъёрда соф ҳолда сувда эритиб томчилатиб суғориш орқали берилади, бу усул дарахтларнинг яхши ўсиши ва мева беришига имкон беради.

Тадқиқот натижалари. Бухоро вилояти Бухоро тумани “Боғи Калон” МФЙ ҳудудида жойлашган “Сиёвуш Агро” МЧЖ боғдорчилик фермер хўжалигидаги пакана интенсив боғида олма дарахтларини ўзига хос биологик хусусиятлари, ривожланиши, ҳосилдорлик ва унинг сифатиға кўчат қалинлиги, нав-пайвандтаглар комбинация хусусиятлари таъсирини илмий тадқиқот ва синов натижаларида ўрганиб келинмоқда. Мазкур ишларда пакана олма дарахтларининг ёруғлик, барг сатҳи ва фотосинтез маҳсулдорлиги каби кўрсаткичларининг ўсиши ва пировард на-

тижада яхшиланиш ҳолатлари қайд этилган. Олиб борилган тадқиқотлар пакана олма нави “Голдспур” танаси ва шох-шабба жойлашган қисмларида 2020 йилда ёруғликнинг энг юқори кўрсаткичлари қайд этилган. 2021 йилда эса пакана олма дарахтларини мақбул ўсиши ва ривожланиши ҳамда дарахтлар ҳажмининг ўсиши натижасида ёруғлик кўрсаткичларининг камайиши пакана олма навида мақбул ўсиши ва ҳосил элементларининг шаклланишига сезиларли даражада таъсир қилмаган. 2022-2023 йилларда ҳам тажриба ва синов ўтказилган пакана олма боғида дарахтларининг ўсиши, ривожланиши, гуллаши, мева элементларининг шаклланишига ҳамда мева сифатига деярли таъсир қилмаган ва пировард натижада эса пакана олма боғида мева етиштиришнинг самарадорлик кўрсаткичлари юқори бўлган.

Бухоро тумани “Боғи Калон” МФЙ ҳудудида жойлашган “Сиёвуш Агро” МЧЖ боғдорчилик фермер хўжалигида 2022 йилда барча ресурсте-жамкор инновацион агротехнологик омилларни тўлиқ ва сифатли қўллаш, пакана “Голдспур” олма нави дарахтларини зарарли организм-лардан тўлиқ ҳимоя қилиш каби агротехнологик чора-тадбирларни бевосита мазкур фермер хўжалигини агрономлари билан ҳамкорликда ўз вақтида бажарилди ва натижада пакана олма боғларидан муттасил мўл ва сифатли ҳосил етиштирилади, самарадорлик эса пировард натижада кескин ошади.

2023 йилда мазкур боғдорчилик фермер хўжалигида пакана олма дарахтларини юқори

даражада ресурстежамкор инновацион агро-технологиялар асосида парвариш қилинганлиги, биологик хусусиятларининг тўлиқ ҳисобга олиниши, мос келадиган қулай нав-пайвандтаг комбинациялари ҳамда мос кўчат қалинлигини танлаб олиш, пировард натижада уч йиллик пакана олманинг “Голдспур” нав дарахтлари шох-шаббасининг тўғри танага жойлашганлиги туфайли ёруғлик кўрсаткичлари барча тана қисмларида юқори бўлди. 2023 йил август охири сентябр охири бошида бир дона пакана олма дарахтидан ўртача 1,5-8,0 кг сифатли ҳосил олинди ва бир гектар ҳисобига эса ҳосилдорлик 37,5-200,0 ц/га ни ташкил қилди ва мевали боғларда эса мева етиштиришни самарадорлиги кескин ошди.

Хулоса. 2020-2023 йиллар давомида ўтказилаётган илмий тадқиқот ва синов натижа-лари шундан дарак берадики, пакана “Голдспур” олма нави шох-шаббалари оптимал ҳажмда шаклланиши натижасида ёруғлик кўрсаткичлари интенсив пакана олма дарахтларининг ўсиш ва ривожланиши учун қулай бўлди, олма шох-шаббаларини илмий асосда кесиш, олма дарахтига тўғри шакл бериши натижасида да-рахтларнинг фитометрик кўрсаткичлари ҳамда биологик хусусиятларини яхшилашга келтирди, пировард натижада пакана олма дарахтининг маҳсулдорлигининг кескин ошиши ва мўл бўлишига сабаб бўлди.

Рустам ЮНУСОВ, қ.х.ф.н., профессор,
Феруза ГАНИЕВА, катта ўқитувчи,
Бухоро давлат университети.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Респу-бликасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.
2. Арипов А.У., Арипов А.А. Уруғли интенсив мева боғлари. Тошкент. Шарқ, 2013, 40-87-бетлар.
3. Юнусов Р., Ганиева Ф.А. Рост развитие вегетативно-размножаемых подвоев яблони в за-висимости от плотности посадки. Электронный журнал, «Столица науки», март, 3(30) с.
4. Юнусов Р. ва бошқалар. Боғдорчилик. Миллий файласуфлар жамияти нашриёти, Т. 2016, 187 бет.
5. Юнусов Р., Ганиева Ф.А. Бухоро воҳаси шароитида олма дарахтларини ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигининг кесиш усуллари ва даражаларига боғлиқлиги. Хоразм Маъmun академияси хабарномаси, 2021, 1. (70), 1446.
6. F.Ganieva, R.Yunusov // Economical innovative basis for the care of intensive stunted apple varieties-//ajmr - Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR)
7. F.Ganieva, R.Yunusov - // Studying the different formations of apple trees in intensive orchards // European Journal of Agricultural and Rural Education, 2021

ANDIJON VILOYATI SHAROITIDA AMARANT O'SIMLIGI ZARARKUNANDALARINING TARQALISH DARAJASI

Annatsiya. Hozirgi kunda jahon bozorida dorivor o'simliklarga bo'lgan talab kundan-kunga ortib bormoqda. Andijon viloyati sharoitida ham dorivor o'simliklarni yetishtirish va Respublika bo'ylab ommalashtirish ishlari olib borilmoqda. Ushbu maqolada 2021-2023 yillarda Marhamat tumanida amarant o'simligini yetishtirish davomida uchragan zararkunandalarning turlarini aniqlash bilan bog'liq ilmiy tajribalarimiz natijalari haqida ma'lumotlar keltirilgan.

Аннотация. В настоящее время спрос на лекарственные растения на мировом рынке растет день ото дня. В условиях Андижанской области также ведется работа по выращиванию и популяризации лекарственных растений по всей Республике. В этой статье представлена информация о результатах наших научных экспериментов, связанных с выявлением видов вредителей, с которыми мы столкнулись во время выращивания амаранта в районе Мархамат в 2021-2023 годах.

Annotation. Currently, the demand for medicinal plants on the world market is growing day by day. In the conditions of the Andijan region, work is also underway on the cultivation and popularization of medicinal plants throughout the republic. This article presents information about the results of our scientific experiments related to the identification of pest species that we encountered during the cultivation of amaranth in the Marhamat area in 2021-2023.

Kirish. Ma'lumki, amarant o'simligi XX asrning eng qimmatli o'simligi hisoblanib, ozuqa miqdorining yuqori darajadali BMT ekspertlari va olimlari tomonidan tan olingan. Amarant istiqbolli ekin bo'lib, u dunyo aholisining asosiy oziq-ovqat manbaini tashkil etadigan o'simliklar qatoriga kiradi. Hozirgi kunda amarant Hindiston va Xitoyda keng tarqalgan, Janubi-Sharqiy Osiyo, Afrika va Yevropa mamlakatlarida ham yetishtiriladi [1].

Amarant o'simligi — qimmatli ekin bo'lib, don, sabzavot, yem-xashak, dekoratsiya va texnik maqsadlarda foydalanish mumkin [2]. Amarant doni tarkibida pektinlar mavjud bo'lib, ular erimaydigan protepektinni saqlaydi. Ushbu moddalar sanoatda jele ishlab chiqarish uchun hamda tibbiyotda tanadan metallar va radionuklidlarni chiqarib tashlash uchun ishlatiladi. Amarantning yer ustki qismida 10% pektin mavjud bo'lib, tuzilishi jihatidan olma pektinlariga yaqindir. Amarant o'simligida bir qancha vitamin manbalari uchrab, barglari alohida qiymatga ega hisoblanib, A, B, C vitaminlari (shuningdek oqsil va uglevodlar) boshqa o'simliklarga qaraganda ko'proqdir. Olimlarning tajribalariga ko'ra, amarantning turli shakllarida askorbin kislotasining tarkibi har xil bo'lishi o'rganilgan. Ayrimlarida 21 mg, ikkinchisida 70 mg, ya'ni bir xil emasligini ko'rsatadi. Quruq modda tarkibida askorbin kislota miqdori 443 mg. ga yetadi. SHunday qilib, ushbu ko'rsatkich bo'yicha u oq karam, yangi kartoshka, piyoz, olma va limonga

yaqindir [3].

Amarant o'simligi nihoyatda har qanday ob-havoga chidamli o'simlik bo'lib, u qurg'oqchilik va kuchli yog'ingarchiliklarga, kuchli shamollarga va, hatto, yengil sovuqlarga ham bardosh bera oladi. Bu, ayniqsa, sifatli oziq-ovqat yoki chorvachilik uchun ozuqa ishlab chiqarishda yaxshi daromad keltiradigan yuqori mahsuldor ekin. Ammo u ham barcha o'simliklar singari zararkunandalar xurujlariga moyil o'simlikdir.

Bugungi kunda amarant o'simligi zararkunandalardan to'liq nobud bo'lishi hech qaysi adabiyotlarda qayd etilmagan bo'lsa-da, ammo zararkunandalar amarant doni (yoki universal) va yem-xashak uchun o'stirilgan amarant hosil miqdorining keskin darajada kamayishiga olib keladi [4].

Zararkunanda hasharotlar amarant barglari va doniga ko'p miqdorda zarar yetkazadi. Ularning eng kuchli zararlash darajasi o'simlikning vegetatsiya davrida hisoblanadi. Yevropalik olimlarning tadqiqotlariga ko'ra hosili pishgan amarant uchun barcha zararkunandalar unchalik xavfli emas va odatda, hosilning 10% dan ko'p bo'lmagan miqdorini nobud bo'lishiga olib kelishi mumkin. Shu bilan birga, amarant o'sishi davrida ko'plab zararkunandalar bilan zararlanganda o'simlikning 40 foizigacha nobud bo'lishiga olib keladi [5].

Tadqiqot tahlili va natijalari. Andijon viloyatining

Marhamat tumanida 2021-2023 yillarda olib borgan ilmiy tadqiqotlarimiz natijalariga ko'ra, 1 ta sinf, 4 ta turkum 9 ta oilaga mansub 10 turdagi zararkunandalar uchrashi qayd etildi (1-jadval).

Tadqiqotlarda davomida Andijon viloyati sharoitida Tengqanotlilar (*Homoptera*) turkumi, *Aphidae* oilasiga mansub 2 tur lavlagi shirasi (*A.fabae*) va akatsiya shirasi (*A. craccivora*) turlari aniqlanib, ularning zarari kam zararli deb belgilandi.

Qattiqqanotlilar (*Coleoptera*) turkumiga mansub 4 ta oilaga oid 5 turdagi hasharotlar, ya'ni *Chrysomelidae* oilasiga mansub lavlagi burgasi (*Chaetocnema concinna* Marsh), *Curculionidae* oilasiga mansub lavlagi poya uzunburuni (*Lixus subtilis*), lavlagi oddiy uzunburuni (*A. punctiventris*), *Scarabaeidae* oilasiga mansub yashil bronza qo'ng'izi (*P. marginicollis*), *Cetoniidae* oilasiga mansub Cho'tir bronza qo'ng'izi (*O.cinctella*) tur hasharotlari uchrashi aniqlandi.

Qattiqqanotlilar turkumi vakillariga mansub lavlagi burgasi *Ch.concinna*, lavlagi poya uzunburuni (*Lixus subtilis*) hamda lavlagi oddiy uzunburuni (*A. punctiventris*)larning zarari yuqori deb topildi. *Scarabaeidae* oilasiga mansub yashil bronza qo'ng'izi (*P. marginicollis*), *Cetoniidae* oilasiga mansub Olyonka ryabaya (*O. funesta*)ning zarari kam tarqalgan deb baholandi.

Tangacha qanotlilar (*Lepidoptera*) turkumi 1 ta oilaga mansub 1 turdagi hasharotlar ya'ni *Pyraustidae* oilasiga mansub o'tloq kuyasi (*L.sticticalis*) uchrashi qayd etildi va uning zarari o'rtacha deb belgilandi.

To'g'riqanotlilar (*Orthoptera*) turkumi 3 ta oilaga mansub 3 turdagi hasharotlar aniqlandi, ya'ni *Gryllidae* oilasiga mansub dala chirildog'i (*G. campestris*), *Tettigoniidae* oilasiga mansub yashil termichak (*T.viridissima*) *Acridoidae* oilasiga mansub marokash chigirtkasi (*D. maroccanus*)

aniqlandi. Shuningdek tajriba maydonida marokash chigirtkasining (*D. maroccanus*) to'da hosil qilmaydigan shakli uchragani va uning zarari ko'p ekanligi qayd etildi. Dala chirildoqlar (*G. campestris*), hamda yashil termichak (*T.viridissima*) ning zararlash darajasi o'rtacha ekanligi tadqiqotlarimizda qayd etildi.

Xulosa. Umumiy xulosalarga ko'ra, lavlagi burgasi (*Ch.concinna*), lavlagi poya uzunburuni (*L.subtilis*), lavlagi oddiy uzunburuni (*A. punctiventris*) 1-jadval.

Amarant zararkunandalarining tur tarkibi, uchrashi, zararlash darajasi va dominant turlari
(Andijon viloyati, Marhamat tumani, 2021-2023 yy.).

№	Zararkunandalarning nomi	Uchrash darajasi*
1	Lavlagi shirasi (<i>Aphis fabae</i>)	++
2	Lavlagi burgasi (<i>Chaetocnema concinna</i> Marsh)	+++
3	Lavlagi poya uzunburuni (<i>Lixus (Phyllixus) subtilis</i>)	+++
4	Lavlagi oddiy uzunburuni (<i>Asproparthenis punctiventris</i> Germ)	+++
5	Yashil bronza qo'ng'izi (<i>Potosia marginicollis</i>)	+
6	Cho'tir bronza qo'ng'izi (<i>Oxythyrea cinctella</i>)	+
7	O'tloq kuyasi (<i>Loxostege sticticalis</i>)	++
8	Dala chirildog'i (<i>Gryllus campestris</i>)	++
9	Yashil termichak (<i>Tettigonia viridissima</i>)	++
10	Marokash chigirtkasi (<i>Dociostaurus maroccanus</i> Thunb.)	+++

*Izoh: +++ ko'p, ++ o'rtacha, + kam tarqalgan.

punctiventris) va marokash chigirtkasining to'da hosil qilmaydigan shakli (*D. maroccanus*) dominant tur ekanligi qayd etildi. Lavlagi shirasi (*A.fabae*), o'tloq kuyasi (*L. sticticalis*), dala chirildog'i (*G. campestris*) va yashil termichak (*T.viridissima*) ning zarari o'rtacha ekanligi qayd etildi. Amarant o'simligida yashil bronza qo'ng'izi (*P.marginicollis*) va cho'tir bronza qo'ng'izi (*O.cinctella*) ning zarari kam ekanligi aniqlandi.

Shahodatxon SAIDGANIYEVA,

Andijon qishloq xo'jaligi va agrotexnologiyalar instituti doktoranti,

Nodirbek TUFLIYEV,

O'simliklar karantini va himoyasi ilmiy-tadqiqot instituti laboratoriya mudiri, q.x.f.d., professor.

ADABIYOTLAR

1. Кононков П. Ф., Сергеева В. А. Амарант - ценная овощная и кормовая культура много-планового использования // АБУ.. 2011. №4.
2. Железнов А.В., Железнова Н.Б., Бурмакина Н.В., Юдина Р.С. Амарант: научные основы интродукции. Новосибирск, 2009 г., Стр. 236.
3. Железнов А.В. Амарант – хлеб зрелище и лекарство. Химия и жизнь. № 6 2005 г., Стр. 57.

4. Nodirbek, T., & Kizi, S. S. T. Cultivation of the medicinal plant amaranth and its entomofauna. Universum: ximiya i biologiya, 2022 y. (11-2 (89)), 70-73.

5. Saidganiyeva S. T. Amarant o'simligini zararkunandalar bilan zararlanishi // International conference on learning and teaching. 2022 y. – T. 1. №. 8. P. 325-328.

УЎТ: 634.11

ТАДҚИҚОТ

СИБИР ОСЕТР (*ACIPENSER BAERII*) БАЛИҚЛАРИНИНГ ЎСИШИДА ПРОБИОТИКЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Аннотация. Ушбу мақолада Сибир осетр (*Acipenser baerii*) балиқлари оқар сув бассейнларида ўстирилганда уларнинг озукасига пробиотик қўшимчасини қўшиш орқали балиқларнинг ўсишига таъсири ўрганилди.

Аннотация. В данной статье обобщены данные исследований о влиянии пробиотических добавок на рост сибирского осетра (*Acipenser baerii*) выращенного в проточных бассейнах.

Annotation. In this article, the effect of probiotic supplementation on the growth of Siberian sturgeon (*Acipenser baerii*) in flow-through systems was investigated.

Кириш. Маълумки, республикамизда балиқчилик тармоғи истиқболли соҳалар қаторидан ўрин олган. Бугунги кунда балиқчилик тармоғига давлат томонидан қўллаб-имкониятлар яратилиб берилмоқда ва фермерлар фаолияти қўллаб-қувватланмоқда.

Бунинг натижасида республикамизда балиқ ишлаб чиқариш ҳажми кундан-кунга ошиб, аквакультурада етиштириладиган балиқ турлари ҳам қўпайиб бормоқда. Шулар қаторига мамлакатимиз учун янги истиқболли аквакультура объекти ҳисобланган Сибир осетр (*Acipenser baerii*) балиқларин келтириш мумкин.

Аквакультурада балиқ тан нархини 50-60 фоизини озукага бўлган харажатлар ташкил этади. Дунёдаги сўнгги геосиёсий вазиятлар, қиймат занжирида логистика муаммоларини келтириб чиқармоқда. Натижада, маҳаллий ем ишлаб чиқарувчилар ва етказиб берувчиларни қийин аҳволга солиб қўйди. Бунинг натижасида балиқ озукаси нархи кўтарилишига ва бу эса, ўз навбатида, ички бозордаги балиқ нархининг ошишига сабаб бўлмоқда.

Юқоридагиларни инобатга олиб, мазкур тадқиқотларимизда биз 2022 йилда Балиқчилик илмий-тадқиқот институтида сунъий урчирилган ва бугунги кунда бир ёшли бўлган осетр (*Acipenser baerii*) балиқларни озиклантиришда пробиотикларнинг таъсирини текшириб кўришни режалаштирганмиз. Тадқиқот гипотезаси бу Тош-

кент вилояти Янгийўл шароитининг оқар сув бассейнларида осетр (*Acipenser baerii*) балиқлари пробиотик қўшимчаси билан озиклантирилганда ижобий ўсиш темпини кузатиш.

Тадқиқот услуги. Мазкур тажрибалар Балиқчилик илмий-тадқиқот институтининг оқар сув бассейнларида амалга оширилди. Бассейнлар ўлчами 1.5х8х1.2. Ҳар бир бассейнга 14 донадан 1 ёшли сибир осетр (*Acipenser baerii*) балиқлари солинди. Балиқларнинг ўртача оғирлиги 59 гр.дан 305 граммгача. Балиқларни озиклантириш учун маҳаллий ем ишлаб чиқарувчи корхона томонидан тайёрланган грануланган емлардан фойдаланилди.

Влажность – 7.45%

Сырой жир – 7.56%

Сырой протеин – 27.95%

Сырая клеатка – 3.77%

Сырая зола – 9.26%

Натрий – 0.45%

Кальций – 0.84%

Фосфор – 0.97%

Кунлик озиклантириш миқдори бассейндаги балиқларнинг умумий биомассасидан 3% ни ташкил этди. Балиқлар бир кунда уч маҳал (8:00, 13:00, 18:00) да тенг миқдорда берилди.

Тадқиқот давомида балиқлар 4 гуруҳга бўлинди.

А. – Назорат гуруҳи. Пробиотик қўшилмаган


В. – Ҳар 4-кунда озукага пробиотик қўшилди.

С. – Ҳар 8-кунда озукага пробиотик қўшилди.
 D. – Ҳар 12-кунда озукага пробиотик қўшилди.
 Бериладиган пробиотик озуканинг 1% миқдорида бўлди. Пробиотик керакли миқдорда ўлчаб олинди ва 5 мл шприцда сувга аралаштирилиб, сўнг грануланган ем устига сепилди ва шу ҳолатда 15 минут хона 27-30°C ҳароратида сақланди. Шундан сўнг ем тегишли бассейндаги балиқларга берилди.

Бассейндаги сувнинг гидрохимёвий кўрсаткичлари қуйидаги ҳолатда деярли ўзгармасдан сақланиб турди.

Таҳлил ва натижалар. Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, осетр балиқларининг озукасига пробиотик қўшиб ўстириш ижобий натижа берди.

А назорат гуруҳида балиқларнинг умумий биомассаси 489 гр.га ортган. Бу давр ичида D гуруҳидаги балиқларнинг умумий биомассаси 1108 гр.га ўсган. В ва С гуруҳидаги балиқларнинг ўсиш кўрсаткичлари ўртасида катта фарқ сезилмади. Бунда В гуруҳида 633 гр ва С гуруҳида 623 гр умумий биомасса орттирган.



Балиқларнинг ўртача индивидуал ўсиши ҳам D гуруҳида кузатилди, яъни ҳар 12 кунда

балиқлар озукасига пробиотиклар қўшиб бериш энг яхши натижани кўрсатди. Бунда D гуруҳидаги балиқларнинг ўртатча индивидуал вазн олиши 79 граммни ташкил этди.

А гуруҳидаги балиқлар, яъни балиқлар озукасига пробиотик қўшимчасини қўшмасдан озиклантириш тажрибадаги энг паст ўсиш кўрсаткичига эришди. Бунда А гуруҳидаги балиқларнинг ўртача индивидуал вазн олиши 53 граммни ташкил этди.

Мазкур тажриба бизларга яна бир муҳим янгиликни очиб берди. Маълумки, саноат усулида балиқлар ўстирилганида балиқлар ўртасида тез ўсувчи ва организми нисбатан нимжон бўлгани учун секин ўсувчи балиқлар мавжуд бўлади. Бунда саноат усулида ўстирилганида балиқлар доимий равишда саралаб борилади ва турли оғирликдаги балиқлар гуруҳларга ажратилиб борилади. Бу эса, ўз навбатида, балиқларнинг стресс ҳолатига тушиб қолишига ва саралаш даврида турли ҳил жароҳатларга сабаб бўлади. Бизнинг тажрибамизда балиқлар ўртасидаги энг катта фарқ бу А гуруҳида кузатилди. Бунда тажриба тавомида А гуруҳидаги балиқларнинг энг кичиги 22 граммга ўсган, лекин энг катталари эса 115 граммга ўсган. Мазкур йўналишда энг яхши натижа В ва С гуруҳида кузатилган ва гуруҳдаги энг кичкина балиқлар тегишли равишда 52 ва 58 граммга ўсган.


Бу шундан далолат берадики, балиқларни озукасига пробиотик қўшмасдан озиклантириш балиқлар ўртасида вазн олишда фарқ бўлишига сабаб бўлади. Бунда нисбатан нимжон ва кичик бўлган балиқларга доимий равишда озукани етишмаслиги ва организм учун керакли моддаларнинг танқислиги сабабли нобуд бўлади. Ушбу

Ўрганилган кўрсаткичлар	Балиқчилик учун технологик меъёр	Тажрибадаги бассейнлар
Сув ҳарорати		24,8
pH	7-8	7,6
Кислород (O ₂), мг/л	5-6 мг/л дан паст бўлмаслиги лозим	5,9
Нитритлар (NO ₂), мг/л	0.2 мг/л дан ошмаслиги лозим	0,07
Минерализация	Рухсат этилган чегара 0.3 мг/л	0,37
Умумий қаттиқлик	Мумкин бўлган қийматлар 0.3- 1.0 г/л	7,8
Кальций	Оптимал қийматлар 1.5-7.0 мг-экв/л	78,156
Магний	Норма 40-60 мг/л	47,424
Ишқорийлик	Мумкин бўлган қийматлар -180 мг/л	6,2
Хлоридлар	30 мг/л дан кўп эмас	67
Аммоний азот	1.5-3.0 мг-экв/л	4,0
Аммиак	Норма 25-30 мг/л	0,2152

тажрибада ҳам худди шундай бўлди. А гуруҳида тажриба давомиди 1 дон балиқ нобуд бўлди. Бошқа гуруҳларда бундай ҳолат кузатилмади.

Тадқиқот давомиди пробиотик қўшимчасини қўшган ҳолда балиқларни озиклантириш гуруҳидаги энг кичик балиқларни ҳам ўта фаол бўлишига ва озукани талашиб-тортишиб истеъмол қилиши кузатилди.

Тажрибанинг мазкур натижаси бизнинг аввалги тадқиқотлар натижаси билан мос келади. Яъни мазкур лойиҳа доирасида олиб борилган барча тажрибаларда балиқларни озиклантиришда пробиотиклардан фойдаланилганда балиқлар жуда фаол бўлиши кузатилган.



Балиқчиликда яна бир муҳим йўналиш бу озук бирлиги. Яъни 1 кг тирик биомасса олиш учун қанча озук сарфлаш. Бунда озук бирлиги қанча юқори бўлса, самарадорлик шунча паст бўлади. Бизнинг тадқиқотларимизда

энг ёмон кўрсаткич А гуруҳида бўлди. Ушбу гуруҳдаги балиқлар 1 кг тирик вазн олиш учун 9.6 кг ем сарфлаган. Энг яхши кўрсаткич С ва D гуруҳларида бўлиб, уларда озук бирлиги 4.5 ва 4.4 ни ташкил этди.

Албатта, ушбу кўрсаткичлар мукамал кўрсаткичлардан юқори. Лекин биз ушбу тадқиқотда осетр балиқлари учун мўлжалланмаган оддий емларга пробиотик қўшиш орқали унинг самарадорлигини деярли 2 баробарга ошириш мумкин эканлигини аниқладик.

Хулоса. Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин.

1. Осетр (*Acipenser baerii*) балиқларининг ўсишида пробиотикларни қўллаш ижобий натижа беради.

2. Балиқларни ўстиришда ҳар 10-12-кунда бир кун давомиди кунлик рационга пробиотик қўшиб бериш балиқларнинг ўсишига яхши таъсир этади.

3. Осетр учун мўлжалланмаган емларга пробиотик қўшиш орқали емлардан 2 баробар самарали фойдаланишга эришиш мумкин.

4. Пробиотик қўшилган емлардан озиклантирилган балиқлар фаол бўлади, озукани талашиб-тортишиб истеъмол қилади ва балиқлар орасида вазн олиши бўйича тафовут камаяди.

Абдулла ҚУРБОНОВ,

PhD, катта илмий ходим,

Балиқчилик илмий-тадқиқот институти.

УЎТ: 651.12

ТАДҚИҚОТ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА СУВДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация. Мақолада қишлоқ хўжалигида сувдан оқилон фойдаланишнинг амалий жиҳатлари ёритилиб, муаллиф томонидан мавжуд айрим муаммолар кўтарилган.

Калим сўзлар: сув, сувдан оқилон фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги, деҳқон (фермер) хўжаликлари, аграр соҳа.

Annotation. In the article, the practical aspects of the rational use of water in agriculture are highlighted, and some problems are raised by the author.

Key words: water, rational use of water, agriculture, peasant farms, agrarian sector.

Республикамиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайдиган ва қишлоқ аҳолисининг ҳаётини яхшилаш учун ижтимоий шарт-шароитлар яратадиган қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш Ўзбекистон Республикасида ўтказилаётган аграр ислохотларнинг бош мақсади ҳисобланади. Ушбу

мақсадга эришиш учун қишлоқ аҳолисига улар колхоз ва совхозларни қайта ташкил этишда олган ер ва мулккий пайларни мустақил тасарруф этиши ҳуқуқи берилди.

Сувдан оқилон фойдаланиш маданияти умумбашарий муаммо сифатида қолмоқда. Маълумки, Ўзбекистон сув ресурслари захираси

нуқтаи назаридан Марказий Осиё минтақасида етакчи ўринлардан бирида туради. Шунга қарамай, кейинги йилларда сув таъминоти даражасининг пасайиши юз бермоқда. Шунингдек, кўплаб деҳқон (фермер) хўжаликлари, ёрдамчи хўжаликлар ва ердан фойдаланишни ташкил этишнинг бошқа шакллари ўртасида айрим ҳолларда сувдан нооқилона фойдаланиш кузатишмоқда. [1]

Қуйидагилар юзага келган аҳволнинг асосий ва билвосита сабаблари ҳисобланади:

1. Сув бериш хизматлари учун тўлов ставкасини белгилашда ўзини оқламаган сиёсат олиб борилиши. Электр энергияси нархларининг ўсиб боришини инкор этмаган ҳолда хизматлар учун тўлов ставкасининг ўсиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига сув бериш билан шуғулланадиган ташкилотларнинг молиявий аҳволи билан боғлиқдир деган фикрга қўшилиб бўлмайди.

2. Сув хўжалиги тармоғи хўжалик юритувчи субъект сифатида молиявий барқарор эмаслиги. Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағ жуда кам ва сув хўжалиги ташкилотларининг муаммоларини ҳал этиш умуман олганда сув берилганлиги учун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланадиган хизматларга ҳақ тўлаш даражасига боғлиқдир. Бироқ қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг хизматлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш имконияти ҳамиша ҳам бўлавермайди. Аксар вилоятларда қишлоқ хўжалиги тармоғининг сув хўжалиги ташкилотлари олдидаги қарздорлиги ўсиб борган.

3. Иш ҳақининг нисбатан пастлиги учун мутахассисларнинг сув хўжалигидан кетиб қолиши. Кўпчилик сув хўжалиги ташкилотларида мутахассислар ва юқори малакали ишчилар билан таъминланганлик улар эҳтиёжининг 50-70 фоизини ташкил этади.

4. Сув хўжалиги тармоғининг моддий-техника базаси эскирганлиги. Умуман республика бўйича ирригация тизимларининг фойдали иш коэффициенти 20 йил олдинги ҳолатга қараганда нисбатан ҳозирги вақтда бироқ пастроқдир. Бу юқори босимли қувурлар ва насос ускуналарининг эскириши билан боғлиқдир. Натижада, сув бериш коэффициенти пасаяди. Кўплаб сув хўжалиги ташкилотлари ҳозиргача сув тақсимлагичлар, сувни ҳисобга олиш қурилмалари ва асбоблари билан таъминланма-

ган. Бу истеъмолчиларнинг сув ресурсларидан самарасиз фойдаланишига олиб келади.

Бизнинг фикримизча, аграр қайта ўзгартиришларнинг очиқлиги таъминланмаганлиги ва қишлоқ аҳолисининг аграр ислохотлар мақсадидан беҳабарлиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш самарадорлиги пасайишининг ва қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш хизмати кўрсатиш билан шуғулланувчи ишлаб чиқариш инфратузилмаси тармоқлари, айниқса, мелиоратив-сув хўжалиги тармоғи мавқеи сустлашганининг асосий сабаблари ҳисобланади.

Ислохотлар бошлангандан буён сувдан пулли фойдаланиш жорий этилиши ва сувдан фойдаланиш уюшмалари ташкил этилишидан ташқари, умуман олганда, тармоқ бошқаруви жиддий равишда ўзгармади. Тегишли қарорлар қанузгача мавжуд ва кейинги йилларда кўплаб пайдо бўлаётган сувдан фойдаланувчилар – деҳқон (фермер) хўжаликлари, аҳолининг ёрдамчи хўжаликлари, ижарага олувчилар ва қишлоқ хўжалиги ширкатларининг иштирокисиз давлат сув хўжалиги муассасалари томонидан қабул қилинмоқда. Натижада, сув хўжалигини бошқариш харажатлари сувдан фойдаланувчилар томонидан қопланмайдиган вазият шаклланди. Бундай ҳолат сув ресурсларидан хўжасизлик билан фойдаланишга олиб келди. Ҳозирги вақтда Тошкент вилоятидаги айрим суғориладиган ер кутилган самарани бермайди. Бу сувдан пулли фойдаланиш жорий этилиши муносабати билан алоҳида эътиборни ва сувни кўтариб берадиган насос станциялари ва қудуқларни тиклаш зарурлигини тақозо этади. Аксарият насослар физик эскирганлиги сабабли тўлиқ қувватда фойдаланилмайди. Бу сувни талаб этадиган ҳажмларда ва лойиҳада белгиланган даражада бериш имконини бермайди. Локал ирригация-дренаж тизимларини сувдан фойдаланувчиларга беришда ҳам айрим муаммолар охиригача ҳал этилмаган. Бу сув хўжалигини оқилона ривожлантиришга таъсир кўрсатмоқда.

Сувдан оқилона фойдаланиш, энг аввало, ерни ижарага олувчилар, деҳқон хўжаликлари ва ердан фойдаланишнинг бошқа шакллари ўртасида қайта тақсимлашнинг белгиланган тизимидаги қарама-қаршиликларни бартараф этади.

Кейинги йилларда ернинг мавжуд мелиоратив ҳолатини баҳолаш ва ерости сувларининг

минераллашуви даражасини прогнозлаштириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Бироқ айрим ҳудудларда суғориладиган ерларда ерости сувлари ер юзасидан 1,5-2 метр пастда жойлашган, уларнинг минераллашуви хавфли чегарадан ҳам паст -3,7 г/л. [2]

Бундан ташқари, айрим вилоятларда қишлоқ хўжалиги экинлари унумдорлиги паст бўлган шағалли бўз тупроқда етиштирилади. Ушбу ерлар учун сув истеъмолининг юқори даражаси ва сувнинг филтрланиши хосдир.

Мамлакатимизда 30.11.2021 йилдаги ЎРҚ-733-сон Қонун билан “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Биринчидан, Вазирлар Маҳкамасининг сув муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари кенгайтирилди. Хусусан, бу:

сув хўжалигини ривожлантириш, сувдан оқилон фойдаланиш, сувдан самарали фойдаланиш, сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, сув ва сувдан фойдаланишга доир бошқа дастурларни тасдиқлаш;

сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартибини тасдиқлаш.

Шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг сув муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари қуйидагилар билан тўлдирилди:

сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича аниқ йўналтирилган рўйхатларни шакллантириш ва тасдиқлашда, шунингдек, уларнинг амалга оширилишини назорат қилишда қўмаклашиш;

сув истеъмолчилари уюшмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, суғориш ва коллектор-дренаж тармоқларини таъмирлаш ҳамда тиклаш, томорқа ерларига сув етказиб бериш тадбирларини амалга оширишда қўмаклашиш.

Иккинчидан, сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини

қуйидагилар амалга оширади:

- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;
- Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги;

- Ўзбекистон Республикаси Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги;

- Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси;

- Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

- Сув хўжалиги вазирлиги;

Учинчидан, қуйидагилар билан тўлдирилди:

- сув истеъмолчилари уюшмаларининг фаолиятини молиялаштириш ўз аъзоларининг ҳар йиллик аъзолик бадаллари, шартнома асосида сув етказиб берганлик ва бошқа сув хўжалиги хизматлари учун тўловлар, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобида амалга оширилади;

- сув истеъмолчилари уюшмалари сувдан фойдаланиш қоидалари бузилган, сувдан мақсадсиз фойдаланилган тақдирда, шунингдек, лимитдан ортиқча сув олинган, аъзолик бадаллари, сув етказиб берганлик ва бошқа сув хўжалиги хизматлари учун тўловлар ўз вақтида тўланмаган тақдирда, қонуннинг ҳамда шартнома шартларининг аниқланган бузилишлари бар-тараф этилгунига қадар сув истеъмолчиларига сув етказиб беришни тўхтатишга ҳақли.

Тўртинчидан, аниқлаштирилишича, сув объектлари ёки уларнинг қисмлари сувдан фойдаланиш объектлари бўлиши ва қонунчиликда белгиланган тартибда ДХШ принциплари ҳамда бошқа шартлар асосида фойдаланишга берилиши мумкин, бундан сув омборлари, сел-сув омборлари, шунингдек, йирик ва алоҳида муҳим сув хўжалиги объектлари мустасно.

Бундан ташқари, аҳолида сувдан оқилон фойдаланиш маданиятини янада ривожлантириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Сайфулло АХМЕДОВ,

Тошкент давлат иқтисодий университетининг мустақил тадқиқотчиси, т.ф.н.

АДАБИЁТЛАР

1. Рязанцев С.Н. Средняя Азия. -М.: 1968. стр. 55-58.
2. Юлдашев Х. Мониторинг за водно-солевым режимом орошаемой зоны. Материалы об-ластной научно-производственной конференции. - Худжанд. 2006. стр. 101-108.
3. https://www.norma.uz/uz/qonunchilikda_yangi/suvdan_foydalanish_sohasi_isloh_qilinadi

ЧЕГАРА БЕЛГИЛАРИ ЕР КАДАСТРИ АХБОРОТ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА АСОСИЙ ОМИЛ

Аннотация. Мақолада чегара белгиларини ер ахборот тизимини такомиллаштиришдаги ўрни ва аҳамияти ёритилган. Шунингдек, ер ахборот тизими маълумотларни шакллантиришда чегара белгиларининг ўрни ва аҳамияти назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек, муайян ер участкаси мисолида чегара белгиларини ўрнатиш мисолида очиб берилган.

Аннотация. В статье освещены вопросы совершенствования земельно-кадастровой информации с учётом места и роли межевых знаков. А также раскрыты возможности внедрения межевых знаков на примере земельного участка и их преимущество.

Annotation. The article highlights the issues of improving land cadastral information, taking into account the relevance and the role of boundary marks. And also disclosed the possibility of introducing boundary marks on the example of a land plot and their advantage.

Кириш. Амалиётда ер кадастри ҳужжатларини шакллантириш натижасида янги ердан фойдаланувчилар таркиб топади ёки мавжудлари тартибга солинади ҳамда ер участкасининг чегаралари жойида белгиланади. Шундан келиб чиқиб, муайян ердан фойдаланувчи тасарруфидаги ер участкаси чегаралари тегишли туман ёки шаҳар Кадастр агентлиги хизмати мутахассиси жойининг ўзида белгиланган тартибда ҳужжатларда қайд этиши белгиланган. Ердан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ер кадастр ҳужжатларини олгунча уни тасарруф қилиш ёки унга эгалик қилиш тақиқланади. Шу сабабли ер участкалари даражасида ер кадастри ахборот таъминотида муҳим омил эканлиги тадқиқ этилган.

Вилоят, туман ва шаҳар кадастр хизматлари ҳудуд бўйича ер участкалари қамровидаги бино ва иншоотлар майдонлари чегараларини ҳам жойида белгилаш зарурияти мавжуд. Масалан, амалдаги Ер кодексининг 31-моддасида ер участкасининг чегаралари белгиланиб, плани ва тавсифлари тузилиб, давлат рўйхатида олинганидан кейингина ундан фойдаланиш ҳуқуқи вужудга келади [1].

Ер кадастрини юритишга оид ваколатли давлат органлари қонун ва меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартибда ер участкасига тегишли бўлган кадастр рақами, чегараси, манзили, ер сервитутларининг мавжудлиги, унга ажратилган майдони ва ҳуқуқий мақомига эга бўлган шахсларга юридик жиҳатдан бириктирилади. Ер участкасининг тавсифи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 169-моддасида ўз ифодасини топган. Унда, ер участкасига оид ахборотларни чегаралари ер қонунчилигида бел-

гиланган тартибда шакллантириш ва далолатнома асосида расмийлаштириш кўзда тутилган [2].

Ер участкаси ҳудудини шакллантиришга оид айрим шарт ва талаблар Ер кодекси моддаларида ўз аксини топган. Жумладан, ер участкасини шакллантириш бўйича ишларни амалга оширишда ер кадастри ҳужжатларини тайёрлаш, уларни тегишли тартибда расмийлаштиришни, чегара белгиларини жойлаштириш лойиҳаларини тайёрлаш, жойларда уларни тегишли тартибда ўрнатиш ва бошқа ҳаракатлар ҳамда ҳужжатларни расмийлаштиришни талаб қилади. Ер участкасида кадастр рақамларини шакллантириш уни ҳудудидаги кўчмас мулк объектларини жойлаштириш ва чегараларини туман навбатчи электрон харитасида қайд этилгандан сўнг бошланади. Ер участкаси чегарасидаги ўзгаришлар ва янги барпо этилаётган участкалар ҳужжатларини расмийлаштириш мақсадида майдонларни тақсимлаш ёки унинг бошқа ер участкалари таркибига қўшиш каби ҳаракатларни амалга ошириш ишларини белгиланган тартибда ўтказиш талаб қилинади.

Ердан фойдаланиш жараёнида сервитутларни белгилаш ва ер сервитутларига амал қилинадиган майдонларнинг жойдаги чегараларни белгилаш ҳам муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. Демак, ер кадастри ахборотларини замон талаб даражасида шакллантиришда ва уларнинг шаффофлигини таъминлашда ҳар бир ер участкаси ҳудудида чегара белгиларини ўрнатиш зарурияти мавжуд. Ер тузиш лойиҳаларида чегара белгиларини ўрнатиш тавсия этилади, жумладан:

- жойининг ўзида аҳоли пунктлари (овул,

қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғини, шаҳар) чегараларини белгилаш;

- ер тузишни туман (шаҳар)лар ёки ердан фойдаланувчилар тасарруфидаги ер участкаларни ихтисослик бўйича гуруҳлаш асосида чегараларини ер кадастр ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириш;

- ер тузиш лойиҳаларида туман (шаҳар)лар ҳудудига тегишли бўлмаган ер участкалари чегараларини ўзгартиришни жойнинг ўзида белгилаш;

- ер тузиш лойиҳа ечимларига асосан жойнинг ўзида ер эгаси, ердан фойдаланувчилар, ижарачи ёки мулкдорлар кесимида белгиланган тартиб ва далолатнома асосида вакиллар гувоҳлигида ер участкаси чегара белгиларини давлат стандартлари асосида ўрнатиш ишларини бажариш [3,4].

Истиқбол учун мўлжалланган ер тузиш лойиҳалари туман, шаҳар ва ҳудудий ер тузиш чизмаларида ҳудудий чегара белгиларини ўрнатиш тадбирларини бажарилиши мумкин. Ер тузиш лойиҳасини фақат муайян ер участкаси учун эмас, балки унинг натижаси ўлароқ ер кадастри ҳужжати деб тушуниш керак. Чунки, у биргина ердан фойдаланувчилар ўртасида эмас, шунингдек, овул, қишлоқ, маҳалла фуқаролар йиғини, туман, шаҳар ва вилоятлар, Қорақалпоғистон республикаси чегарасини аниқлаш, белгиларни ўрнатиш ишларини қамраб олиши кўзда тутилади. Демак, ер тузишда бажариладиган ишлар таркибида чегара белгиларини лойиҳага мос ҳолда ўрнатиш ер кадастри ҳужжатларини амалда жорий этиш ва ахборотлар ишончилигини таъминлашга хизмат қилади.

Таҳлил ва натижалар. Ер тузиш лойиҳалари тегишли ердан фойдаланувчи субъектлар вакиллари гувоҳлигида ва кадастр агентлиги мутахассиси томонидан белгиланган намуна асосида чегара белгилари кўрсатилган жойнинг ўзида ўрнатилади. Белгиланган тартибда ер тузиш лойиҳасида қайд этилган чегара белгилари жойнинг ўзига геодезик асбоблар ёрдамида кўчириш тавсия этилади. Ер тузиш лойиҳасини жойга кўчиришда ер участкасининг эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи вакилларида иборат ишчи гуруҳ қатнашади. Чегара белгилари ўрнатилгандан сўнг белгиланган тартибда далолатнома тузилади, чегараларнинг плани илова қилинган ҳолда расмийлаштирилади ва

натижаси ер кадастри ҳужжатлар жилдида қайд қилинади. Тадқиқотлар натижасида ҳозирги даврда республикаимизда фаолият юритаётган 6,5 млн.дан ортиқ ердан фойдаланувчиларга 7 млн.дан ортиқ ер участкаларига бириктирилган бўлиб, уларга 18 млн.га яқин чегара белгиларини ўрнатиш зарурияти мавжудлиги аниқланган. Ўз навбатида шуни қайд этиш керакки, ер участкаси чегара белгилари бир вақтнинг ўзида маъмурий-ҳудудий бирликлар чегарасини белгилашга ҳам хизмат қилади.

Жорий ер ҳисоби ер участкаси ва унга тегишли ер контурлари майдонларининг чегаралари, манзили, жойлашган ўрни, шакли ҳамда фойдаланиш хусусиятларига кўра ўзгаришлар кузатиладиганда, даврий равишда амалга оширилади. Ушбу жараёнда жойнинг план-хариталари белгиланган тегишли масштабларда тафсилотларни ўзгаришини иноватга олиш асосида тузиш зарур бўлади. Ер участкаси доимий фойдаланиш ҳуқуқи бўйича белгиланган чегараларда эгалик қилиш ҳамда фойдаланишни амалга ошириш мақомига эга. Ер участкасини фойдаланувчига ер кадастри ҳужжатлари асосида берилганда куйдагилардан иборат ахборотлар тақдим этиладилар: ер участкасидан фойдаланиш мақсади; ер участкаси манзили; лойиҳа бўйича чегаралари; кадастр рақами, муҳандислик иншоотлари ва ижтимоий инфратузилма объектлари.

Шаҳар, шаҳарча ва шаҳар типидagi посёлкалар чегара қамровида жойлашган қишлоқ ҳўжалигига яроқли ерларга солиқ қиймати белгиланган ставкаларнинг икки баравари миқдорида ундириш мақсадга мувофиқ. Ердан фойдаланувчи ўзига бириктирилган ер участкасида ўрнатилган чегара белгиларини сақлаши ва уларнинг ишчи ҳолатда бўлишини таъминлаш керак бўлади. Ер участкаси чегараларини жойнинг ўзида аниқлаш ва ўрнатиш ҳамда электрон харитада қайд қилиш уни бериш тўғрисида қарор қабул қилингунча бажарилади. Ер участкасининг планига мос ҳолда жойнинг ўзида чегараларини белгилаш ишлари бажарилади ва тегишли давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланади [5].

Муайян ер участкаси планини яратиш, жойда чегара белгиларини ўрнатиш ишлари, ер участкасини олувчининг маблағларидан қоплаш мақсадга мувофиқ. Ушбу ёндашув ер участкаларини хусусийлаштириш шароитида мақбул ечим ҳисобланади. Ер участкасига эгалик қилиш

хуқуқи тўғрисидаги давлат гувоҳномасида чегара плани илова қилинади. Планди куйидагиларни қайд этиш керак бўлади:

- чегараларнинг бурилиш нуқтаси, тартиб рақами, узунлиги;
- гидрография тармоқлари элементлари;
- ер участкаси чегараси ҳисобланган чизикли объектлар;
- ер участкасининг чегараси қамровидаги ўзга ердан фойдаланувчилар;
- ер участкаси кадастр рақамлари;
- ердан фойдаланиш чекланган ёки алоҳида фойдаланиш тартиби ўрнатилган майдонлар чегараси ҳамда ер контурлари тартиб рақамлари;
- ер сервитути шартномаларида қайд этилган майдонлар чегараси;
- ер участкаси план масштабини ер участкасининг майдони ва шаклидан келиб чиққан ҳолда чегаралар бурилиш нуқталарини кўрсатишни ҳисобга олган ҳолда танлаш лозим. План уч нусхада тайёрланиши тавсия этилади. Унинг асл нусхаси рўйхатга олинган идора архивида сақланади. Гувоҳнома маълумотлари электрон дастурда шартли белгиларга риоя этилган ҳолда ёзилади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи субъектлар ер майдонлари ер тузиш лойиҳаси асосида ташкил қилинади. Ер тузиш ишларини бажараётганда ер участкаси чегараланади ва ер турлари кесимидаги ер контурлари рақамланган ҳолда шакллантирилади.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 32-моддасида, ер участкаси ажратиб берилганда унинг чегараси жойнинг ўзида геодезик ўлчовлар асосида аниқланиб, ўзга участкалардан марза ва бошқа турдаги чегара белгилари билан ажратиб қўйилади, деб кўрсатилган [1]. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи субъектларга ер участкасини ажратиш хўжалик фаолиятига қулай чегара ва шароитларда амалга ошириш тавсия этилади.

Шуни инобатга олиш лозимки, Ўзбекистонда давлат чегараси, асосан, йирик ва кичик дарёлар, сой ва сув ҳавзалари жойлашган ер участкаларида фермер хўжаликлари фаолиятини юритиш мақсадида қонун ва қонуности ҳужжатларида кўрсатилган тартиб бўйича чекланган тарзда фойдаланиш учун ажратилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси муҳофаза зонасида ҳар икки томондан беш юз метр кенгликда уй ҳайвонларини боқиш ва фермер хўжаликларига ер ажратиш чекланади. Фермер хўжалигини таш-

кил этиш ва ер участкасини беришда у жойларда доимий яшовчи фуқаролар устувор ҳуқуқдан фойдаланишлари мумкин.

Шаҳар, шаҳарча ва шаҳар типидидаги посёлкалар қамровидаги ер фондига қонун ҳужжатлари асосида тасдиқланган шаҳарсозлик ва кадастр ҳужжатлари асосида чегаралари белгиланади. Уларни ҳудудига турар ва нотурар жой объектлари жойлашган ҳамда бошқа мақсадлар учун мўлжалланган маъмурий ҳудудий қамровидаги жами ер майдонлари киради. Аҳоли пунктлари ер фонди чегараси шаҳар, шаҳарча, овул ва қишлоқ аҳоли яшаш ерлари, уларнинг ташқи чегараси ҳисобланиб, шу ер майдонларини бошқа ер тоифа майдонларидан ажратиб туради. Аҳоли пунктлари чегараларини белгилаш шаҳарсозлик амалдаги ҳужжатлари асосида амалга ошириш назарда тутилади. Аҳоли пунктлари уларнинг чегаралари эса амалдаги ердан фойдаланувчилар ер участкалари чегаралари бўйлаб белгиланади.

Аҳоли яшаш жойлари чегаралари қамровидаги ер майдонлар тасдиқланган режага мос ҳолда фойдаланишни ташкил қилувчи маҳаллий ҳокимият органлари тасарруфида бўлади. Аҳоли яшаш жойлари ҳудудига ер тузиш бош режасини ишлаб чиқишда сув манбаларини муҳофаза қилиш, соҳил бўйи ҳамда сув объектлари муҳофаза зоналари чегараларини белгилаш табиий ресурслар, қишлоқ ва сув хўжалиги органлари томонидан белгиланган ҳолда кадастр ҳужжатларида қайд этилади.

Ер участкаларини, жумладан, чизикли турдаги объектларни ҳудудий чегара қамровида жойлаштириш назарда тутилади. Давлатимизда аграр соҳасидаги туб ислохотларни амалга ошириш шароити ерларни муҳофаза қилиш ва асраш масалаларига алоҳида урғу берилмоқда. Қонунга зид бўлган битимлар, ер майдонларини ўзбошимчалик билан эгаллаш, ерни ишдан чиқариш, ифлослантириш, чегара белгиларини йўқотиш ва шу каби қонун бузилишига оид ҳаракатлар содир этилганда, вақтинча фойдаланишдаги ерни қайтариш муддати бузилганда ёки уни яроқли ҳолатга қайтариш мажбуриятлари бажарилмаганда, бегона ўтларга қарши чоралар қўлламаслик, тупроқ қатламини шамол, сув эрозияларидан сақлашга риоя этмаслик каби қонунбузарликлар асосан ердан фойдаланувчи субъектларнинг масъулиятсизликлари орқасидан содир бўлади. Ердан фойдаланишга оид қонунбузарликларга ер участкаси чегара

белгиси ёки марза белгиларини йўқ қилиш ҳам киради. Ҳуқуққа қарши ҳаракатлар берилган ер участкасидан мақсадли, самарали, оқилона фойдаланиш тадбирларини мураккаблаштиради, ердан фойдаланувчи субъектлар ўз ҳуқуқларидан тўлақонли фойдаланиш имкониятларини чеклашга олиб келади.

Хулоса. Умумий хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ер кадастри ахборотлар тизимини

такомиллаштиришда муайян ер участкасида чегара белгиларини ўрнатиш энг муҳим омиллардан биридир.

Қосимджон РАХМОНОВ, доцент,
Моҳигул АБДУРАҲИМОВА,
мустақил тадқиқотчи,
Жаҳонгир РАХМОНОВ,
мустақил тадқиқотчи,

“ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1998. – 15-модда.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ер кадастри тўғрисида”ги қонуни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – Тошкент: 1998. – №666.1 – 14-17-18-19-23 моддалар.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуни. Тошкент. 2003 й. №560. 4-7-8-12-14
4. Бобожонов А.Р., Рахмонов К.Р., Ғофиров А. Ер кадастри. Дарслик. Т.: ТИМИ, 2013 й. 208 б.

УЎТ: 651.12

ТАДҚИҚОТ

АГРОКЛАСТЕРЛАР МОЛИЯВИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Аннотация. Кластер тузилмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш масаласи яқин келажакда ҳам ўз долзарблигини йўқотмайди. Замонавий шароитда молиявий ресурсларнинг чекланганлиги билан бирга, самарали инвестиция вариантларини танлашнинг жиддий муаммолари мавжуд. Кластерларни баҳолаш бўйича таклиф этилаётган методология эса бу муаммони маълум даражада ҳал этади.

Аннотация. Вопросы оценки эффективности кластерных структур не потеряет свою актуальность в ближайшем будущем. В современных условиях при ограниченных финансовых ресурсах возникают серьезные проблемы выбора эффективных вариантов инвестирования. Предлагаемая методология кластерной оценки в некоторой степени решает эту проблему.

Annotation. The issues of evaluating the effectiveness of cluster structures will not lose their relevance in the near future. In modern conditions, with limited financial resources, there are serious problems in choosing effective investment options. The proposed cluster assessment methodology to some extent solves this problem.

Кириш. Жаҳон бозорида рақобатнинг кучайиши миллий ишлаб чиқарувчилар фаровонлигини ва бутун мамлакат тараққиётини таъминлайдиган бизнес юритишнинг янги шакллари яратишни тақозо этмоқда. Бугунги кунда рақобатбардошликни таъминлаш муаммоларининг энг самарали ечими иқтисодий кластерлаш концепцияси ҳисобланади. Ўзбекистон иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кластер концепцияси тобора кучаймоқда. Аммо кластерни ташкил этиш

бу унинг юқори самарадорлигини кафолатлайди, дегани эмас. Шунинг учун кластер рақобатбардошлигини баҳолаш экспертлик баҳосига асосланган методологияни тақозо этади.

Кластерларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат томонидан қўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида улар фаолиятини тўғри баҳолаш усулларини такомиллаштириш зарурати ортиб бормоқда. Кластер тузилмалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш

масаласи яқин келажакда ҳам ўз долзарблигини йўқотмайди. Замонавий шароитда молиявий ресурсларнинг чекланганлиги билан бирга, самарали инвестиция вариантыни танлашнинг жиддий муаммолари мавжуд. Кластерларни баҳолаш бўйича таклиф этилаётган методология эса бу муаммони маълум даражада ҳал этади.

Адабиётлар таҳлили. Чет мамлакатлар олимлари тадқиқотларини кузатадиган бўлсак, кластерлар самарадорлигини баҳолаш бўйича И.Ферова, Ф.Шутилов, Н.Клепикова, О.Несмачних, Е.Патрушева асарларида асосий ёндашувлар келтирилган [1-6].

Кластернинг хусусий самарасига асосланган усуллар: синергетик самара ва унинг турларини баҳолаш усули, транзакция харажатларини пасайтириш ва инфратузилма синергияси самарасини баҳолаш усули, инновациялар тарқалиши самарасини баҳолаш усули. Кластернинг иқтисодий самарадорлигини инвестиция лойиҳалари сифатида баҳолаш усуллари: соф жорий қиймат кўрсаткичи усули, реал вариантлар усули. Кластер самарадорлигини баҳолашнинг кўрсаткичли усуллари: кластер фаолиятининг асосий кўрсаткичлари усули, кўп кўрсаткичли ёндашув усули. Кластернинг рақобатбардошлигини баҳолашга асосланган усуллар: кластер рақобатбардошлигининг турли жиҳатларини баҳолаш, бунда бозордаги мавқеи, технологик етакчилик ва янгиланиш қобилияти баҳоланади, кластернинг жорий ва стратегик рақобатбардошлиги омилларини баҳолаш.

Ушбу усуллар асосида олимлар ўзларининг тегишли таҳлилларини келтиришган.

Таҳлил ва натижалар. Биз ушбу тадқиқотимизда пахта-тўқимачилик кластерлари самарадорлигини баҳолаш методологиясини ишлаб чиқиш юзасидан таҳлиллар ўтказдик. Мамлакатимиз пахта-тўқимачилик саноатида сўнгги йилларда, албатта, ижобий тенденция сақланиб қолмоқда. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра, кластер усули жорий этилиши билан ўртача ҳосилдорлик кластердан ташқаридаги ерларга нисбатан 4,9 центнерга кўпайган, 2020 йилда пахта хомашёсида ўртача ҳосилдорлик 2,89 т/га ташкил этди. Бу кластердан ташқарига нисбатан 0,53 т/га, 2018

йилга нисбатан эса 0,77 т/га юқоридир. Аммо дунё мамлакатлари билан таққослаганда, бу ҳосил ҳали анча паст, чунончи АҚШда 3,1 т/га, Мисрда 4,4 т/га, Туркияда 5,3 т/га, Бразилияда 5,6 т/га ва Хитойда 5,8 т/га тенг.

Пахта-тўқимачилик кластерлари самарадорлигини баҳолашда уларнинг қуйидаги муҳим фаолият хусусиятларига аҳамият бериш лозим, деб ҳисоблаймиз: инвестицияларнинг тез қайтарилиши; ишлаб чиқаришнинг юқори ҳаракатчанлиги (маҳсулот ассортиментини ўзгартириш имконияти); тармоқда кичик ва ўрта бизнеснинг устунлиги; тадбиркорликнинг паст даражада ташкил этилганлиги; тўқимачилик корхонасининг муваффақияти учун географик жойлашувнинг юқори аҳамияти; маҳсулотлардаги заиф инновацион компонент; ишлаб чиқаришнинг техник тўқимачиликка қайта йўналтириш истиқболлари; саноат брендидан кенг фойдаланиш; малакали кадрлар билан таъминланганлик; ишлаб чиқариш қувватларининг тез эскириши; қўлланиладиган технологияларнинг юқори ресурс интенсивлиги; тайёр маҳсулот экспортининг паст суръатлари; корхоналар ва илмий муассасалар ўртасидаги заиф алоқалар; саноат бизнесини қўллаб-қувватлаш учун инфратузилма элементларининг йўқлиги (бизнес-инкубаторлар, технопарklar ва бошқалар); тўқимачилик ишчиларининг импорт хомашёга юқори даражада боғлиқлиги.

Бизнинг фикримизча, кластерлар фаолиятини баҳолаш кўп кўрсаткичли ёндашувга асосланган бўлиб, у 11 та асосий йўналиш бўйича амалга оширилиши лозим.

1-жадвал.

Кластер самарадорлигини баҳолашнинг якуний шакли

№	Кўрсаткич гуруҳлари	Умумий балл
1.	Кластер аъзолари таркибини баҳолаш	
2.	Кластернинг бозордаги ўрни	
3.	Кластернинг ишлаб чиқариш салоҳияти	
4.	Кластер маҳсулотини баҳолаш	
5.	Кластерни бошқариш самарадорлигини баҳолаш	
6.	Кластернинг инфратузилма билан таъминланишини баҳолаш	
7.	Молиявий компонентни баҳолаш	
8.	Кластернинг инновацион компонентини баҳолаш	
9.	Инвестицияларни баҳолаш	
10.	Кадрлар сиёсатини баҳолаш	
11.	Давлат нуктаи назаридан самарадорликни баҳолаш	
Умумий (йиғинди) балл:		

Бунда пахта-тўқимачилик кластерининг ўзига хос хусусиятларини ифодаловчи кўрсаткичларни қуйидаги алгоритм асосида олишимиз кластер фаолиятига ҳар томонлама баҳо бериш имкониятини беради.

1. Таҳлил объекти аниқланади (яъни иштирокчиларнинг маълум доирасига эга бўлган пахта-тўқимачилик кластери).

2. Танлаш мезонларини аниқлаш ва у асосида экспертларни танлаш (респондентларнинг ўрганилаётган соҳадаги тажрибаси ҳисобга олинади, зарур ҳолларда турли экспертлар учун рейтинг коэффициентлари белгиланади).

3. Эксперт баҳоси учун шакл тайёрлаш ва таҳлил қилиш учун якуний шакл ишлаб чиқиш.

4. Кластер самарадорлигини баҳолаш шақлини экспертлар томонидан тўлдириш. Бунда уларга 11 та йўналиш бўйича баҳолаш мезонлари тўпламини кўриб чиқиш ва кластер самарадорлигини баҳолаш учун кўрсаткичларнинг ҳар бирига унинг аҳамиятига мувофиқ вазн белгилаш таклиф этилади. Бунинг учун уч балли тизим бўйича тахминий кўрсаткич вазни қуйидагича аниқлаштирилади: 3 - кўрсаткич баҳолаш учун жуда муҳим (юқори вазнга эга); 2 - кўрсаткич баҳолаш учун ўртача аҳамиятга эга (ўртача вазнга эга); 1 - кўрсаткич баҳолаш учун паст аҳамиятга эга (паст вазнга эга).

5. Кластер самарадорлигини экспертлар томонидан баҳолаш. Бунда баҳолаш беш балли шкала бўйича мезонларнинг аниқланган ўртача қийматларига нисбатан амалга оширилади: 5 балл (энг юқори балл) - тўқимачилик саноати учун белгиланган тармоқдаги ўртача қийматлардан аниқ ошиқ бўлса; 4 балл - тармоқдаги ўртача қийматлардан бироз ошиқ бўлса; 3 балл тармоқдаги ўртача ва кластер кўрсаткичининг тахминий тенглигини билдиради; 2 балл – тармоқдаги ўртача кўрсаткичга нисбатан бир қатор ёмонлашган кластер кўрсаткичлари мавжудлигини англатади; 1 балл - кластер ушбу кўрсаткичда сезиларли ортда қолишни кўрсатмоқда. Шу билан бирга, баъзи баҳолаш мезонлари учун фақат икки балли баҳолаш тизимидан фойдаланиш мумкинлигига эътибор қаратиш лозим, чунки бунда мезонларни мукамал баҳолаш қийин, аммо улардан методологияда фойдаланиш аҳамиятли бўлиб, бу кластер фаолиятини тўғри баҳолаш учун муҳимдир.

6. Тадқиқотчи томонидан тўлдирилган анкеталарни тўплаш. Мутахассислар томонидан ўрнатилган вазн коэффициентларини уч балли

тизимдан ўнлик касрга (бирининг қисмларига) ўтказиш ва 11 та мезоннинг ҳар бири бўйича бириктирилган вазнлар йиғиндиси 1 га тенг бўлиши лозим.

7. Экспертлар ҳар бирининг баҳоларини бирининг касрларида берилган вазн коэффициентларига кўпайтириш ва 11 та мезоннинг ҳар бири учун баллар йиғиндисини ҳисоблаш. Барча экспертларнинг якуний баллини олиш (ҳар бир тўлдирилган анкета ўзининг якуний баллига эга бўлади).

8. Кластер самарадорлигининг Умумий (йиғинди) баҳосини ҳисоблаш:

8.1. Ўртача арифметик формула бўйича одатдагидай ҳисобланади, агар экспертларга рейтинг коэффициентлари белгилаб берилмаган бўлса.

8.2. Экспертлар учун рейтинг коэффициентлари ўрнатилган бўлса, ўртача вазнли арифметик формула бўйича. Бунда фақат йиғинди баҳолашни эмас, балки кўрсаткичларнинг 11 гуруҳи бўйича умумий балларни ҳам ҳисоблаш лозим.

9. Якуний шакл натижаларидан кластер фаолиятини стратегик ва тактик режалаштириш жараёнида фойдаланилади.

10. Мақсадларга эришиш даражасини аниқлаш учун режалаштириш даври охирида пахта-тўқимачилик кластери самарадорлигини қайта баҳолашдан ўтказиш.

Хулоса. Кластер самарадорлигини баҳолаш учун биз таклиф қилган методология ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар фаолият таҳлили ўтказилишида муҳим ҳисобланади. Биринчидан, у ўрганилаётган тармоқ кластерларининг хусусиятларини ҳисобга оладиган кўрсаткичларни акс эттиради, бунда мезонларнинг вазнлари ўхшаш мулоҳазалар асосида (экспертларнинг фикрларини ўрганиш асосида) жойлаштириб, таҳлил қилинса, тизимли таснифлаш ҳосил бўлади ва хулоса ясаш оsonлашади. Иккинчидан, методологияни қўллаш доирасида муддати чекланган, чунки замонавий иқтисодиётдаги вазият у ёки бу йўналишда кескин ўзгариши мумкин (масалан, санкциялар сиёсатининг кескинлашуви натижасида хорижий тўқимачилик маҳсулотларини импорт қилишни таъқиқлаш), бу эса баҳолаш тартибига тузатишлар киритишни талаб қилади. Ушбу хулосавий тавсияларни иноватга олиш маҳаллий тўқимачилик кластерлари фаолияти самарадорлигини тўғри баҳолаш имконини беради.

Илҳом ОЧИЛОВ,

ТДИУ мустақил тадқиқотчиси (DSc),
и.ф.н., доцент.

АДАБИЁТЛАР

1. Ферова И.С. Подходы к формированию и оценке эффективности промышленных кластеров // Инициативы XXI века. 2010. №2. С. 35-39.
2. Шутилов Ф.В. Методы оценки эффективности и синергетический эффект кластеров // Научный вестник Южного института менеджмента. 2013. № 2 (2). С. 81-85.
3. Клепикова Н.И. Оценка эффективности создания отраслевого кластера // Фундаментальные исследования. 2013. № 4-4. С. 934-939.
4. Маклахов А.В., Гулый И.М. Оценка эффективности кластерной формы организационно-управленческих инноваций (на примере машиностроительного комплекса) // Региональная экономика: теория и практика. 2010. № 7. С. 32-43.
5. Несмачных О.В. Оценка эффективности инновационного кластера // Известия высших учебных заведений. Серия: экономика, финансы и управление производством. 2013. № 3 (17). С. 44-53.
6. Патрушева Е.Г., Большакова Е.А. Оценка экономической эффективности регионального инновационного кластера // Управление экономическими системами: электронный научный журнал. 2015. № 4 (76). С. 1-22.

УЎТ: 332.338.49

ТАДҚИҚОТ

МИНТАҚАЛАР АГРОСАНОАТ КЛАСТЕРЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЗАМОНАВИЙ МАРКЕТИНГНИНГ РОЛИ

Аннотация. Мақолада минтақаларни агросаноат кластерларини ривожлантиришда замонавий маркетингни инновацион жараёнлардаги ролини бошқаришни таъминлаш имконини берувчи ушбу жараённи замонавий маркетинг даражасига қараб молиявий режаслаштириш самардорлиги кўрсатиб берилган.

Аннотация. В статье показана эффективность финансового планирования в зависимости от уровня современного маркетинга данного процесса, что позволяет обеспечить управление ролью современного маркетинга в развитии агропромышленных кластеров регионов.

Annotation. The article shows the effectiveness of financial planning depending on the level of modern marketing of this process, which makes it possible to ensure the management of the role of modern marketing in the development of agro-industrial clusters of the regions.

Саноат инқилоби даврида франциялик иқтисодчи Д.Сей ишлаб чиқаришни бошқаришнинг асосий қондасига қуйидагича таъриф берган: «Фойдани ошириш учун ишлаб чиқариш харажатларини камайитириш керак». Бу мамлакат саноат тармоқлари, ишлаб чиқилаётган маҳсулот ассортиментини ва бозорлар барқарор бўлсагина яхши натижа беради. Лекин бугун, яъни ўзгарувчи шароитида бу қоида ўз кучини йўқотмоқда.

Постиндустриал жамият даврида, ахборот инқилоби шароитида компаниялар биринчи навбатда харажатларни камайитириб ишлаб чиқаришни бошқаришга эмас, балки инновация маҳсулотини реализация қилиш, даромадни

ошириш ва молиявий ҳолатларни яхшилашга кўпроқ эътибор бериши керак.

Барқарор бозорларда фаолият юритувчи компаниялар асосан ўзларининг бозордаги улуши учун кураш олиб борадилар. Бу ерда фирманинг классик бозор стратегияси белгиланган бозорда маҳсулот нархи ва ишлаб чиқариш харажатларини камайитириш ҳисобига фирманинг улушини ошириш ҳисобланади.

Агар фойдани ошириш йўлини фақатгина ишлаб чиқариш харажатларини камайитириш ҳисобига қўллansa, эртами кеч бизнесдан чиқиб кетишга тўғри келади. Ишлаб чиқариш харажатлари даражасини белгиланган меъёрдан пасайитириш мумкин эмас. Фирмалар

учун энг муҳим нарса нима? Бу харажатларни камайтиришга интилиш эмас, истеъмолчига юқори сифатли товар етказиб бериш имкониятидир.

Эски маҳсулотларда доимий ўзгаришларни амалга ошириш бозор улуши, сотиш ва даромад ҳажмининг ўсишига олиб келиши мумкин. Бу ўзгаришларга маҳсулотни реализация қилаётганда истеъмолчига кўрсатиладиган хизматлар ва қулайликларни ҳам киритиш мумкин. Масалан, ЭХМ учун дастурий таъминот билан бирга мижозга фирмага мамлакатнинг турли жойларидан бепул қўнғироқ қилиш имконияти берилади. Бу ҳолда истеъмолчи фирмага керакли муаммо ва саволлар тушганда мурожаат қилиши мумкин.

Агарда фирма бозорда мавжуд маҳсулотига янгиликлар қўшган ҳолда бозорга чиқмоқчи бўлса, бу ҳолда фирма қандай янгиликларни киритиш ва улар қанчалик чуқур бўлишини аниқлаши керак. Бундан ташқари, мазкур бозордаги ҳолатни баҳолаш ва истеъмолчи қандай ўзгаришларни кутаётганлигини фирма ўзи учун аниқлаб олиши керак. Ўзгаришлар киритилгандан сўнг истеъмолчи билан ҳам ишлаш керак, яъни уларга маҳсулотни реклама қилиш, янгиликларнинг фойдалилигини намоён этиш, маҳсулотни ким биринчи бўлиб сотиб олса, мукофотлаш тизимидан фойдаланиш кабиларни киритиш даркор.

Индустриал даврда маркетингнинг иккита тури, иккита услубидан фойдаланилган:

- маҳсулот ёки хизматга қаратилган маркетинг;
- истеъмолчига, махсус мижозларга қаратилган маркетинг.

Маркетингнинг бу икки тури пайдо бўлиши биланоқ, ундан фойдаланиш ишлаб чиқарувчи учун айрим молиявий таваккалчилик билан боғлиқ бўлган. Бу хатар ҳозирда ҳам бор.

Агарда бозор стратегиясида маркетингнинг бу икки турини боғлай олинса, таваккалчилик ўзини оқлай олади. Маркетингнинг ҳар бир усули замонавий шароитда компания даромади ўсишини таъминловчи иккита асосий компонентларга, яъни маҳсулот ва унинг истеъмолчисига қаратилган.

Биринчи услуб. Инновация маҳсулоти ва хизматига қаратилган маркетинг. Агарда фирма сифатли маҳсулот ишлаб чиқса

ёки хизмат кўрсатса, демак, ишнинг ярмини бажарган ҳисобланади. Фирма бажарган ишларга четдан бирор-бир шахс юқори баҳо берса ва ишлаб чиқарган товар ва хизматларни ўзининг эҳтиёжини қондиради деб билсагина янгиликларни киритиш жараёни якунланган ҳисобланади. Фирма маҳсулотини бирор-бир кимса сотиб олсагина ишга бўлган муносабат яхшиланади, лекин истеъмолчилар тўғри келган нарсаларни сотиб олавермайдилар. Истеъмолчилар ўзлари биладиган ва тушунадиган маҳсулотларнигина сотиб олишни хоҳлайдилар.

Маҳсулот қанчалик янги ва такомиллашган бўлса, фирма ўз маҳсулотини сотаётиб шунчалик хатарга дучор бўлади. Ўхшаши йўқ янги маҳсулотни ишлаб чиқариш маркетингга бўлган янги ёндашувни талаб этади.

Айнан шу нарса фирманинг рақобатбардошлигини таъминлашда асосий муаммо ҳисобланади. Бозорга чиққандан кейин фирма маҳсулоти қанақалигини тушунади. Шунда у техник инновациялар маркетинг янгиликлари билан ҳам тўлдирилиши кераклигини англаб етади. Янги турдаги маҳсулот учун бозорда эскириб қолган тадқиқотлар ўтказиш яроқсиз бўлиб қолади. Чунки фирма аввал кўрмаган ва билмаган маҳсулотнинг истеъмолчи учун қандай таъсир кўрсатишини билмайди.

Ахборот асрида йирик фирмалар учун энг асосийси янги маҳсулот ишлаб чиқариш эмас, балки саноатнинг янги тармоғига асос солувчи маҳсулот ишлаб чиқаришдир. Айнан шу ҳолда компания ишлаб чиқариш харажатларини маъқул бўлган даражасигача кўтаришлари ва хатарлар даражасининг пасайишига умид қилиши мумкин. Айнан шу ҳолда маҳсулотга мўлжалланган маркетингнинг биринчи тури ўзини оқлай олади.

Агар фирма маркетингнинг бу усулидан фойдаланишга қарор қилса, у аввало, ҳеч бўлмаганда бозордаги бир нечта истеъмолчининг маҳсулотини сотиб олишига ишониши керак. Фирма ишлаб чиқариш сотув ҳажмини кўпайтиришига ишонсагина хатарни камайтириши мумкин. Индустриал даврда бозор оқимида сузиш осон иш эмас эди. Чунки бирор-бир маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқариш учун йирик капитал қўйилмалари керак. Лекин бугунги кунга келиб хизматлар ва ахборот ҳам

«маҳсулот» ҳисобланади ва уларни ҳам сотиш мумкин. Бунинг учун эса йирик инвестициялар керак эмас. Агарда бажарилаётган иш натижа билан мос келмаса, фирма фақатгина озроқ зарар кўради.

Унчалик катта бўлмаган компаниялар биринчи услубдан кўра иккинчи услубни, яъни **истеъмолчига қаратилган маркетингни** афзал кўришади. Ахир, сотиб олишдан кўра етказиб бериш яхшироқда. Лекин фақатгина истеъмолчилар талабига қарайдиганлар ҳам хатарга дучор бўладилар. Агарда фирманинг маҳсулоти йўқ бўлса-ю, лекин истеъмолчини топса, ярим иш қилинган ҳисобланади.

Бозорни билиш ва ўрганиш учун статистик ҳисоботлардан фойдаланиш ёки тадқиқотлар ўтказиш мумкин. Тадбиркор истеъмолчиларнинг талабларини доимо билиши керак. Мижозлар билан юзма-юз гаплашиш даркор, чунки уларнинг ҳар бири ўзининг характери, дидига эга шахсдир. Айнан шу усул орқали истеъмолчилар нимани хоҳлаётганлигини билиб олишингиз мумкин. Ва айнан шу усул ёрдамида бизнесмен истеъмолчига у кутаётган ва хоҳлаётган нарсасини тақдим этиши мумкин.

Бозорни тўлақонли ўрганиш учун маркетинг бўйича маслаҳатчини ишга олиш, турли хил тадқиқотларни ўтказиш ва маркетингни хўжалик фаолиятимиз марказига қўйишимиз керак. Айрим кичик ва ўрта корхоналар бундай усулни амалга ошириш учун етарли маблағларга эга ва улар хатоликка йўл қўймасликлари даркор. Истеъмолчига қаратилган маркетингга бундай ёндашувга тескари бўлган маркетинг ўтказиш стратегияси ҳам бор. Кўп ҳолларда у анъанавий усулга кўра самаралироқ бўлади.

Маркетингдаги бу стратегия ўз ичига турли хил фаолиятни олади:

- одамлар билан суҳбатлашиш;
- савдо кўргазмаларига бориш;
- кутубхоналарга бориш;
- фирма қизиқтираётган соҳани яхши билувчи ишчини ишга жалб қилиш.

Агарда бирор-бир шахс истеъмолчига қаратилган маркетингдан фойдаланса, нима ишлаб чиқиш керак ва инсонларга нима керак деган саволлар борасида техник экспертиза натижаларини олишлари мажбур эмас. Ҳақиқий эксперт ўз соҳасининг мутахассиси бўлади.

У ўзининг таҳлилида қабул қилинган умумий меъёрдан оғмасликка ҳаракат қилади. Мутахассислик доирасидан чиқиб кетган одамлар эса янгиликдан кўрқиб қолмайди. Улар янгиликларни амалга оширишда ўзларининг ҳаракатларида доимо эркиндирлар.

Иккита усулга нисбатан хатарсизроқ бўлган маркетингнинг яна бир усули ёки тури мавжуд бўлиб, у маҳсулотга ва истеъмолчига бир вақтнинг ўзида қаратилади. Агарда тадбиркор иккита усулни бир вақтда қўлласа, у ўзининг фирмаси учун хатарни камайтиради. Ҳам маҳсулот, ҳам истеъмолчига йўналтирилган маркетинг стратегияси яхшироқдир. Фирма учун хатарни камайтиришга қаратилган маркетингнинг бу стратегияси *интеграциялашган маркетинг* деб номланади.

Истеъмолчи қандай қилиб фирма бирор-бир нарсани сотаётганлигини билиши мумкин? Фирма ўзининг маҳсулотини бозорга киргизгунча катта капитал қўйилмалар, вақт ва маблағлар харажати даркор. Бу давр ичида фирма истеъмолчилар нимани хоҳлашларини билмайди, деб ўйлайди, ҳаттоки истеъмолчилар бу нарсани ўзлари жуда яхши билишса ҳам. Буниси муҳим эмас, чунки буни фирма ҳал этади. Бундай мантиққа кўра маҳсулот сабаб сифатида, истеъмолчи талаби эса – маҳсулотни дунёга келиш оқибати сифатида кўринади.

Стандартлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилаётган тармоқ, фақатгина ўзининг тармоқлари ичида рақобатчилик қилаётган компаниялар дунёси, бир хил ва олдиндан айтиб бериш мумкин бўлган истеъмолчилар талаблари дунёси буларнинг ҳаммаси ўтиб кетди. Агарда истеъмолчилар борган сари бир-бирига ўхшамай қолса, уларнинг талабларини қондириш учун маҳсулотга янги ва яхши ўзгартиришлар киритиш даркор. Йилдан-йилга маҳсулотлар миқдорини ошириб боришнинг асосий мақсади инсонларнинг ўсиб бораётган индивидуал эҳтиёжларни қондиришдир. Аксарият компаниялар учун истеъмолчи бизнеснинг биринчи сабаби бўлиб қолди. Бу компаниялар бозорнинг қондирилмаган эҳтиёжларини кўришмоқда ва натижада янги ишлаб чиқаришни йўлга қўйишмоқда.

Музаффар АБДУЛЛАЕВ, и.ф.н.,

Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти докторанти.

АДАБИЁТЛАР

1. Мунаев И. Наука и рынок. Экономика и статистика, №12, 1996.
2. Мясникович М.В. Научные основы инновационной деятельности. - Мн.: Право и экономика, 2003. стр. 280.
3. Наука и технология. Россия и мир. Состояние, тенденции, перспективы. Министерство науки и технической политики Российской Федерации. -М.: 1995.
4. Намазов О. Экономическое мировоззрение, реформы и новая экономическая парадигма. -Т.: Экономика и статистика. №11, 1996.
5. Научно-технический прогресс в развитых зарубежных странах. Аналитический доклад. Алматы, КазГосИНТИ, 1993.
6. Недилько В.И. Проблемы развития научно-инновационного потенциала Беларуси: сб. науч. тр./ под ред. Комитет по науке и технологиям при Совете Министров Респ. Беларусь; Бел. ин-т систем. анализа и информ. обеспечения науч.-техн. сферы. - Мн.: БелИСА, 2004. стр. 163.

УЎТ: 332.1:338

ТАДҚИҚОТ

МИНТАҚА ТУРИЗМИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАСТУРЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ БОСҚИЧЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада минтақа туризмини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастурларининг самарадорлигини баҳолаш босқичлари кўриб чиқилган.

Аннотация. В данной статье рассматриваются этапы оценки эффективности программ государственной поддержки регионального туризма.

Annotation. This article examines the stages of evaluating the effectiveness of state support programs for regional tourism.

Кириш. Минтақа туризмини тартибга солиш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналиши корхонани қўллаб-қувватлаш чоралари ва воситаларини янги сифат даражасига кўтаришдир. Ҳозирги вақтда туризм секторининг ривожланиш кўрсаткичлари давлат маблағларини ажратишда муҳим манба ҳисобланади. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастурларининг самарадорлигини баҳолаш нуқтаи назаридан таҳлил қилиш энг долзарб муаммоли йўналиш ягона методларни шакллантириш, биринчидан, корхонани қўллаб-қувватлашга ажратилган маблағларни ажратиш, иккинчидан эса дастурларнинг самарадорлигини баҳолаш эканлигига ишонч ҳосил қилишга олиб келди.

Адабиётлар таҳлили. Тадқиқотчилар В.Г.Игнатов ва В.И.Бутовлар тушунчага қуйидагича изоҳ берадилар: “Минтақа давлатнинг маъмурий чегараларидаги хусусиятлари билан тавсифланади: мажмуавийлик, яхлитлик, ихтисослашганлик ва бошқарувчанлик, яъни бошқарувнинг сиёсий-маъмурий органи мав-

жудлиги”. “Минтақага мамлакат субъектлари - ўзининг маъмурий-худудий жиҳатдан бўлинган тузилмаси, функциялари, ташқи муҳит билан алоқалари, тарихи, маданияти, аҳолисининг яшаш шароитлари билан ажралиб турувчи яхлит тизим сифатида қарашлар қузатилмоқда”.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давомида илмий адабиётларда келтирилган назарий материалларга асосланган ҳолда мантиқий таҳлил усулларидан фойдаланилди. Мавжуд маълумотларни таҳлил қилишда индукция ва дедукция, макон ва замон, таҳлил ва синтез, қиёсий таҳлил каби услублар ва ёндашувлар қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар. Шундай қилиб, таклиф этилаётган асосий мезонларни тизимлаштириш корхоналар фаолиятининг асосий ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини ўз ичига олади ва бир қатор шартларга жавоб беради:

- ўрганилаётган маълумотларнинг аҳамияти;
- таҳлил ва баҳолаш мезонлари таркибининг мувофиқлиги ва тартиблилиги;

- давлат томонидан қўллаб-қувватлаш самардорлигини кейинги ҳисоблаш учун корхонани ривожлантириш даражасининг барча асосий мезонларини ҳар томонлама қўриб чиқиш;


- барча мантиқий объектларни таққослаш;
- миқдорий баҳолаш;
- универсаллик;

- корхонанинг ривожланишини таҳлил қилиш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадларига мувофиқлиги;

- мезонларнинг минтақавий ривожланиш ва корхонани қўллаб-қувватлашнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқлиги;

- мезонларни статистик кузатув ва ҳисобот тизимининг ривожланган имкониятларига мослаштириш имконияти.

Корхонанинг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини баҳолаш схемасининг асосий босқичларини қуйдагича тизимлаштириш таклиф этилади (1-расм).



1-расм. Туризмни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва баҳолаш схемаси

1-босқич. Давлат томонидан ёрдам сўраб мурожаат этган корхоналарнинг умумий сонини танлаш. Давлат ёрдамини амалга ошириш учун масъул бўлган ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ишлаб чиқарилган. Мавзуларни танлаш корхоналарнинг тармоқ йўналишини ёки давлат томонидан қўллаб-қувватланишнинг талаб қилинган турини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

2-босқич. Туризм секторида хизмат кўрсатиш корхоналарининг ривожланиш даражаларига

қараб мезонларни ҳисоблаш.

Корхоналарнинг ривожланиш даражалари мезонларини ишлаб чиқишда давлат ҳокимияти органлари учун муҳим соҳаларда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун эълон қилинган корхона фаолияти натижалари акс эттирилиши керак.

3-босқич. Давлат самардорлигининг комплекс мезонини ҳисоблаш ҳар бир эълон қилинган корхона субъектини қўллаб-қувватлаш фаолиятни комплекс баҳолашни ишлаб чиқишда концептуал жиҳатдан янги корхоналар давлат учун даъво қилишди. Қўллаб-қувватлаш иқтисодий, ижтимоий, бюджет ва йўналтирилган бюджет харажатлари даражасининг инновацион таркибий қисмлардан иборат.

Мураккаб мезон қуйидаги шаклни олади:

$$M_i = \frac{K_i + J_i + H_i + Y A_i}{D_i} \quad (2.2.1)$$

Бу ерда: M_i - давлат томонидан қўллаб-қувватланишга даъво қилинган корхона самардорлигининг ҳар томонлама мезони;

K_i - хизмат кўрсатиш корхоналари ҳажми ўсишининг даражаси;

J_i - корхонадаги иш ўринлари кўпайишининг даражаси;

S_i - корхонадан вилоят бюджетига солиқ тушумлари даражаси;

$Y A_i$ - корхона маҳсулотларининг умумий ҳажмидаги янги хизмат маҳсулотлари даражаси;

D_i - корхонани давлат томонидан қўллаб-

қувватлаш даражаси.

Корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш самардорлигини олдиндан баҳолаш ёрдамида давлат томонидан қўллаб-қувватлаш самардорлигини баҳолаш мумкин.

4-босқич. Туризм секторида хизмат кўрсатиш корхоналарини минтақа устуворликларига мувофиқ самардорлик даражасига қараб саралаш. Корхонани давлат томонидан қўллаб-қувватлашни баҳолаш жараёнида, ҳар бир эълон қилинган корхона самардорлигининг мураккаб

мезонларини ҳисоблаб чиққандан сўнг, детерминистик баҳолашнинг аналитик усулларини қўллаш, аниқланган баҳолар рейтингини тузиш имконини беради. Шу жумладан, минтақанинг устувор йўналишларини белгилаб, энг катта ҳисобланган потенциалга эга корхоналарни қўллаб-қувватлайдилар.

5-босқич. Давлат молиявий ресурсларини оқилона тақсимлаш учун энг истиқболли корхона субъектларини танлаш. Ушбу мезон рейтингидан фойдаланиб, давлат томонидан қўллаб-қувватланишга даъво қилинган корхона субъектлари таққосланганда, корхонага максимал билан устунлик берилади. Шунингдек, ҳар бир минтақа учун, давлат молиявий ресурсларини янада оқилона тақсимлашга имкон берадиган устувор тизимларига эга бўлади.

Туризм секторида хизмат кўрсатиш корхона субъектларини қўллаб-қувватлаш дастури қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- 1) дастур паспорти;
 - 2) дастурнинг асосий қоидалари;
 - 3) дастурни амалга ошириш механизми;
 - 4) дастурни амалга ошириш чоралари;
 - 5) давлат дастурини амалга оширишнинг қўллаб-қувватлаш натижалари;
 - 6) дастурнинг бажарилишини назорат қилиш.
- Шундай қилиб, танланган мезонлар ишлаб чиқилган ягона тизимлаштириш тизимига киритилиши керак. Корхонанинг инновацион таркибий қисми давлат томонидан қўллаб-қувватлаш баҳосида акс этмайди, аммо унинг мамлакатда иқтисодий ривожланишнинг инновацион турига ўтишида унинг роли сезиларли даражада аниқланиши керак.

Албатта, биринчи навбатда, корхонанинг инновацион фаолиятининг сифат жиҳатдан аниқланган белгиларини миқдорий ифодалаш учун мезонлар аниқланиши керак.

Иқтисодий адабиётларда мезонлар масаласи мунозарали. Қонун ҳужжатларида кичик инновацион корхонанинг аниқ таърифи ва корхоналарнинг инновацион фаолияти мезонлари белгиланмаган.

Хулоса ва таклифлар. Юқорида келтирилган мезонларнинг мавжудлиги, бизнинг фикримизча, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш самарадорлигини баҳолаш учун етарли эмас ва корхонанинг инновацион фаолияти, албатта, ҳисобга олиниши керак.

Ривожланган мамлакатларда давлатлар корхоналарнинг инновацион фаолиятини баҳолаш учун тўғридан-тўғри ва билвосита воситаларнинг кенг имкониятларидан кенг фойдаланадилар. Бу, биринчи навбатда, имтиёзли солиққа тортиш билан боғлиқдир. Иқтисодий адабиётларда корхонанинг инновацион фаолиятининг турли хил мезонлари таклиф этилади, баъзи муаллифлар уларни маҳсулотларнинг умумий ҳажмида янги маҳсулотлар ёки маҳсулотларнинг умумий ҳажмида уч йилдан катта бўлган маҳсулотларнинг улушини ўлчаш каби мезонлар ёрдамида ўлчашни таклиф қилмоқдалар. Улар 10% дан ошмаслиги керак. Аслида, бу етарли даражада таъкидланган, аммо шунга қарамай, корхоналар фаолиятини баҳолаш бўйича миқдорий кўрсаткичлар бўйича жуда ноаниқ. Дарҳақиқат, бу корхоналарнинг инновацион фаолиятини тавсифловчи жуда муҳим кўрсаткичлардир. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, корхонанинг инновацион фаолиги даражаси ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида янги маҳсулотларнинг улушини ўлчаш мақсадга мувофиқдир.

Шоҳижаҳон МУХИТДИНОВ,

Қарши давлат университети
Туризм ва маркетинг кафедраси мудири,
и.ф.ф.д (PhD).

АДАБИЁТЛАР

1. Ilm, ma'rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili Davlat Dasturi. lex.uz
2. Болтабоев М.Р., Тухлиев И.С., Сафаров Б.Ш., Абдухамидов С.А. Туризм: назария ва амалиёт. Т.: «Баркамол фойз медиа» нашриёти. 2018 й. 70-б.
3. Porter, M. E. Clusters and the new economics of competition. Harvard Business Review, 76(6), 77-90, 1998.
4. Эгамов Б., Бахтияров Ш. Минтақада машинасозлик ва енгил саноат корхоналарида аутсорсинг хизматларини ташкил этиш. Республиканская научно-методическая конференция молодых учёных. ТерГУ 31 марта-1 апреля 2017 г, 1-част. Термиз, 2017.
5. O'zbekiston Respublikasi Madaniyat va sport ishlari Vazirligi – www.madaniyat.sport.uz
6. www.uzbektourism.uz



Бугун жаҳон ҳамжамиятини экологик ва иқлим ўзгариши каби қўлаб глобал муаммолар ўйлантирмоқда. Саноатнинг жадал ривожланиши, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, тупроқ таркибининг ўзгариб бориши, биохилмаҳилликнинг йўқолиши, иқлимнинг кескин ўзгариши, қурғоқчилик наинки башарият, балки бутун жонли мавжудот – флора ва фауна дунёсига катта таҳдид солмоқда.

Ана шу муаммолар орасида экинларда ўсимликлар касаллик ва зараркунандаларининг ортиб бораётгани бу борадаги илм аҳли ва зироатчилар оламининг тезкор илмий изланиш ва амалий ҳаракатларини тақозо этаётир.

Толмас олим, дарёдил устоз

Шулар ҳақида ўйлар эканман, 80 ёшни қаршилаётган устозимиз – Тошкент давлат аграр университети ўсимликлар карантини ва ҳимояси кафедраси профессори, биология фанлари доктори Хўжамурод Кимсанбоевнинг мамлакатимиздаги қарийб ярим асрлик меҳнатлари, илмий изланишлари самараси ўлароқ мазкур тармоқ илмининг ривож топгани ва эришилган натижалари ҳаёлимдан ўтади.

Бугунги кунда Хўжамурод Кимсанбоев каби фидойи олимларимиз илмий изланишлари ва бу борада, айниқса, ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш йўналишида қўлга киритилган ютуқлар жаҳонда эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон сарҳадларидан ташқарида ҳам устозимиз энтомология, ўсимликларни ҳимоя қилиш, энтомофагларни аниқлаш, қўллашнинг биологик асослари йўналишларидаги самарали тадқиқотлари билан дунё илмий жамоатчилиги орасида йирик энтомолог, биолог олим сифатида танилди.

Фарғона вилояти Қува туманида туғилиб вояга етган оддий қишлоқ боласи бугунги кунда мамлакатимизда ўз мактабини яратган олимлардан. Изланувчан устозимиз 860 дан ортиқ илмий ишлар, шу жумладан, 22 та монография, 124 та тавсиянома, 26 та фундаментал дарслик ва 37 та ўқув қўлланмалари муаллифидир. «Ўмумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси», «Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш», «Ўсимликларни биологик ҳимоя қилиш», «Биолабораторияда энтомофагларни кўпайтириш ва қўллаш» рисоалари ҳамда деҳқон ва фермерлар учун қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандалардан асраш бўйича бир нечта мавсумий тавсияномаларнинг асосий муаллифи саналади. Шунингдек, ишлаб чиқариш амалиётига биолабораторияларда энтомофагларни кўпайтириш ва тарқатиш бўйича 12 та ихтиро патентларга эга. Унинг бу изланишлари замирида она табиятга, экологияга, унмдор тупроққа бўлган муносабати мужассам.

Профессор Х.Кимсанбоевнинг яна бир хислати унинг ёшларга бўлган ҳурмат ва жонқуярлигидир.

Устозимиз агар бирор истеъдодли, илмга чанқоқ ва эътиқоди мустаҳкам талабани учратса, албатта, уни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга интилади. Ундаги талабчанлик билан меҳрибонлик уйғунлашган ҳолда ёшларнинг масъулиятли, сабр-тоқатли, изланишлардан толиқмайдиган бўлиб камол топишида асосий омил бўлиб хизмат қилади десам, хато қилмайман.

Бугун унинг 22 нафар фан номзоди, 3 нафар фан доктори, 1 нафар академик, 25 нафардан ортиқ стажёр-тадқиқотчи-изланувчи шогирдлари мамлакатимиз илм-фанига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Устозимизнинг яна бир жиҳати унинг ҳамиша янгиланувчан, инновациялар тарафдори бўлиб келганидир. Олим иштирокида университетда қатор илмий марказлар, кафедралар ва лабораториялар очилгани фикримизга далил бўла олади.

Кадрлар тайёрлашдаги жонбозлиги, илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссаси учун Х.Кимсанбоев 1991 йил Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги Фанлар Академияси мухбир аъзоси, 2001 йили «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими» фахрий унвонларига сазовор бўлган, 2008 йили Вьетнам Демократик Республикаси «Халқлар дўстлиги» ордени билан тақдирланган.

Хўжамурод Ҳамракулович учун яна бир энг катта мукофот бу мамлакатимиз ва хорижий давлатлар илмий жамоатчилиги томонидан унинг хизматларининг тан олиниши, қолаверса, юртимизнинг турли бурчакларида меҳнат қилиб келаётган юзлаб шогирдларининг ҳурмати ва эҳтиромидир.

Устозга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, илмий изланишларида юксак самарали натижалар тилаб қоламиз.

Бир гуруҳ шогирдлари номидан
Азимжон АНОРБАЕВ,

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти директори,
қ.х.ф.д., профессор.

O'ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO'JALIGI

agrar-iqtisodiy,
ilmiy-ommabop jurnal

СЕЛЬСКОЕ И
ВОДНОЕ ХОЗЯЙСТВО
УЗБЕКИСТАНА

аграрно-экономический,
научно-популярный журнал

Muassislar:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QISHLOQ XO'JALIGI VA SUV XO'JALIGI
VAZIRLIK LARI

Bosh muharrir:

Tohir DOLIIYEV

Tahrir hay'ati:

Aziz VOITOV
Shavkat XAMRAYEV
Botir TOG'AYEV
Azimjon NAZAROV
Bahodir TOJIYEV
Ravshan MAMUTOV
Abrol VAXOBV
Bahrom NORQOBILOV
Nizomiddin BAKIROV
Shuhrat TESHAYEV
Bahodir MIRZAYEV
Ravshanbek SIDDIQOV
Mirziyod MIRSAIDOV
Baxtiyor KARIMOV
Ibrohim ERGASHEV

2023-yil, oktabr №10.

Jurnal 1906-yil yanvardan
chiqa boshlagan.

Obuna indeksi 895

Jurnaldan materiallar ko'chirib
olinganda "O'zbekiston qishloq
va suv xo'jaligi" jurnalidan
olindi, deb ko'rsatilishi shart.

MUNDARIJA

Ш.ХАМРАЕВ. Ўзбекистоннинг сув хўжалиги соҳасидаги ислохотлари эзуликка хизмат қилмоқда	1
М.ТОШБОЛТАЕВ. Пахта далаларини ҳосилдан тез бўшатайлик	5
Р.НИЗОМОВ, Ф.РАСУЛОВ. Тўқсонбости усулида сабзавот экинлари етиштириш агротехнологияси	7
С.МАМАТОВ, С.САДИКОВА, С.АРИФОВ, Ш.ИСАКОВ. Жанубий Америка помидор қуяси – ҳосил қушандаси	10
Асосий масъулият ижро интизомиди	11
У.МАМАЖОНОВ. Ўртак олса арзийдиган деҳқон	12
С.ХУДАЙКУЛОВ. Устозлик шарафли бурч	13
А.ТОПРОВ. Стандартлаш орқали — рақобатбардош маҳсулотлар сари	14
С.АХМЕДОВА. Тадбиркорлик ёруғ кунларга етаклайди	17
Х.КАРИМОВ. Макссад соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшиш	18
Журналхон сувчилар	19
М.МУХАММЕДОВА. Сув хўжалигида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси	20
Сифатли таъмир суви йўлларини равион этмоқда	21
Й.МУХАММАДИЕВ. Окдарёдан дунё бозорига	22
Хайрли ишга бош қўшиш масъулияти	23
Ш.НОРМУРОДОВ. Агроинновациялар: кам меҳнат, мўл ҳосил гарови	24
Ў.АКБАРОВА. Суяги меҳнатда қотган	26
Т.ХУДОЙБЕРДИЕВ. Олимдан – фермерга	27
Б.СЕНТМУСАЕВ, О.ЭРҒАШЕВ. АТМ-1 ўрта толали гўза навининг турли хўдудларда парваришланган популяцияларида бир кўсақдаги пахта вази белгиси кўрсаткичларининг намоён бўлиши	31
А.ҲАКИМОВ, О.ЭРҒАШЕВ. Ўрта толали гўза навида айрим морфо-хўжалик белгиларининг намоён бўлишини аниқлаш	33
Х.БОЗОРОВ, Б.ҲАЛИКОВ, Х.МАХСАДОВ. Алмашлаб экишнинг соя:гўза (1:2) тизимида асосий экин соядан сўнг парваришланган оралиқ экинлар ҳамда маъдан ўғитлар меъёrlарининг гўза ҳосилдорлигига таъсири	35
Ю.САИМНАЗАРОВ, М.ТУРДИЕВА, Ш.АХМЕДОВ, И.АКБАРАЛИЕВ, О.ЖўРАЕВ, С.АБДУРАМАНОВА, М.ИСРОИЛОВ, У.МАМАТОВ. Республикамизга олиб келинган олма навларининг хўжалик-биологик хусусиятлари	38
Р.ЮНУСОВ, Ф.ГАНИЕВА. Интенсив олмазорларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига қўчат қалинлиги ҳамда нав-пайвандтаглар ва ресурстежамкор технологияларнинг таъсири	40
Ш.САИДГАНИЕВА, Н.ТУФЛИЕВ. Андйон вилояти шароитида amarant o'simligi zararkunandalарининг тарқалish darajasi	44
А.ҚУРБОНОВ. Сибир осетр (<i>Acipenser baerii</i>) баликларининг ўсишида пробиотикларнинг таъсири	46
С.АХМЕДОВ. Қишлоқ хўжалигида сувдан оқилона фойдаланишнинг амалий жиҳатлари	48
Қ.РАХМОНОВ, М.АБДУРАХИМОВА, Ж.РАХМОНОВ. Чегара белгилари ер кадастри ахборот тизимини тақомиллаштиришда асосий омил	51
И.ОЧИЛОВ. Агрокластерлар молиявий самарадорлигини баҳолаш методологияси	54
М.АБДУЛЛАЕВ. Минтақалар агросаноат кластерларини ривожлантиришда замонавий маркетингнинг роли	57
Ш.МУХИТДИНОВ. Минтақа туризмини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш дастурларининг самарадорлигини баҳолаш босқичлари	60
А.АНОРБАЕВ. Толмас олим, дарёдил устоз	62

Jurnal O'zbekiston Matbuot
va axborot agentligida 2019-yil
10-yanvarda 0158-raqam bilan qayta
ro'yxatga olingan.

Manziliimiz: 100004, Toshkent sh.,
Shayxontohur t., A.Navoiy k., 44-uy.

Tel.: +998 71 242-13-54,
+998 71 249-13-54.

Veb sayt: qxjurnal.uz

E-mail: qxjurnal@mail.ru

Telegram: qxjurnal_uz

Facebook: qxjurnal

© «O'zbekiston qishloq
va suv xo'jaligi»

Bosmaxonaga topshirildi: 2023-yil
3-oktabr. Qog'oz bichimi 70x100 1/16.
Ofset usulida ofset qog'oziga chop
etildi. Shartli bosma tabog'i – 5,5. Nashr
bosma tabog'i – 1,31. Buyurtma № 22
Nusxasi 750 dona.

«HILOL MEDIA» MCHJ
matbaa bo'limida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahri,
Uchtepa tumani, Sharaf va To'qimachi
ko'chalari kesishuvi.

Navbatchi muharrirlar –
A.TAIROV, B.SANOV
Dizayner – U.MAMAJONOV

ДИҚҚАТ!



**КАТТАМИНГ УРУҒЧИЛИК
КЛАСТЕРИ**

САРА УРУҒ —

юқори ҳосилдорлик омили

**« Каттаминг Уруғчилик Кластери »
МЧЖ 2023 йил ҳосилдан бугдой
уруғларини шартнома асосида
сотади:**

- Давр Супер Элита
- Алексеевич С/Э
- Аср Супер Элита
- Давр Элита
- Тания Элита
- Давр РУ-1
- Тания РУ-1
- Алексеевич РУ-1
- Бағрат РУ-1
- Веха РУ-1

- Уруғ сараланиб, дориланиб,
50 кг қопларга қадоқланган.
- Уруғ сифати халқаро
стандартларга жавоб беради.
- Ўзбекистон Республикаси
сертификатлаштириш миллий
tizими томонидан O'z DST
2823:2014 стандарти бўйича
Сертификат олинган.
- Тўлов сиз хоҳлаган
усулда амалга оширилади.

Манзил:

Самарқанд вилоят Каттақўрғон
тумани Каттаминг маҳалласи

Телефон: (+998 99) 0688433



М аълумки, ғалла ҳосилдорлигини ошириш-
да, мўл ҳосил етиштиришда аввало экил-
ган уруғ нави муҳим омил ҳисобланади.
Каттақўрғон туманидаги “Каттаминг уруғчилик клас-
тери” масъулияти чекланган жамияти аъзолари ҳам
шуни ҳисобга олиб, ҳар бир фермер хўжаликларига
индивидуал ёндашиб, уларнинг экин майдонлари
шарт-шароитидан келиб чиқиб, сара уруғ навларини
етказиб бермоқда. Бугунга келиб, ижобий натижа-
дорлик, юқори кўрсаткичлар сабаб, кластер МЧЖ
аъзолари нафақат тумандаги, балки қўшни туман
ва вилоятлардаги фермерлардан ҳам буюртма қабул
қилмоқда.

Ўтган йили ҳамкор фермерларимиз-
нинг юқори кўрсаткичи, яъни, ғалла
майдонларида гектаридан 80 центнер-
дан ҳосил олгани кўнглимизни
тоғдек кўтарди. Келгусида
сувсизликка чидамли ва
лалми ерларга мўлжалланган
серҳосил уруғ етиштиришни
мақсад қилганмиз. Шунингдек,
қўшимча тармоқлар ташкил
этиб, янги иш ўринлари яра-
тишни ҳам ўз олдимизга мақсад
қилганмиз, - дейди “Каттаминг
уруғчилик кластери” масъу-
лияти чекланган жамияти
раҳбари Фарход Ҳамроев.

Албатта дон — халқимиз ризқ-рўзи, фаровонлик
омилидир. Шу боис, айна кунларда жойларда сара
дон уруғи етиштиришга, унинг парваришига хизмат
қилаётган бу каби инсонларнинг омилкорлик билан
қилаётган бугунги меҳнатлари эртага ўз самарасини
беради ва ёруғ юз билан юқори ҳосилдорликка эри-
шади деб умид қилиб қоламиз.

Ўз мухбиримиз.



Mercedes-Benz Uzbekistonda

«SARDOR AVTO INVEST» DM
Toshkentdagi rasmiy diler | Тел.: 78 150 13 60



www.mercedes-tashkent.uz



**CHANGAN LABO va KAMA BIZNES
PUL TOPAR MASHINALAR**



“SARDOR AVTO INVEST” TOSHKENTDAGI RASMIY DILER

Tel: (78) 148 09 11, (90) 806-46-67

www.sardor-avto.uz

MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN